

М. ҚОДИРОВ, У. ДОЛИМОВ,
М. АЪЛАМОВА

ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ

(Олий ўқув юртларига кирувчилар учун қўлланма)

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1993

4602020400 — 93
353(04) — 92 39 — 92
ISBN 5-645-01634-3

© «Ўқитувчи» наприёти, 1993

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН ДАСТУР. УҚТИРИШ ХАТИ

Олий ўқув юртларига кириш учун ўзбек тили ва адабиётидан ўтказиладиган ёзма ва оғзаки имтиҳонлар мазкур методик кўрсатмада берилган дастур (савол-топшириқлар) талаби доирасида ўтказилади. Кириш имтиҳонлари учун тузилган бу дастур ўрта мактаб она тили дастурига тўла мос келади, унга мувофиқлаштирилган.

Ўзбек тили ва адабиёти дастури материалларини тўлиқ ўзлаштирилгандагина, бу фандан бўладиган ёзма имтиҳон (иншо) дан ҳам, оғзаки имтиҳондан ҳам муваффакиятли ўтиш мумкин.

Ўзбек тили дастурида ўрта мактабнинг IV—IX синфларида тил бўйича ўтилган барча мавзулар қамраб олиянган. Кириш имтиҳонларидағи савол-топшириқлар (иншо ва грамматик таҳлил шаклида) ўқишга кирувчининг фонетикадан, лексикадан, грамматика (морфология ва синтаксис) дан ва стилистикадан олган назарий билимларини текшириб кўришга имкон беради.

Мактабда она тили ўқитишининг мақсади кенг маънода саводли кишилар тайёрлаш, ўқувчиларни ижтимоий ҳаётдаги фаол ижодий фаолияти учун зарур бўлган даражада оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланиш малакаларига эга қилишдан иборатdir.

Олий мактабларга кириш учун ўзбек тили ва адабиётидан ўтказиладиган кириш имтиҳонларида кирувчиларнинг она тили фани бўйича билим савиғаси ёзма имтиҳонда ёзма нутқ малакаларини қай даражада эгаллаганидан, ўзбек адабий тили меъёрларига қай тарзда риоя қилишидан, имло ва пунктуация қоидаларини қандай ўзлаштирганидан, шунингдек, боғланишили нутқ малакалари даражасидан сезилса (аниқлансан), оғзаки имтиҳонда грамматик таҳлил орқали — фонетика, лексика, грамматика ва стилистикадан олган назарий билимларини амалда қандай тадбиқ қила олишидан аниқланади.

Ўзбек тили ва адабиётидан кириш имтиҳонлари икки хил шаклда олиб борилади:

- а) ёзма имтиҳон (иншо);
- б) оғзаки имтиҳон.

Ёзма имтиҳон иниш ёки диктант бўлиши мумкин. Иниш мавзулари варианларга бўлинади: ҳар бир шаклда иккита адабий (ёки адабий-ижодий) ва битта пижтимоий-сиёсий (эркин) мавзудаги иниш бўлади. Абитурент шулардан бирини танлаб олиб, шу мавзу бўйича иниш ёзади.

Оғзаки имтиҳонлар эса билет асосида ўтказилади. Ҳар бир билетда адабиётдан иккита ва она тилидан битта савол бўлади (она тилига онд саволга шу билетнинг ўзида берилган гапни грамматик таҳлил қилиш орқали жавоб берилади).

Имтиҳон топширувчи дастур талабларига эски ва янги дарслик ва ўқув қўлланмаларида баёя қилинган материаллар асосида жавоб бериш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАСТУРИ. ФОНЕТИКА ВА ИМЛО

Нутқ товушларининг ҳосил бўлши. Ўзбек тили нутқ товушлари. Унли ва ундош товушлар.

Унли товушларнинг айтилиш хусусиятлари.

Жарангли ва жарангсиз ундошлар.

Нутқ товушларининг ёзувда ифодаланиши (товуш ва ҳарф). Ҳозирги ўзбек алфавити.

Унли товушларни ифодаловчи ҳарфлар имлоси.

Ундош товушларни ифодаловчи ҳарфлар имлоси.

Икки товушни ифодалайдиган ҳарфлар (*e, ё, ю, я*) имлоси.

Бир товушни ифодалайдиган ҳарф бирималари (*нг, ич*) нинг товуш хусусиятлари ва имлоси.

Айириш (*ъ*) ва юмшатиш (*ъ*) белгиларининг вазифалари ва имлоси.

Бош ҳарфлар имлоси.

Бўғин тузилиши ва унинг турлари. Бўғин кўчириш қопдалари. Ургу. Ургули ва ургусиз бўғин. Сўз ургуси ва гап ургуси.

ЛЕКСИКА

(Сўз ҳақида маълумот)

Сўз ва унинг маъноси. Тўғри маъно, кўчма маъно. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар. Термин ҳақида маълумот.

Сўз ва пбора. Барқарор пборалар ва уларнинг қўллашиши.

Синоним, омоним ва антоним сўзлар, уларнинг қўллашиши.

Умумхалқ ишлатадиган сўзлар. Касб-ҳунарга хос сўзлар (профессионализмлар). Шевага хос сўзлар (диалектизмлар).

Эскирган (архаизм ва историзм) сўзлар ва янги пайдо бўлган (неологизм) сўзлар.

Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари. Ўзбек тили лексикасига рус тилининг таъсири.

ГРАММАТИКА. МОРФОЛОГИЯ ВА ИМЛО

Сўз таркиби: сўзниң ўзаги ва қўшимчаси. Ўзак ва негиз.

Қўшимчаларниң маъно ва вазифаларга кўра турлари. Сўз ясовчи қўшимчалар. Форма ясовчи қўшимчалар. Сўз ўзгартиравчи қўшимчалар.

Ўзак-негиз ва қўшимчалар имлоси.

Сўз ясалиши. Сўз ясаш усуслари. Ясовчи қўшимчалар билан сўз ясаш. Сўзларни қўшиб, сўз ясаш. Сўзни янги маънода ишлатиш билан сўз ясаш.

Содда, қўшма ва жуфт сўзлар, уларнинг ёзилиши.

Сўзларни туркумлаш. Ёрдамчи сўз туркумлари. Ундов сўзлар ва тақлид сўзлар.

I. МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

1. От. Отнинг маъноси ва грамматик белгилари. Отнинг маъно турлари: атоқли отлар ва турдош отлар. Атоқли отларниң ёзилиши. Турдош отнинг маъно турлари. Отнинг бирлиқ ва кўплик формалари. Эталик қўшимчалари ва уларнинг ёзилиши. Келишик қўшимчалари ва уларнинг ёзилиши. Отларниң ясалиши. Қўшма, жуфт ва қисқартма отлар, уларнинг ёзилиши. Кичрайтириш ва эркалаш формасидаги отлар.

2. Сифат. Маъноси ва грамматик белгилари. Сифатнинг маъно турлари: аслий ва тисбий сифатлар. Сифат даражалари: оддий, қиёсий ва орттирма даражалар. Озайтирма ва кучайтирма сифатлар. Сифатларниң ясалиши. Қўшма ва жуфт сифатлар, уларнинг ёзилиши. Сифатларниң отлашиши.

3. Сон. Маъноси ва грамматик белгилари. Соннинг маъносига кўра турлари: саноқ сонлар ва тартиб сонлар. Саноқ соннинг турлари: миқдор сон, дона сон, чама сон, тақсим сон, жамловчи сон. Бутун сон, каср сон, аралаш сон, уларнинг ёзилиши. Соннинг тузилишига кўра турлари: содда, қўшма ва таркибли сонлар, уларнинг ёзилиши. Сонларнинг отлашиши.

4. Олмош. Маъноси ва грамматик белгилари. Олмошнинг маъно турлари: кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, ўзлик олмоши. Бўлишсизлик, белгилаш, сўроқ ва гумон олмошлари. От, сифат ва сон ўрнида қўлланувчи олмошлар. Олмошларнинг турланиши ва ёзилиши.

5. Феъл. Маъноси ва грамматик белгилари. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар. Феъл дараражалари: бош, ўзлик, мажҳул, биргалик ва ортирма дараражалар. Феълнинг ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон формалари. Феъл майллари: аниқлик, шарт, буйруқ-истак ва мақсад майллари. Феълларда тусланиш. Тусланиш турлари. Феълнинг вазифа формалари: сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи. Уларнинг имлоси. Феълларнинг ясалиши. Қўшма феъллар ва уларнинг ёзилиши. Кўмакчи феъллар. Тўлиқсиз феъл.

6. Равиши. Маъноси ва грамматик белгилари. Равишлиарда дараҷа. Равишиларнинг маъно турлари: ҳолат, пайт, ўрин, миқдор-дараҷа, мақсад равишилари. Равишиларнинг ясалиши. Қўшма, жуфт равишилар, уларнинг имлоси.

II. ЕРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

1. Кўмакчи. Кўмакчиларнинг қўлланилиши ва маънолари. Соф кўмакчилар. Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар.

2. Боғловчи. Боғловчиларнинг вазифасига кўра турлари: тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчилар. Баъзи кўмакчи ва юкламаларнинг боғловчи вазифасида келиши (-у, -ю, -да, ҳам, билан).

3. Юклама. Юкламаларнинг маъно жиҳатдан турлари: сўроқ, таъкид, айирув, кучайтирув юкламалари. Юкламаларнинг ёзилиши.

III. УНДОВ ВА ТАҚЛИД СЎЗЛАР

Ундов сўзлар ҳақида маълумот. Уларнинг маъно турлари: ҳис-ҳаяжон ундовлари, ҳайдаш-чақириш ундовлари.

Фонетик ва грамматик хусусиятлари. Ундовларнинг ёзиши.

Тақлид сўзлар ва уларнинг ёзиши.

СИНТАКСИС ВА ПУНКТУАЦИЯ

Сўз бирикмаси, унинг сўз ва гандан фарқи. Сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришуви. Тенг ва эргаш боғланиш. Эргаш боғланишда бош сўз ва эргаш сўз. Эргаш сўз билан бош сўзниң бирикиш усуллари: бошқарув, мослашув, битишув.

Гап. Гапнинг асосий белгилари. Гапнинг мақсадга кўра турлари: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап. Гапнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра турлари: ҳис-ҳаяжонсиз гап, ундов гап. Гапнинг тузилишига кўра турлари: содда гап, қўшма гап.

1. Содда гап. Икки бош бўлакли гап ва бир бош бўлакли гап. Икки бош бўлакли гапнинг грамматик асоси.

Гапнинг бош бўлаклари. Эганинг ифодаланиши. Кесимнинг ифодаланиши. Феъл кесим ва от кесим. Содда ва таркибли кесим. Боғлама. Эга билан кесимнинг шахс ва сонда ўзаро мослиги. Эга билан от кесим орасида тиренинг ишлатилиши.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари: тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол. Тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши. Воситасиз ва воситали тўлдирувчи. Аниқловчи ва унинг ифодаланиши. Қаратқичли ва сифатловчи аниқловчи. Изоҳловчи ва унинг ифодаланиши. Ҳол ва унинг ифодаланиши. Ҳолнинг маъно турлари: ўрин ҳоли, пайт ҳоли, миқдор ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, равиш ҳоли.

Гап бўлакларининг тартиби. Маъно урғуси (гап урғуси).

Бир бош бўлакли гап. Шахси маълум гап. Шахси умумлашган гап. Шахси топилмас гап. Атов гап. Сўзгаплар.

Тўлиқ ва тўлиқсиз гап.

Уюшиқ бўлакли гаплар. Уюшиқ бўлакли гапларнинг ўзаро боғланиши. Уюшиқ бўлак, умумлаштирувчи сўз ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар. Ажратилган тўлдирувчи, ажратилган аниқловчи, ажратилган ҳол ва уларнинг ёзиши.

Ундалмали ва кириш сўзли гаплар, уларда тиниш

белгиларининг қўлланиши. Ҳа ва йўқ сўзлари, уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

2. Қўшма гап. Қўшма гап ҳақида маълумот.

Қўшма гапнинг турлари: боғланган қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап.

Боғланган қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар. Богланган қўшма гапда вергулнинг ишлатилиши.

Эргаш гапли қўшма гапларда бош гап ва эргаш гап. Бош гап билан эргаш гапни боғловчи воситалар. Эргаш гапли қўшма гапларда вергулнинг ишлатилиши.

Эргаш гапнинг турлари. Тўлдирувчи эргаш гап. Аниқловчи эргаш гап. Ўхнатиш эргаш гап. Ўрин эргаш гап. Пайт эргаш гап. Сабаб эргаш гап. Мақсад эргаш гап. Равиш эргаш гап. Натижа эргаш гап. Тўсиқсиз эргаш гап. Шарт эргаш гап.

Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар ва уларда пунктуация.

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмун муносабати. Богловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг қўлланиши.

Мураккаб қўшма гаплар. Тенг әргашиш ва кетма-кет әргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар. Аралаш ҳолдаги мураккаб қўшма гаплар.

Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар. Кўчирма гапларда тиниш белгилари. Кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантириши.

Диалог ва унда ишлатиладиган тиниш белгилари.

Кўчирма (цитата) ва унда қўлланадиган тиниш белгилари.

СТИЛИСТИКА

Адабий тил меъёрларп ва услубпий меъёрлар. Адабий тил меъёрлари ва нутқ маданияти.

Услуб турлари. Сўзлашув услуби. Китобий услублар: илмий услуб, расмий услуб, публицистик услуб, бадиий услуб.

Лексик стилистика. Сўзни кўчма маънода қўллаш. Сўзнинг услубий бўёғи.

Омоним ва антоним сўзларнинг қўлланиши. Синоним сўзлар ва иборалар.

Эскирган сўзлар ва неологизмларни нутқда қўллаш меъёрлари.

Профессионализм ва диалектизмлардан фойдаланиш.

Фонетик стилистика. Нутқда унли ва ундош товушлар чўзишишининг услугбий аҳамияти. Товуш алмаштиришининг услугбий жиҳати.

Морфологик стилистика. Отлардаги кўплик, кичрайтириш-эркалаш қўшимчаларининг стилистик хусусиятлари. Феъл замон кўрсаткичларининг кўчма қўлланиши.

Феъл майл кўрсаткичларининг кўчма қўлланиши. Феъл шахс-сон кўрсаткичларининг кўчма қўлланиши.

Синтактик стилистика. Риторик сўроқ гапларнинг хусусиятлари. Инкор гапларнинг хусусиятлари.

Гапда сўз тартибининг услугбий жиҳати.

Синтактик синонимия ҳодисаси.

ТИЛ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Тил ва жамият. Дунёдаги тиллар ва ёзувлар ҳақида маълумот.

Ўзбек адабий тили ва шевалари.

Ўзбек тилининг тарағқиёти.

БОҒЛАНИШЛИ НУТҚНИ ЎСТИРИШ

Ўрта мактабларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ривожлантиришдан иборатdir. Она тили дарсларида ўқувчилар адабий тил меъёрларини, фикр ифодалашнинг хилма-хил воситаларини эгаллайдилар, оғзаки ва ёзма нутққа бўлган энг муҳим талаблар билан танишадилар, нутқ услублари ва уларнинг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида тушиунча ҳосил қиласидилар.

Боғланишли нутқни ўстиришнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан она тили ўқитишни адабиёт ўқитиш билан боғлаб олиб боришига боғлиқ. Ўрта мактабдаги адабиёт дарслари нутқнинг эстетик томонига эътибор беришга, бадиий асарни санъат асари сифатида тушунишга, бадиий ҳис этишга ўргатади. Демак, ўрта мактабда она тили ва адабиётни ўрганиш борасида олиб бориладиган ишларнинг ҳаммаси, ҳар қандай ҳолда ҳам, нутқ ўстириш билан боғланади. Ана ўзининг учун ҳам она тили ва адабиёт дарсларида баён ва иншо ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

Ўрта мактабни тугаллаган ҳар бир ёш авлод ўзбек адабий тили меъёрларини эгаллаган, сўз ва грамматик

шаклларни тўғри ёза оладиган ва тўғри талаффуз қила оладиган, гап тузиш ва фикр ифодалашда энг мувоғиқ воситалардан фойдалана оладиган бўлиши керак.

Ўрта мактабни битиравчиларнинг оғзаки ва ёзма боғланишли нутқини ўстириш бўйича ҳосил қилишлари зарур бўлган муҳим қўнижмалар қўйидагилардан иборат:

- ўқилган ҳикоя, шеър, мақола ҳақида оғзаки ёки ёзма фикр билдириш;
- ўқилган бадиий ва илмий-оммабоп китоблар ҳақида фикр билдириш;
- ҳикоя-ривоя характеристидаги матнларни, диафильм, кинофильм, спектакль, сурат, ҳайкалтарошлик ва музика асарларининг, радиоэшиттириш, телекўрсатувларининг мундарижасини, мулоҳаза белгиларини қўшиб, тўлиқ баён қилиш:

— меҳнат жараёнларини, ҳаётий воқеаларни шахсий кузатишлар ва таассуротлар асосида тасвиrlовчи иншо ёза олиш;

— публицистик характеристидаги матнларнинг мазмунини қисқача баён қилиш;

— берилган мақол, афоризм, ҳикматли сўзлар бўйича ҳикоя-ривоя характеристидаги иншо ёза олиш;

— одоб-ахлоқда доир мавзуларда мулоҳаза характеристидаги иншо ёза олиш;

— мустақил танланған мавзуда ҳикоя-ривоя характеристидаги иншо ёза олиш;

— ижтимоий-сиёсий, тарихий-адабий мавзуларда муаммо характеристидаги иншо ёза олиш;

— адабиётшуносликка оид (дарслик ва қўлланмалардаги) манбалар асосида маъруза ёки реферат ёзпиш;

— маълум мавзулар (дарсликдаги бўлимлар) бўйича тезис ва конспектлар туга олиш;

— ўрганилган асарларнинг гоявий мазмунини, композицияси ва бадиий хусусиятлари ҳақида адабий мавзулардаги иншолар (масалан, «Фарҳод образида илгор инсоний фазилатларнинг акс этиши», «Ҳамза — драматург», «F. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърининг гоявий мазмуни», «А. Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» ҳикоясининг бадиий хусусиятлари» қаби) ёза олиш;

— бир бадиий асардаги образларга ёки бир печа асардаги образ ва персонажларга қиёсий тавсиф берувчи иншолар (масалан, «Қуттуғ қон» романидаги Йўлчи ва Мирзакаримбой образларига қиёсий тавсиф, Ҳамзанинг

«Бой ила хизматчи» драмасидаги Ғоғир ва Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи образлари каби) ёза олиш;

— адабий материаллар билан боғланмаган эркин мавзуларда иншолар (масалан, «Илм ва меҳнат — баҳт манбаи», «Ҳалқлар дўстлиги — тинчлик гарови», «Мен севган касб» каби) ёза олиш.

ИНШОГА ОИД УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

1. Иншо мавзусининг асл моҳиятини (мундарижасини) англаб олиш, унинг ҳажмини аниқлаш, шунга мос материаллар танлаш ва уни изчиллаштириш...

2. Иншо режасини тузиш, режа моддаларини изчил беритиш, яъни иншода режа ва мазмун бирлигини саклаш.

3. Фикрларни мавзу талабига мослаб, аниқ, тўла ва таъсирчан шаклда баён қила олиш. Турли далил ва исботлар билан фикри асослай билиш. Иншонинг мавзуси, тояси, мундарижасига мос келадиган фикр ва иборалардан ўринли фойдаланиш, кўчирмаларни ўз ўрнида ишлатиши, матнни тўғри туза олиш.

4. Иншо композициясини тўғри туза олиш, материалларни изчиллик билан жойлаштира билиш, қисмларни ўзаро боғлай олиш, тегишли хуносалар чиқариш ва умумлаштириши.

5. Иншода адабий тил меъёрларига мувофиқ равшан, саводли, ўринсиз эҳтирос ва сунъийликка йўл қўймаган тарзда фикрлаш.

ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР

Асқарова М., Қосимова К. Ўзбек тили дарслиги: 4- синф учун, Тошкент, «Ўқитувчи», 1980 (ва шундан кейинги нашрлари).

Ғуломов А., Абдуллаев Й., Маъруғов З., Омилхонова М. Ўзбек тили дарслиги: 5- ва 6-синфлар учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

Асқарова М., Абдуллаев Й., Омилхонова М. Ўзбек тили дарслиги: 7- ва 9-синфлар учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1980 (ва шундан кейинги нашрлари).

Ғуломов А., Шоабдураҳмонов Ш. Асқа-

рова М. Ўзбек тили дарслиги: 9-синф учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

Абдураҳмонов F., Маъруғов А., Сайфуллаев А., Рустамов Ҳ., Пирмуҳамедов М. Ўзбек тили дарслиги: Кечки ўрта умумий таълим мактабларининг 5—8-синфлари учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1973 (ва шундан кейинги нашрлари).

Абдураҳмонов Ҳ., Аҳмедов Қ. Ўзбек тили ва адабиёти. Тайёрлов бўлими тингловчилари учун қўлланма. Тошкент, «Ўқитувчи», 1975 (ва шундан кейинги нашрлари).

Йимло луғати: Мактаб ўқувчилари учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1976 (ва шундан кейинги нашрлар).

Назаров Қ. Ўзбек тили пунктуацияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1976.

Назаров Қ. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. Тошкент, Фан, 1974.

Қодиров М. Кириш имтиҳонларида грамматик разбор. Тошкент, ТошДУ нашри, 1985 ва 1989.

УЗБЕК АДАБИЕТИДАН ДАСТУР. УЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЕТИ

Бадний адабиёт — сўз санъати. Сўз санъатининг икки тури: ҳалқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт.

Энг қадимги адабий ёдгорликлар: «Девону луготит турк», «Тўмарис», «Широқ», «Алпомис» каби асарларнинг ғоявий йўналишлари.

XIV—XV асрлар адабиёти. Лутфий. Адабий алоқалар: Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Фузулий.

Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти. Навоий — буюк ҳамсанавис. Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги ҳиллари: «Тарихи мулуки Ажам», «Холоти Сайд Ҳасан Ардашер», «Мажолисун-нафоис», «Ҳансатул-мутаҳайирин», «Мезонул-авзон», «Лисонут-тайр», «Муҳокаматул-лугатайн», «Маҳбубул-кулуб» асарлари. Алишер Навоий лирикаси. Навоий лирикасининг мавзуи ва ғоявий йўналишлари: инсонпарварлик, ватанпарварлик, шахс эркинлиги, соғ севги ва садоқат, маърифатпарварлик, инсоф ва адолат; золим подшоҳлар, риёкор ва жоҳил руҳонийлар танқиди. Шоир асарларида лирик қаҳрамон. «Хазойинул-маоний» ҳақида маълумот. «Сода шайх» газалида таркидунёчи ва хийлакор шайх-зоҳидларнинг танқид қилиниши. «Меҳ-

рибоне топмадим» газалида ўзи яшаган мухитдан норозилик кайфиятларининг тасвиrlаниши.

Алишер Навоийнинг рубойй ва туюқлари. Лирика ҳақида маълумот. Газал, рубойй ва туюқ ҳақида маълумот.

«Хамса» ҳақида маълумот. Навоий «Хамса»сининг яратилиши ҳақида. «Ҳайратул-аброр» — фалсафий-таълимий достон. «Лайли ва Мажнун» — бахтсиз ва ғожиали севгии тасвиrlовчи асар. «Сабъан сайёр» — севги ва садоқат, ҳалқ бахти билан шахс бахти ўртасидаги буюк боғлиқликни ифодаловчи достон. «Садди Искандарий» достонида адолатли шоҳ гоясининг илгари сурилиши.

«Фарҳод ва Ширин» — инсонпарварлик, ватанипарварлик, меҳнатсеварлик, маърифатпарварлик, ҳалқлар дўстлиги, ободончилик гояларини куйловчи асар. Достоннинг яратилиш тарихи. Асарнинг сюжети, композицияси. Фарҳод — асарнинг бош қаҳрамони. Достондаги аёллар образи. Достондаги салбий образлар. Достоннинг ғоявий мотивлари, бадиий хусусиятлари. Навоий «Хамса» сида романтизм ва реализм анъаналари. Ижодий усул ҳақида маълумот. Романтизм ва реализм ҳақида маълумот. Навоий ижодий меросининг ғоявий-бадиий аҳамияти. Алишер Навоий ва замонамиз.

Алишер Навоий ижоди бўйича иншо мавзулари:

1. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳалқлар дўстлигининг улуғланиши.
2. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги салбий образлар.
3. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Ширин ва Мехинбону образлари.
4. Фарҳод — мен севган қаҳрамон.
5. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод ва Хисрав образларига қиёсий тавсиф.
6. «Фарҳод ва Ширин» достонида меҳнатсеварлик ва қаҳрамонликнинг улуғланиши.
7. Алишер Навоий ижоди — ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси.
8. Шириннинг ахлоқий гўзаллиги (Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони бўйича).
9. Алишер Навоий «Хамса»сида аёллар образи.
10. Алишер Навоийнинг «Хамса»си — жаҳон адабиётининг йирик обидаси.

11. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достоинида чинакам севги ва садоқатнинг улуғланиши.

12. Фарҳод — Алишер Навоий орзу қилган идеал қаҳрамон.

13. Алишер Навоий — буюк лирик шоир.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур. Бобурнинг ҳаёти мавзуи ва ғоялари. Бобур лирикасида маърифатпарварлик, ҳаётсеварлик, ватанпарварлик, соғ инсоний севгини улуғлаш, ғурбатдан иолиш ва ватанини құмсағ ғоялари. «Нәлдиму?» радифли газали. Рубоийлари. Шоирнинг бадиий маҳорати.

«Бобурнома» — ўзбек бадиий насрининг гүзал намунаси. «Бобурнома» — мемуар асар. Асарда Мовароуннахр, Хурросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган тарихий воқеаларнинг тасвирланиши. Андижон ва Самарқанд тавсифи. Асарда тарихий шахслар тасвири.

«Бобурнома»нинг тили. Мемуар асар ҳақида маълумот. «Бобурнома»нинг жаҳоншумул аҳамияти.

Бобурнинг «Хатти Бобурий», «Муфассал», «Мусиқий илм», «Ҳарб иши» асарлари ҳақида маълумот.

Буюк олим ва мутағаккирлар Бобур ва «Бобурнома» ҳақида.

Иншо мавзулари:

1. Бобур — ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст үзилиси.

2. Бобур лирикасида муҳаббат, дўстлик ва илмга эътиқод ғояларининг куйланиши.

3. Бобур — лирик шоир.

4. «Бобурнома» — тарихий-мемуар асар.

XVII—XVIII АСРЛАР ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ АДАБИЁТИ

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маданият. Демократик тенденциядаги адабиётда ижтимоий сатира. Махмурнинг ҳаёти ва ижоди. Мунис Хоразмий, ҳаёти ва ижоди, Мұхаммад Ризо Оғаҳий, ҳаёти ва ижоди. Ўзбек шоирлари Үвайсий, Нодира, Маҳзуна. Адабий алоқалар: Бедил, Сайид, Махтумқули.

Турди (Фарғоний). Ҳаёти ва ижодий фаолияти. «Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажвия». Сатирада хон ва унинг амир-амалдорларининг фош

қилиниши. Сатира ҳақида маълумот. Юмор ҳақида маълумот.

Иншо мавзулари:

1. Турди — сатирик шоир.
2. Турди — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси.

Гулханий. Ҳаёти ва фаолияти. «Зарбулмасал» асари. Асарнинг жанр хусусияти, унинг мавзуи ва гоявий йўналиши, асар композицияси. Асада қўйилган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалар. Масалда мамлакатни вайронага айлантирувчи, ҳалқни хонавайрон қилувчи феодал муносабатларнинг фош этилиши. «Зарбулмасал»да Кўркуш образи. Асада Япалоққуш, Бойўғли, Қулонкир сulton образлари. «Маймун билан Нажжор», «Туя билан Бўталоқ» ва «Тошибақ билан Чайон» масалларининг таҳлили. «Зарбулмасал» асарининг яратилишида ҳалқ оғзаки ижодининг аҳамияти. «Зарбулмасал»нинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни. Асад сюжети ва композицияси ҳақида маълумот. Масал ҳақида маълумот. Мажозий образ ҳақида тушунча.

Иншо мавзулари:

1. Гулханий — моҳир масалчи.
2. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИ АДАБИЁТИ

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ўрта Осиёда тарихий шароит ва маданий ҳаёт. Адабий ҳаётдаги асосий йўналишлар.

Ўзбек демократик адабиётининг вужудга келиши ва ривожланиши. Демократик адабиётда ҳалқчиллик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик, ҳалқлар дўстлиги гоясининг куйланиши. Ўзбек демократик адабиётидаги сатиранинг ижтимоий моҳияти. Ўзбек демократик адабиётининг шаклланиши ва камолотида Муқимий, Фурқат, Завқий ва Аваз Ўтарнинг роли.

Муқимий — ўзбек демократик адабиётининг етакчи намояндаси. Муқимийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. Муқимий асарларининг жанр хусусиятларига қараб тўрт гуруҳга бўлиниши: 1. Лирика (газал, мухаммас, мураббаъ, маснавий, рубоий, туюқ ва фардлар). 2. Ҳажвиёт

(сатира ва юмор). 3. Саёҳатномалар. 4. Мактубот (шерий ва насрый мактублар).

Муқимий лирикаси. Муқимий лирикасида ҳаётга, инсонга муҳаббат, шодлик ва қувонч туйғулари, Шоир шеърларида мавжуд тузумдан шикоят, ҳукмрон доираларга нафрат туйғуларининг ифодаланиши.

«Навбаҳор» шеърининг таҳлили. Шеърда ҳаётга муҳаббат, гўзал табиатдан баҳраманд бўлиш ҳис-туйғуларининг тасвирланиши. Ғазалда кўтаринки руҳнинг биринчи ўринга қўйилиши.

Муқимий сатираси. Муқимий сатирасининг мавзу доираси, ғоявий йўналиши, реалистик моҳияти, Муқимий сатираларида образлар силсиласи. «Танобчилар» сатирасининг мавзуси, ғоявий мазмуни, асарда маҳаллий амалдорлар типик образларининг яратилиши. Шеърда меҳнаткаш ҳалқ ҳаётининг ҳаққоний тасвирланиши. Сатиранинг бадиий хусусиятлари ва ўзбек адабиётida тутган ўрни.

«Московчи бой таърифида» сатирасида миллий буржуазия намояндадарининг фош этилиши. Асада капиталистик рақобатнинг тасвирланиши. Асадаги Ҳодижӯжа эшоннинг ижтимоий тип даражасига кўтарилиши. Муқимий томонидан ўзбек адабиётига биринчи бор ишчилар мавзунинги олиб кирилиши. Сатиранинг композицияси ва тасвирий воситалари.

«Авлиё» сатирасида текинхўрлик билан ҳаёт кечиравчи баъзи бир шахсларнинг танқид қилиниши.

Муқимиининг «Саёҳатнома» асари ҳақида маълумот. «Саёҳатнома» лар — ўзбек демократик адабиётининг муҳим эпик намунаси. «Саёҳатнома»ларда табиат манзараларининг тасвирланиши ва ҳукмрон гуруҳларнинг фош этилиши.

Муқимий ижодининг ўзбек адабиётини ва адабий тилини ривожлантиришдаги аҳамияти. Муқимий ва замонамиз. Адабиёт ва санъатда Муқимий образи.

Реализм ва танқидий реализм ҳақида маълумот. Адабий тил ҳақида дастлабки маълумот.

Иншомавзулари:

1. Муқимиининг «Танобчилар» сатирасида маҳаллий амалдорларнинг фош қилиниши.

2. Муқимий — ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст намояндаси.

3. Муқимий сатирасида золим амалдорлар ва бойларнинг фош қилиниши.

4. Муқимийнинг «Саёҳатнома» асарида ўтмиш қишлоқ ҳаётининг ҳаққоний тасвирланиши.

5. Муқимий — лирик шоир.

Фурқат — ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили. Фурқатнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. Фурқат Тошкентда ва чет элларда. Фурқатнинг ижодий мероси. Фурқат лирик шоир. Шоир лирикасида ҳаётга муҳаббат, ватан согинчи, эрксизлик, турбатдан шикоят гоялари. Фурқат лирикасининг жанр хусусиятлари, юксак бадияти ва тили.

«Сайдинг қўя бер, сайд ёд» мусаддаси. Шеърда қуллик, ҳақсиаликка нафратнинг ифодаланиши, эркин, озод ҳаётнинг тараанум этилиши. Асардаги образлар. Шеърнинг бадиий хусусияти. Мусаддас ҳақида маълумот.

Фурқат — маърифатпарвар шоир. Фурқат дунёқарашининг шаклланиши. «Гимназия» шеърининг ёзилиш тарихи. Шеърда ҳалқни илм-маърифатга чакириши ва янгича таълим-тарбия тизимини мадҳ қилиши.

Ўзбек адабий тили ва адабиётининг ривожланишида Фурқатнинг роли. Фурқат ва замонамиз. Ўзбек адабиёти ва санъатида Фурқат образи.

Иншо мавзулари:

1. Фурқат лирикасида ҳаётга ва инсонга муҳаббатнинг ифодаланиши.

2. Фурқат — маърифат куйчиси.

3. Фурқат — ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили.

4. Фурқат лирикаси.


Завқий. Ҳаёти ва ижоди. Завқий — лирик шоир. «Ажаб эрмас» мухаммаси. Завқий сатираси. «Бўл», «Замона кимники?» шеърлари. «Ҳажви аҳли раста» шеърининг таҳлили.

Иншо мавзулари:

1. Завқий ижодида ватанта муҳаббат ва золимларга нафрат туйгуларининг ифодаланиши. («Ажаб эрмас», «Ҳажви аҳли раста» шеърлари асосида).

2. Завқий шеърларида ижтимоий гояларнинг ифодаланиши.

Аваз Ўтар. Ҳаёти ва ижоди. Аваз дунёқарашининг



шакллапиши. Аваз лирикасида маърифатпарварлик, озодлик йўналишларининг барқ уриб туриши. «Тил» ва «Хуррият» шеърларининг таҳлили.

Иншо мавзуси:

1. Аваз Ўтар шеърларида маърифатнарварлик, ватан-парварлик, озодликка ишонч йўналишлари.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИ ҮРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбек мумтоз адабиётидаги илгор анъаналарнинг адиблар томонидан давом эттирилиши.

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЕТИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди. Ҳамза ижодининг бошланиши. Ҳамза — маърифатпарвар, «Рамазон», «Илм иста», «Ўқиш китоби», «Енгил адабиёт» асарлари. «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул», «Яшил гул», «Сафсар гул» тўпламлари ҳақида маълумот. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» драмаси ҳақида.

Ҳамза ҳаётининг сўнгги йиллари. Ўзбек адабиёти ва сапъатида Ҳамза образи.

Иншо мавзулари

1. Ҳамза Ҳакимзода — драматург.
2. Ҳамза драмаларида аёллар образи («Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» ва «Бой ила хизматчи» драмалари асосида).

Садриддин Айний. Айний — улкан ёзувчи, олим; тоҷик адабиётининг забардаст вакили, ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган адиб. С. Айнийнинг ҳаёти ва ижоди. Айний — маърифатпарвар. «Таҳзиibus сибиён» асари ҳақида. Айний — катта наср устаси. «Буҳоро жаллодлари», «Одина», «Дохунда» асарлари ҳақида. «Қуллар», «Эски мактаб», «Судхўрнинг ўлими», «Эсадликлар» асарлари ҳақида. Айний — машҳур олим ва жамоат арбоби.

«Қуллар» романни. Романнинг тузилиши ва ғоявий мазмуни. Романдаги образлар тизмаси. Романнинг ба-

диий хусусиятлари. Ўзбек адабиётининг ривожланишида С. Айнийнинг хизматлари.

Иншо мавзуси:

С. Айнийнинг «Қуллар» романыда уч авлод ҳаётиниң ифода этилиши.

Абдулла Қодирий. Абдулла Қодирий — улкан носир. А. Қодирийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. Унинг юмористик ва сатирик асарлари. «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан», «Ташшұлат тажанг нима дейди?» түркімлари. А. Қодирийнинг йирик насрый асарлари: «Үтгап күнлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмөн».

«Меҳробдан чаён» романы. Романда ўзбек халқы ўтмишининг ҳаққоний тасвирланиши. Романдаги образлар тизмаси. Романнинг тили. Абдулла Қодирий ижодининг аҳамияти. Тарихий роман ҳақида маълумот.

Иншо мавзулари:

1. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Айвар образи.

2. Абдулла Қодирий — ўзбек адабиётининг буюк вакили.

3. Абдулла Қодирий — ўзбек романчилигининг асосччиси.

4. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Айвар ва Абдураҳмон образларига қиёсий тавсиф.

5. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги олган таассуротларим.

6. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Раъно образи.

Ойбек. Ойбек — ўзбек адабиётининг забардаст намояндаси. Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди. Ойбек поэзияси. «Днепрострой», «Фанга юриш», «Пушкин» шеърлари. «Ўч», «Дилбар — давр қизи», «Темирчи Жўра» достонлари.

Ойбек — атоқли ёзувчи. Ёзувчининг романлари: «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас», «Улуг йўл», повестлари: «Нур қидириб», «Болалик».

«Қутлуг қон» романы. Романда ўзбек меҳнаткашларининг чор истибодига қарши олиб борган курашининг акс эттирилиши. Романдаги образлар тизмаси. Йўлчи образи: унинг асар давомида ўсиб бориши. Йўлчи — халқ озодлиги ҳаракатининг қаҳрамони. Гулпор — ўзбек меҳнаткаш аёлларининг типик образи.

Аасардаги Шокир ота, Қоратой, Мирзакаримбой, Ҳакимбайвачча, Салимбайвачча, Тантибайвачча, Абдушукур, Нури ва бошқалар. Романинг бадий хусусиятлари: услуби, тили, композицияси, қаҳрамонлар нутқи, бадний тасвир воситалари.

Ойбекнинг Ватан уруши йилларидағи ижоди.

Ойбекнинг урушдан кейинги даврдаги ижоди.

Иншомавзулари:

1. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида меҳнаткаш омма ҳаёти ва қурашининг ҳаққоний ифодаланиши.

2. Ойбек — ўзбек адабиётининг йирик намояндаси.

3. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи ва Гулнор образлари.

4. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Гулнор ва Нури образларига қиёсий тавсиф.

Ҳамид Олимжон — ўзбек адабиётининг атоқли вакили. Ҳ. Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди. Ҳ. Олимжон лирикасида ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги гояси. «Ўзбекистон» шеъри.

«Зайнаб ва Омон» поэмаси. Поэманинг яратилиш тарихи. «Зайнаб ва Омон» — янги урғодат, янги муҳаббатни куйловчп достон. Поэмадаги асосий образлар: Зайнаб, Собир, Омон, Анор хола. Асаннинг композицияси, тили, бадний тасвир воситалари.

Ҳамид Олимжоннинг Ватан уруши йилларидағи ижоди. «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» балладалари. «Жангчи Турсун» — ватанпарварлик ва мардликни куйловчи, хоинликни, қўрқоқликни қораловчи асар. Балладада она ва Турсун образлари. Асаннинг бадний хусусиятлари. «Роксананинг кўз ёшлари» — халқлар дўстлиги, инсонийлик гояларини тараннум этувчи баллада.

Ҳамид Олимжоннинг Ватан уруши йилларидағи публицистик мақолалари: «Дўстлигимиз ҳақида», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман». Драмалари: «Муқанна», «Жиноят».

Ҳ. Олимжон — йирик жамоат арбоби.

Баллада жанри ҳақида маълумот.

Иншомавзулари:

1. Зайнаб ва Омон — мен севган қаҳрамонлар.

2. Ҳ. Олимжон ижодида Ватан ва ватанпарварлигининг улуғланиши («Жангчи Турсун» асари асосида).

3. X. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида соф севгининг улугланиши.

4. X. Олимжоннинг Ватан уруши йилларидаги ижоди.

ВАТАН УРУШИ ВА УРУПДАН КЕЙИНГИ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАР АДАБИЁТИ

Ватан уруши йилларидаги халқларимиз қаҳрамонлигининг адабиётда акс этиши. Жангчилар қаҳрамонлигининг бадиий адабиётда ифодаланиши. Муса Жалилнинг «Маобит дафтари» шеърий тўплами. Комил Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга!» драмаси.

Меҳнаткашларнинг Ватан уруши йилларида фронт орқасидаги фидокорона меҳнатининг адабиётда акс этиши. А. Қаҳҳор ҳикоялари, К. Яшин драмалари, F. Фулом, X. Олимжон, Ойбек каби ёзувчи ва шоирларнинг буюк ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, галабага бўлган юқсак ишонч руҳи билан сугорилган асарлари.

Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» драмаси, Уйгуннинг «Ҳаёт қўшиғи», «Олтин кўл» драмалари, F. Фулом, М. Шайхзода, Миртемир, А. Мухтор шеърлари.

Faфур Гулом — ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири. F. Гуломнинг ҳаёти ва ижоди. F. Гуломнинг 30- йиллардаги ижоди. Faфур Гулом — етук прозаик, унинг ҳикоя ва повестлари, «Чорбозорчи», «Ҳикоялар», «Кулги ҳикоялар» тўпламлари. «Нетай», «Тирилган мурда», «Шум бола», «Ёдгор» қиссалари ҳақида. «Турксий йўлларида» шеъри. Шеърда енгилмас қудратга ва ижодий кучга тўлган халқ яратувчи ҳаётининг тасвиirlаниши. Шеърнинг бадиий хусусиятлари.

Faфур Гуломнинг Ватан уруши йилларидаги ижоди: «Сен етим әмассан», «Қузатиш», «Халқ отланди», «Сув ва нур», «Софиниш», «Биз енгамиз», «Вақт» шеърлари ҳақида.

«Сен етим эмассан» шеъри. Шеърда халқпарварлик, ватанпарварлик, қардош халқлар дўстлиги тоясининг тараниум этилиши. Фашизмга висбатан ўтли нафрат ҳиссинга ифодаланиши.

Faфур Гуломнинг Ватан урушидан кейинги даврдаги ижоди. Тинч ижодий меҳнат мавзуси: «Фолиблар байрами», «Теримчи қизларга», «Озарбайжонлик пахтакор қардошларга» ва бошқа шеърлар. Тинчлик учун курапаш

мавзуси: «Яшасин тинчлик!», «Инсоният байрами», «Поль Робсонга» ва бошқа шеърлар.

Фафур Ғулом — адабиётшунос олим.

Адабиётда анъана ва новаторлик, лирик қаҳрамон. Лиро-эпик асар ҳақида маълумот. Бармоқ вазни ва эркин вазни ҳақида тушунча.

Иншо мавзулари:

1. Фафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърининг тоявий мазмуни.

2. Фафур Ғуломнинг Ватан уруши йилларидағи ижоди.

Үйгун — атоқли шоир ва драматург. Үйгуннинг ҳаёти ва ижоди. Үйгун — лирик шоир. Үйгун — она-Ватан, табиат күйчиси. «Куз қўшиқлари», «Украина еллари», «Қуёш ўлкасига» шеърлари.

Үйгуннинг Ватан уруши йилларидағи ижоди. «Ватан ҳақида қўшиқ» шеъри — она-Ватанга чексиз муҳаббат, Ватанимиз душмани — фапизмга нафрат руҳи билан суюрилган асар. Шеърнинг бадиий хусусияти.

Үйгуннинг Ватан урушидан кейинги даврдаги ижоди. Үйгун — тинчлик ва дўстлик күйчиси. «Тинчлик мадҳияси», «Тинчлик кабутари» шеърлари.

Үйгун — драматург. «Алишер Навоий», «Беруний», «Ҳаёт қўшиғи», «Навбаҳор», «Хуррият», «Парвоз» драмалари. Үйгун — таржимон, олим ва жамоат арбоби.

Иншо мавзулари:

Үйгун — лирик шоир.

Абдулла Қаҳҳор — юксак мушоҳадали сўз санъаткори. А. Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди. «Сароб» романи, «Бемор», «Ўгри» ҳикоялари, А. Қаҳҳорнинг Ватан уруши йилларидағи ижоди. «Асрор бобо», «Кампирлар сим қоқди», «Хотинлар», «Кўйк конверт» ҳикоялари.

«Асрор бобо» ҳикояси. Ҳикояда ватанпарварлик, фидокорлик, инсонийлик каби фазилатларнинг улуғланиши. Ҳикояда Асрор бобо образи. Ҳикоянинг бадиий хусусиятлари, ёзувчи маҳорати.

Абдулла Қаҳҳорнинг Ватан урушидан кейинги ижоди, «Қўшчинор чироқлари» романи. А. Қаҳҳор — драматург: «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», «Сўнгги

нусхалар», «Аяжонларим» драмалари. «Шоҳи сўзана» — қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасидаги фидокорона меҳнатни тасвирлашга багишланган драма. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», «Муҳаббат» қиссалари.

«Синчалак» қиссаси. «Синчалак» қиссаси — ўзбек адабиётининг катта ютуғи. Қиссада қишлоқ ҳаётининг акс эттирилиши. Асарда ўзбек хотин-қизларининг ташкилотчилик, раҳбарлик ролининг кўрсатилиши. Қиссадаги Саида ва Қаландаров образлари.

Иншомавзулари:

1. Абдулла Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» ҳикоясида ватанпарварлик гоясининг тасвирланиши.
2. А. Қаҳҳор — кичик ҳикоялар устаси.
3. А. Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги ҳикояларида меҳнат аҳли ҳаётининг акс эттирилиши.

Комил Яшин — таниқли драматург. К. Яшиннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. Яшин ижодининг бошланиши: «Тор-мор», «Номус ва муҳаббат», «Гулсаға», «Нурхон», «Ҳамза» драмалари. Бу драмаларда хотин-қизлар образи.

Комил Яшиннинг Ватан уруши йилларидағи ижоди: «Ўлим босқинчиларга!», «Офтобхон» драмалари. Комил Яшиннинг Ватан урушидан кейинги давр ижоди: «Генерал Раҳимов» драмаси; «Ҳамза» романи.

Ўзбек драматургияси, либретто, кино санъати тараққиётида Комил Яшин ижодининг аҳамияти.

Иншомавзуси:

Комил Яшин — драматург.

Мақсуд Шайхзода — ўзбек адабиётининг атоқли наимояндаси. М. Шайхзоданинг ҳаёти ва ижоди. Шоирнинг 30-йиллар ижоди. «Баҳор ёмғири» шеъри, «Ўртоқ Навоий» балладаси, «Тупроқ ва ҳақ» поэмаси, «Чироқ» дostonи.

Ватан уруши йилларида М. Шайхзода ижоди. «Кураш нечун?», «Харита олдида», «Капитан Гастелло», «Йўқ — мен ўлган эмасман» шеърлари. «Оқсоқол» дostonи, «Жалолиддин» драмаси.

М. Шайхзоданинг Ватан урушидан кейинги
йиллар ижоди. «Ватан», «Юртим», «Пахтакор ва шоир»,
«Мукофотлар муборак» шеърлари.

«Топкентнома» достони.

«Мирзо Улугбек» трагедияси — Шайхзода ижодининг
чўққиси. Асарнинг мазмуни. Улугбек образи. Драманинг
бошқа ижобий образлари. Салбий образлар. Драманинг
бадиий хусусиятлари. Мақсад Шайхзода — моҳир таржи-
мон, атоқли олим.

Иншо мавзуси:

Мақсад Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» драмасида
имл ва меҳнат аҳли фожиасининг тасвирланиши.

Зулфия — атоқли ўзбек шоираси. Зулфиянинг ҳаёти
ва ижодий фаолияти. Шоиранинг Ватан уруши
йилларидаги ижоди. «Уни Фарҳод дер эдилар», «Хижрон
кунларида» шеърлар тўпламлари. «Гуллар очилганда»,
«Хижрон», «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърлари. Зул-
фия — дўстлик ва тинчлик кўйчиси: «Юрагимга яқин
кишилар»; «Юртимни куйлайман», «Салом сизга эркпар-
вар эллар», «Ўғлим, сира бўлмайди уруш», «Мушоира»
шеърлари. Зулфия — моҳир таржимон, атоқли жамоат
арбоби.

Иншо мавзулари:

1. Зулфия лирикасида дўстлик ва тинчлик гоялари-
нинг иғодаланиши («Ўғлим, сира бўлмайди уруш», «Юра-
гимга яқин кишилар», «Юртимни куйлайман» шеърлари
мисолида).

2. Зулфия — мен севган шоира.

ЧЕТ ЭЛ АДАБИЁТИ

Шекспир. Ҳаёти ва ижоди. «Ҳамлет» трагадеяси.

Рабинранат Тагор. Ҳаёти ва ижоди. «Ҳалокат» ро-
манни.

Юлиус Фучик. Ҳаёти ва ижоди. «Дор остидаги сўз»
асари.

Пабло Неруда. Ҳаёти ва ижоди.

ҮҚИЛИШИ ЗАРУР БҮЛГАН АДАБИЁТЛАР

Халқ оғзаки ижоди. Қадимги құшықлар. «Тұмарис», «Широқ» афсоналари. «Алпомиши» (достондан парчалар).

Алишер Навоий. Фазаллар: «Сода шайх», «Меҳрибоне тоғмадим», «Күрмадим». Қитъа, рубоий ва тууқлардан намуналар. «Фарҳод ва Ширин» достонидан парчалар.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур. Фазал, рубоий ва тууқларидан намуналар. «Бобурнома»дан парчалар.

Турди (Фарогий). «Субҳонқулихон» ва унинг амир-амалдорлари түгрисида ҳажвия». «Тор күнгуллик беклар» ғазали.

Гулханий. «Бер» ғазали, «Зарбулмасал».

Махмур. «Ҳапалак», «Итбоқар қози тилидан» шеърлари.

Увайсий. Фазалларидан намуналар.

Нодира. Фазалларидан намуналар.

Муқимий. «Навбаҳор», «Толеим», «Ким десун», «Танобчилар», «Масковчи бой таърифида», «Авлиё», «Ароба», «Девонамен», «Саёҳатнома».

Фурқат. «Фасли навбаҳор ўлди», «Баҳор айёмида», «Истар кўнгул», «Сайдинг қўя бер, сайёд», «Гимназия», «Илм хосияти».

Аваз Үтар. «Халқ», «Фидойи халқим», «Эй Аваз», «Хуррият», «Сипоҳийларга», «Мактаб», «Тил».

Завқий. «Ажаб эрмас», «Ҳажви аҳли раста».

Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», драмаси.

С. Айний. «Құллар» романы.

Абдулла Қодирий. «Меҳробдан чаён», «Ўтган кунлар» романлари.

Ҳамид Олимжон. «Ўрик туллаганда», «Ўзбекистон» шеърлари, «Жангчи Турсун» балладаси, «Зайнаб ва Омон» поэмаси.

Ойбек. «Құтлуг қон» романы. «Фанга юрши», «Днепрострой» шеърлари, «Ўч» достони.

Ғафур Ғулом. «Турксиб йўлларида», «Сен етим әмассан» шеърлари, «Ёдгор», «Шум бола» қиссалари.

Үйгун. «Ватан ҳақида қўшиқ», «Тинчлик кабутари», «Ўлқада баҳор» шеърлари, «Алишер Навоий» драмаси.

Абдулла Қаҳҳор. «Бемор», «Ўгри», «Асрор бобо» ҳикоялари, «Шоҳи сўзана» драмаси, «Синчалак» қиссаси.
Комил Яшин. «Гулсара», «Нурхон» драмалари.
Мақсад Шайхзода. «Мирзо Улуғбек» трагедияси, «Тошкентнома» достони.

Зулфия. «Ўглим, сира бўлмайди уруш», «Юрагимга яқин кишилар», «Юртимни куйлайман», «Қамалак», «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърлари.

В. Шекспир. «Ҳамлет» трагедияси.

Р. Тагор. «Ҳалокат» романи.

Ю. Фучик. «Дор остидаги сўз».

Пабло Неруда. Шеърлари.

ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР

Маллаев Н. М., Каримов Ф. К., Исматов С. И. Ўзбек адабиёти тарихи, 8-синф учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1980 (ва ундан кейинги нашрлари).

Адабиёт хрестоматияси: 8-синф учун (тузувчилар Ш. Абдуллаева, Н. Маллаев, О. Шарипов). Тошкент, «Ўқитувчи», 1980 (ва кейинги нашрлари).

Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, кечқи (сменали) ишли-ёшлар мактабларининг 8-синфи учун дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи» 1979.

Адабиёт хрестоматияси. 9- синф учун (тузувчилар: С. Азимов, Ю. Султонов, М. Самадов). Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

Адабиёт — Хрестоматия: Ўрта мактабнинг 10-синфи учун (тузувчилар: С. Азимов, Ю. Султонов, Қ. Аҳмедов, У. Салоҳиддинов). Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

Абдураҳмонов X., Аҳмедов Қ. Ўзбек тили ва адабиёти. Тайёрлов бўлимлари студентлари учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978.

Зуинунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назарияси. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

Ҳомидий X., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. Тошкент, «Ўқитувчи», 1967.

Долимов С. Таълимий баён ва иншо. Тошкент, «Ўқитувчи», 1964.

Исматов С. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида иншо. Тошкент, «Ўқитувчи», 1973.

Долимов У. Иншо қандай ёзилади? Тошкент. ТошДУ нашри, 1985.

НЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИУНАЛИШДАГИ ИНШО МАВЗУЛАРИ

Хозирги давр ёшларининг маънавий қиёфаси.

Ўзбекистон — менинг Ватаним.

Биз космонавтлар сағидан ўрин оламиз.

Менинг орзум.

Мен ёқтирган кинофильм.

Соф танда — соглом ақл.

Дўстлик туфайли қудратли ва бахтиёрмиз.

Мен севган ёзувчи (шоур).

Уруш ва меҳнат фахрийлари қаҳрамонлигини шарафлайлик.

Жонажон қишлоғимизнинг (шаҳримизнинг) буғунги жамоли.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унтуилмайди.

Билим манбаи — китобни севинг.

Юрак ёнмоғи керак.

Табиатни муҳофаза қилиш — бизнинг бурчимиз.

Мен оразу қилган касб.

Нонни эъзозлаш ҳамманинг бурчидир.

Маданий ёдгорлик обидалари — авлодимиз тарихи.

Бог яратиш улуғ фазилатdir.

Ота-онага ҳурмат — фарзанднинг шарафли бурчи.

Спорт — менинг севимли машгулотим.

Мен севган адабий қаҳрамон.

Санъат сеҳри менинг қалбимда.

Дўстлик бошга қийинчлиқ тушганда синалади.

Тилга эътибор — элга эътибор.

Мен севган бадиий асар.

Ўзбекистон — гўзал диёр.

Орол мадад кутмоқда.

ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА САВОДХОНЛИКНИ ЎСТИРИШ УЧУН МАШҚЛАР

Ўзбек тили ва адабиётидан олий ўкув юртларига кириш учун ўтказиладиган ёзма ва оғзаки имтиҳонлар махсус дастур¹ талаби асосида ўтказилади. Кирис имтиҳонлари учун тузилган бу дастур ўрта мактаб «Она тили» дастурига мосдир.

Имтиҳон топширувчи ўзбек адабий тили меъёрларини эгаллаган, сўз ва грамматик шаклларни тўғри ёза оладиган, гап тузиш ва фикр ифодалашда энг мувофиқ воситалардан фойдалана оладиган бўлиши керак. Бунга «Она тили» фанининг барча бўлимларини чуқур эгаллаш орқали эришилади. Тил билими дарслик ва қўлланмаларни юзаки ўқиш билан эмас, мунтазам машқ орқали ўзлаштирилади. Ана шунга кўра, ушбу методик қўлланмада ўзбек тилидан мустақил бажариш учун машқлар берилади. Машқлар тил бўлимлари бўйича гуруҳланган. Уларда муайян тил бўлимининг энг асосий ва ўзлаштирилиши қийин бўлган масалалари қамраб олинган.

Машқларни алоҳида тайёргарликсиз, пала-партиш ишлап ижобий натижага олиб келмайди. Кирувчилар ҳар бир машқни бажаришга маълум вақт ажратиши ва ўз устида мунтазам ишлаб бориши зарур.

Ҳар бир бўлимга оид адабиёт ва умумий методик қўрсатмаларнинг илова қилинishi, шунингдек, ҳар бир машқни бажариш бўйича намуналарнинг берилиши киравчиларнинг мустақил машқи учун етарли йўлланма беради².

ДАРСЛИК ВА ҚУЛЛАНМАЛАР

А-1. Асқарова М., Қосимова К. Ўзбек тили дарслиги: 4-синф учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1980 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-2. Фуломов А., Абдуллаев Й., Маъру-

¹ Ўзбек тили ва адабиёти бўйича дастур. Ўқишга киравчилар учун (тузувчилар У. Долимов, М. Қодиров). Тошкент. ТошДУ нашри, 1986.

² Фойдаланишда қулайлик учун адабиётларга шартли белгилар илова қилинди.

Фов З., Омилхонова М. Ўзбек тили дарслиги: 5- ва 6- синфлар учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-3. Асқарова М., Абдуллаев Й., Омилхонова М. Ўзбек тили дарслиги: 7- ва 8- синфлар учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1982 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-4. Гуломов А., Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М. Ўзбек тили дарслиги; 9- синф учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1978 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-5. Абдураҳмонов Ф., Маъруфов З., Сайдуллаев А., Рустамов Ҳ., Пирмуҳамедов М. Ўзбек тили дарслиги. Кечки (сменали) мактабларнинг 5—8-синфлари учун Тошкент, «Ўқитувчи», 1973 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-6. Абдураҳмонов Ҳ., Аҳмедов Қ. Ўзбек тили ва адабиёти: Тайёрлов бўлими тингловчилари учун қўлланма. Тошкент, «Ўқитувчи», 1975 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-7. Имло луғати: Мактаб ўқувчилари учун. Тошкент, «Ўқитувчи», 1976 (ва шундан кейинги нашрлари).

А-8. Назаров Қ. Ўзбек тили пунктуацияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1976.

А-9. Назаров Қ. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. Тошкент. Фан, 1974.

А-10. Қодиров М. Кириш имтиҳонларида грамматик таҳдил. Тошкент, ТошДУ нашри, 1985 ва 1989.

А-11. Долимов С. Таълимий баён ва ишо. Тошкент, «Ўқитувчи», 1964.

А-12. Долимов У. Ишо қандай ёзилади? Тошкент, ТошДУ нашри, 1985.

ФОНЕТИКА ВА ОРФОГРАФИЯ БЎЙИЧА

Бу бўлимда берилган машқлар дастурнинг «Фонетика» қисмини ўзлаштиргач. бажарилади. Ҳозирги ўзбек алфавити хусусиятлари, орфография ва орфоэпия масалалари ҳам фонетика билан боғлиқ бўлгани сабабли бавзи машқларни бажаришда уларга ҳам мурожаат қилинади: (А-1:61—80- бетлар; А-3:219—220- бетлар; А-4:8—14- бетлар; А-5:22—43- бетлар; А-6:9—17- бетлар).

Фонетикани ўзлаштиришда дастлаб нутқ товушлари, нутқ товушларининг таснифи билан танишилади. Сўнгра

нүтқда товушларнинг ўзгариши, бунинг ёзувда акс этиш хусусиятлари «Имло қоидалари» га боғлаб ўрганилади. (А-7: 5—23-бетлар).

Бўғин, бўлинга бўлиш ва бўғин кўчириш — фонетика билан орфографиянинг бир-бираига алоқадор ҳодисалардан бири. Бўғинга бўлиш билан бўғин кўчириш доимо ҳам тенг келавермайди. Буларни онгли равишда англап заводхонликни оширади. Шунингдек, сўз ургусини ўрганишнинг, сўзда ургу ўринини тўғри белгилашнинг адабий талаффуз учун, баъзан ёзув учун аҳамияти катта. Баъзи машқлар ана шуларга қаратилган.

Ҳозирги ўзбек алфавитининг ўзига хос хусусиятларни ва орфографиямиз қоидаларининг асосини тушуниш ёзма нутқдаги муваффақиятни таъминлайди. Бунда асосий диққат товуш билан ҳарф муносабатига қаратилади.

Ҳозирги ёзувимизда нутқ товушларининг асосий қисми маҳсус ҳарфлар билан ифодаланади. Лекин, шу билан бир қаторда, товушга маҳсус ҳарф олмаслик ҳам бор. Бинобарин, алфавитимиздаги баъзи ҳарфларга икки товушни кўрсатиш вазифаси юклатилган, баъзи нутқ товушлари эса бошқа товушлар учун аталган икки ҳарфни ёнма-ён ёзиш билан ифодаланади. Буларни ўрганиш нутқ товушларининг хусусиятларини ойдилаштиради, ёзувимиздаги баъзи мураккаб масалаларни англашга ёрдам беради.

БИРИНЧИ ВАРИАНТ

1-машқ. Ҳозирги ўзбек алфавитида 33 та ҳарф ва 2 та белги бор. Нутқ товушлари билан ҳарф муносабатини ўрганиб, қуйидаги сўроқларга жавоб беринг (уларга мисоллар ҳам кўрсатинг):

1. Қайси нутқ товушларига алфавитда маҳсус ҳарф олинмаган?
2. Қайси ҳарфлар иккитадан товушни ифодалайди?
3. Қайси нутқ товушлари ёзувда икки ҳарф ёрдамида ифодаланади?

Алфавитда ҳарф олинмаган товушлар	Иккитадан товушни кўрсатувчи ҳарфлар	Икки ҳарф ёрдамида кўрсатиладиган товушлар
1) иң (тонг, кўнгил) 2)	1) о (обод, очерк, тонна) 2) ...	1) шч (мешчан, боршч) 2) ...

2- машқ. «Имло қоидалари»ни ва «Имло лугати»ни кузатиб, ҳозирги ўзбек ёзувидағи е, ё, ю, я ҳарфларининг вазифаларини аниқланг; бу ҳарфларнинг ҳар бир вазифасига мисоллар келтириб, қўйидаги каби изоҳлаб беринг:

Мисолтар	Изоҳи
1. Ер, объект, правление	Сўз ёки бўғин бошида, шунингдек, айрим бўғинни ташкил этганда й+э (йэ) ўрнида ёзилади.
2. ...	

3- машқ. Қўйидаги сўзларда ж ҳарфи икки хил товушни кўрсатиб келган. Мисолларни шу асосда гуруҳланг. Сўнг бу икки товуш орасида қандай фарқ борлигини изоҳланг:

Мурожаат, гижда, жавоб, жуда, журнал, режа, жамоатчилик, мужтон, ҳужжат, ижодий, Рожков, Рожиев, бажармоқ, тоҷик, таржимон, жанг, тажриба, жакет, вижлон, мавжуд, вужуд, бож, ривожланмоқ, гажак.

1-гуруҳ	2-гуруҳ
Мурожаат, жавоб . . .	Гижда, журнал

4- машқ. Ўрта мактабларнинг «Ўзбек тили дарслиги»-дан «Ургу» мавзусини қайта ўрганиб, қўйидаги сўзларнинг ургули бўғинини аниқланг ва ургу белгисини қўйиб кўчиринг:

Ватан, универсал, борган, келади, ҳамма, барча, антоним, синтаксик, медицина, анча, юбилей, меҳрибон, ўқиганимиз, келгандир, сен-чи, кўрдингми, пахта, пахтакор пахтакорлар, пахтакорларимиз; ҳозир (бўлди) — ҳозир (келди), атлас (кўйлак) — атлас (географик), техник (келди) — техник (ҳамкорлик), академик (Александров) — академик (театр), олма (пишди) — олма (китобни).

5- машқ. «Имло лугати»дан сўз ичидаги х ва ҳ ҳарфлари қатнашган сўзларга 50 тадан мисол топиб, икки гуруҳ қилиб ёзинг:

«х» ли сўзлар	«ҳ»ли сўзлар
1. абхаз	1. айюданнос
2. авиатехника	2. алаҳиспарамоқ

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги нутқ товушлари билан алфавитимиздаги ҳарфлар муносабатини ўрганиб, қуидаги сўроқларга жавоб беринг:

1. Ҳозирги ўзбек тилидаги унли товушларни алфавитдаги қайси ҳарфлар ифодалайди.

2. Ундош товушларни қайси ҳарфлар ифодалайди?

3. Нутқ товушлари билан алфавитимиздаги ҳарфлар сонининг тенг келмаслик сабаблари нимада?

Унлиларни ифодаловчи ҳарфлар

Ундошларни ифодаловчи ҳарфлар

Нутқ товушлари билан ҳарфларниң тенг келмаслик сабаблари

а, . . .

б, . . .

1. Алфавитдаги е, ё, ю, я ҳарфлари 2 тадан товушни ифодалайди. Бу товушларни кўрсатувчи ҳарфлар эса алфавитда бор.

Масалан: е —й+э

2. . . .

2- машқ. «Имло қоидалари» ва «Имло луғати»ни кузатиб, юмшатиш (ъ) ва айириш (ъ) белгиларининг вазифаларини аниқланг. Бу ҳарфларниң ҳар бир вазифасига мисоллар келтириб, қуидагича изоҳланг:

1. Юмшатиш белгиси (ъ):

Мисоллар	Изоҳи
1. Медаль, артель, физкультура 2. . . .	Байнамилал сўзларда айрим ундошларни юмшоқ талаффуз қилиш учун хизмат қилади.

2. Айириши белгиси (ъ):

Мисоллар	Изоҳи
1. Съезд, съёмка, разъезд 2. . . .	Съз ўртасида е, ё, ю, я, ҳарфларидан олдин келиб, уларни аввалги ундошдан ажратиш учун ёзилади.

3- машқ. Қуидаги сўзларда о ҳарфи икки хил товушни ифодалаган. Мисолларни шу асосда 2 га гурухланг.

Сүнг бу ҳарф кўрсатадиган икки товуш орасида қандай фарқ борлигини изоҳланг:

Обод, соҳа, ўзаро, алоқа, нон, қардош, ёрдам, муносабат, ёнмоқ, тобора, бормоқ, жаҳон, майдон, ҳисобламоқ, опера, чорак, япон, ташкилот, вайрон, моддий, тонмоқ, мотоцикл, баҳо, автомобиль.

- | | |
|----------|------------------------|
| 1- гуруҳ | обод, соҳа, ўзар, ... |
| 2- гуруҳ | Мато, цикл, опера, ... |

4- машқ. Дарслик ва «Имло қоидалари»дан «Бўғни» ва «Бўғни кўчирилиши» мавзуларини ўрганиб, қўйидаги сўзларни бўғинларга бўлиб ёзинг, сўнг бўғни кўчирилиши бўйича қўйидагича изоҳланг:

Бўғинга бўлиш	Бўғин кўчирилиши	Изоҳи
1) Аи-вар	Аи-вар	Езууда сўз бир йўлга сигмай қолганда бошқа йўлга унинг бўғини кўчирилади.
2) ўзи	ўзи	Якка ҳарфдан иборат бўғин сўзининг қолган қисмидан ажратилимайди
3) ...		

Анвар, ўзи, ҳикоя, номини, олинганс, илинди, кўнгли, кўнгил, уйингиз, унга, жараангдор, манглай, бўйларингизга, мурожаат, мудофаа, опаси, маориф, ўнгида, этарди, емиш, юлдуз, югарди, ярим, маълум, таажижуб, эртапги.

5- машқ. «Имло лугати»дан қўш ундошли ва қатор ундошли сўзларга 50 тадан сўз топиб, гуруҳлаб ёзиб чиқинг:

Қўш ундошли сўзлар	Қатор ундошли сўзлар
абсцисса	абгор
аввал	абжир
...	...

ОРФОГРАФИЯ ВА ОРФОЭПИЯ БҮЙИЧА

Берилган машқлар саводхонликни оширишга қараштилган бўлиб, ўқишга кирувчини ўзбек тили ва адабиётидан ёзма кириш имтиҳонларига тайёрлашда муҳим роль ўйнайди. Шунга кўра, абитуриент «Ўзбек орфографияспининг асосий қоидалари»ни қайтадан синчиклаб ўрганиши, бунга аталган қўшимча машқлар ишлаши лозим. Абитуриент «Имло қоидалари»ни ёдлаб әмас, балки уни онгли равиша ўзлаштиришга ҳаракат қилиши керак. Мана шу мақсадда қоидаларни қайта ўрганиб чиқиш назарда тутилади. (A-7:5—23- бетлар; A-1:67—80- бетлар; A-4:8—14- бетлар; A-5:33—43- бетлар; A-6:9—17- бетлар)

«Имло қоидалари» ёзма нутқнинг саводли бўлишини назарда тутади. Сўз ва қўшимчаларни тўғри ёзишни ўрганишда уларнинг айтилиш хусусиятлари (орфоэпияси) ҳам тилга олинади. Шу сабабли, орфоэпия билан алоқадор бўлган топшириқлар ҳам берилди.

Кириц имтиҳонларида «Ўзбек тили ва адабиёти» предметидан ёзма имтиҳонларда қўшма, жуфт ва қисқартма сўзларнинг ёзилишига ҳамда бош ҳарфларнинг қўлланишига доир хатолар кўплаб учрайди. Шунингдек, қўшимчча олган баъзи ўзакларда содир бўладиган товуш ўзгаришлари ва бунинг ёзувода акс этиши масаласи ҳам имлодаги қийин ҳолатлардан бири ҳисобланади. Мазкур машқлар худди шу камчиликларнинг олдини олишга қаратилган.

БИРИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. «Имло қоидалари»нинг «Айрим ҳарфларнинг имлоси» қисмини синчиклаб ўрганинг. Сўнг берилган сўзларнинг айтилиш ва ёзилишини қўйидагича изоҳланинг (қоиданинг параграфини ва пунктини ҳам кўрсатинг):

Айтилиши	Ёзилиши	Қоидаси
Обит	Обид	15- параграф қоидаси асосида: баъзи сўзларнинг олирида д товуши жараангизланиб тайтиска ҳам, д ёзилади.
қисим	қисм	26- параграфининг 1- пункти асосида: баъзи сўзлар охирида

Айтилиши	Ёзилиши	Коидаси
		иққи ва ундан ортиң ундош ёнма-ён ёзи- лади.

Обид, қисм, давр, Юсуф, фронт, күпайіб, мұқаддам, бригада, ёшликдан, әришган, кетди, трактор, дарё.

2- машқ. «Имло қоидалари»нинг «Қүшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси» қисмини синчилаб ўрганинг. Сўнг қўйидаги матндан қўшма ва жуфт сўзларни аниқлаб, тубандагича батафсил изоҳланг:

Сўз ёки жуфт сўз	Ёзилиши	Коидаси
1. Чол-кампир	деғис билан	57-параграфининг 1- пункти
2. Осма чироқ	ажратиб	58-параграфининг 12- пункти

Чол-кампир турадиган эски уйда ўниичи осма чироқ тутаб ёнар эди. Тўрда Норбой ота юмалоқ лўла болшга ёнбошлиб ётар, Қамбар ота рангдор тунука билан безатилган эски сандиққа суюниб ўтирас эди. Овқатни ошхонада ёлғиз ўтириб егац Хулкар бир чойнак чой дамлаб, чолларга салом бериб уйга кирди. Чойнакни пойгоҳда чордона қуриб ўтирган Авазининг олдига қўйди-да, шовладан бўшаган чархинни мужилган суюқлар билан бирга хонтахтадан ўтишинириб олди. (П. К.)

3- машқ. «Имло қоидалари»нинг «Бош ҳарфларнинг ёзилиши» қисмини синчилаб ўрганинг. Сўнг қўйидаги матнда бош ҳарф билан ёзилган сўз ва турғун боғланмаларнинг ҳар бирини қопда асосида изоҳланг:

Сўз ёки турғун боғланма	Коидаси
1. Райондаги	68-чараграф қоидаси
2. «Пахтакор»	70-чараграф қоидаси
3. . . .	

1. Райондаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги режапи бажарди. 2. Биз Ер, Ой, Қуёш, Венера, Марс каби сайёра

лар ҳақида ажойиб янгиликларни билиб олдик. 3. Алишер Навоийнинг «Хазойинул маопий», «Хамса» каби йирик асарлари мумтоз адабиётимизнинг юксак намунасиdir. 4. Максим Гор'кий бундай деган эди: «Билм манбаи — китобни севингиз!» 5. Кеча «Ўзбекистон овози» газетасида «Ўзбексельмаш» заводининг меҳнат ғалабаси ҳақида мақола босилди. 6. Водийларни яёв кезганди, Бир ажиг ҳис бор эди менда. (X. O.)

4- машқ. Қуйидаги сўзларга қавс ичидаги қўшимчаларни қўшинг ва уларнинг ёзилишини изоҳлаб беринг:

№	Сўз ва қўшимча	Ёзилиши	Коидаси
1.	Ўрик (-га)	Ўрикка	1/4-параграф қоидаси
2.	Хирург (-га)	Хирургга	3/4-параграфнинг «Аммо» пункти қоидаси

Ўрик (-га), хирург (-га), металлург -(-га), тут (-ган), келажак (-га), эг (-ган), тўқ (-гунча), драматург (-га), таёқ (-га), сёқ (-га), оқ (-ган), ошиқ (-ган), ўтлоқ (-га), ёғ (-га), ёғ (-ган), ёғ (-гунча), ёқ (-ган), ёқ (-ган), соғ (-гани).

5- машқ. Қуйидаги сўзларга қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўшиб кўчиринг.

Му (ҳ-ҳ)окама, (ҳ-ҳ) осил, бера (ҳ-ҳ) м, жа (ҳ-ҳ) он, (ҳ-ҳ) осият, (ҳ-ҳ) ровология, (ҳ-ҳ) уси, (ҳ-ҳ) урсанд, (ҳ-ҳ) аким, (Ҳ-Ҳ) олиқ, Шо (ҳ-ҳ) иста, Бу (ҳ-ҳ) оро, (ҳ-ҳ) аражат, (ҳ-ҳ) отима, та (ҳ-ҳ) аллус, ба (ҳ-ҳ) т.

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. «Имло қоидалари» нинг «Ўзак-негиз ва қўшимчалар имлоси» қисмини синчиклаб ўрганинг. Сўнг қуйидаги сўзларнинг ёзилишини изоҳланг (Қоиданинг параграфини ва пунктини ҳам кўрсатинг):

Сўроқ, оралғида, юраги, қишлоғи, кўнглига, ҳозир-

№	Сўз шакли	Коидаси
1.	Сўроқ (сўра-қ)	32-параграф қоидаси асосида: а ёки я билан тугаган феъл негизларига сўз ясовчи -қ қўшилганда охирги а товуши о га айланади ва шупдай ёзилади

даноқ, ҳувиллаб, ишлов, бўёқ, улғай, менпнг, 5- бригада, 15 август, XX аср, 1986 йил.

2- машқ. «Имло қоидалари»нинг «Қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси» қисмини синчилаб ўрганинг. Сўнг қўйидаги гапларни дикқат билан ўқинг, ундаги қўшма ва жуфт сўзларни аниқлаб, тубандагича бирма-бир изоҳланг:

№	Қўшма ёки жуфт сўз	Ёзилиши	Қоидаси
1.	Замонали	қўшиб	Қоидаси йўқ. Киши номларига қўшилиб, эркалан мазъносини ифодалаган, -али қўшиб ёзилади.
2.	Ойкўл	қўшиб	56-параграфини 3-пункти

1. Замонали Ойкўлда ўқитувчилар танқислигини эслади. (*Л. К.*) 2. Типчликсевар халқлар халқаро аҳволининг яхшиланишини истайдилар. (*Газетадан*) 3. Бердивойнинг Текепадаги яқин ўртоқларидан бири — Мирвали... (*А. Қод.*) 4. Тошпўлат қўшнайни яхши чалади. (*Л. Т.*) 5. Эр-хотинининг бир ёстиққа бош қўйганига ўттиз саккиз йил бўпти. (*С. Аҳм.*) 6. Қўни-қўши, кичик-катта оғамларга салом айтинг. (*Ҳ.*) 7. Йўлчи — меҳнаткаш, соғдиш йигит. (*О.*)

3- машқ. «Имло қоидалари»нинг «Бош ҳарфларни ёзилиши» қисмини синчилаб ўрганинг. Бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларга бешта мисол топиб, имло қоидаси асосида шарҳланг:

№	Если ҳарф билан ёзилган сўз	Қоидаси
1.	Ватан	63-параграф қоидаси
2.	Навоий	64-параграф қоидаси

Фарғона вилояти Бувайдо районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг аҳил жамоаси уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар. (*Газетадан*) 4. «Тошибақа билан Чәён» масалидаги Тошибақа ва Чәён образларига тавсиф бердик.

4- машқ. Қўйидаги сўзларга қаэс ичидаги қўшимчалардан мосини қўшиб, феълнинг орттирма яисбатини ясанг.

Уларнинг ёзилишини имло қоидалари асосида қуийдаги-ча изоҳланг:

Сўз ва қўшимча	Ёзилиши	Қоидаси
1. тик (-дир, -тир) 2. туз (-дир, -тир)	тиктир туздир	42-параграф 42-параграфнинг «Аммо» пункти
3. . . .		

Тик (-дир, -тир), туз (-дир, -тир), пишир (-дир, -тир), торт (-дир, -тир), ўз (-дир, тир), кес (-дир, -тир), туз (-дир, -тир), ун (-дир, -тир), илин (-дир, -тир), тирил (-дир, -тир), қут (-қаз, -каз), юр (-гиз, -гиз), ўт (-каз, -каз), чўмил (-дир, -тир), ет (-қаз, -каз).

5- машқ. Қуийдаги сўзларга қавс ичидағи ҳарфлардан мосини қўшиб кўчиринг:

(ҳ-ҳ) ислат, му(ҳ-ҳ)ит, ма (ҳ-ҳ)ғий, (ҳ-ҳ)ужжат, псте(ҳ-ҳ)ком, ру(ҳ-ҳ)сат, (ҳ-ҳ)амро(ҳ-ҳ), Ра(ҳ-ҳ)имжон, Мо(ҳ-ҳ)ира, (Ҳ-Ҳ)олматов, Зулай(ҳ-ҳ)о, та(ҳ-ҳ)мин, (ҳ-ҳ)имия, ба(ҳ-ҳ)тиёрлик, бегуно(ҳ-ҳ).

ЛЕКСИКА БЎЙИЧА

Бу бўлимдаги машқлар ўрта мактабда «Лексика» бўйича ўтилган мавзуларни такорлаш сифатида ишланади. (A-1:81—92- бетлар; A-4; 36—58- бетлар; A-5; 44—62- бетлар; A-6; 18—20- бетлар)

Нутқда сўз қўллаш меъёrlарини билиш, сўз ва ибораларнинг услубий маънно томонларини ўрганиш, тилимиздаги эскирган ва янги сўзларнинг қўлланиш хусусиятларини англаш, оқибат натижада, оғзаки ва ёзма нутқнинг равонлигини, тўғрилигини таъминлашга хизмат қиласди.

Сўз ва ибораларнинг дастлаб маънно томони ўрганилади. Сўнг сўз маъносидаги ўзгаришлар (бош ва кўчма маъно), бу ўзгаришларнинг асоси, сўзнинг у ёки бу маъносининг путқ услубларидаги роли кўрсатилади. Ибора ҳам тилнинг сўз бойлигига ҳисобга олинади. Шунга кўра, 1- ва 2- машқлар сўз ва ибораларнинг маънно жиҳатидан таҳлилига багишланди.

Нутқда синоним сўзларни ўринли қўллаш катта аҳамиятга эга. Синонимия ҳодисасининг моҳиятини тўғри

аңгламоқ, нутқда синоним сўзлардан тўғри ва унумли фойдаланмоқ — нутқий маданиятга эршиувнинг бир тури. Синоним сўзларга, шунингдек, терминлар, эскирган ва янги сўзларга бағишлиланган машқлар ҳам абитуриентнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга, ривожлантиришга хизмат қиласди.

БИРИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг бош ёки кўчма маънода ишлатилганлигига кўра уларни иккى гурухга ажратиб кўчиринг:

Боғи матноди	Кўчма маънода
1. Олтин — қимматбаҳо металл този	Бугдойнинг олтин бошоқлари шитирлади. Еримиз — олтин, унга нима эксанг, битади. Ер — хазина, сув — олтин.
2	

1. Олтин — қимматбаҳо металл. Бугдойнинг **олтин** бошоқлари шитирлади. Еримиз — **олтин**, унга нима эксанг, битади. Ер — хазина, сув — **олтин**. 2. Маданиятимиз **гуллади**. Мева дарахтлари **гуллади**. Салим кечаги воқеа ҳақида гуллади. Тандирдаги ион гуллаб кетди. 3. Қиз опасининг **қошига** келди. Унинг **қошлари** чимирилди. Отанинг **қенш-кевоги** осилган эди. Эгарнинг **қоши** нақшдор. **Қош** қорайганда етиб келдилар. Аёл **қошига** ўсма қўймоқда эди.

2- машқ. Қуйидаги гапларда қатнашган ибораларни ажратиб олиб, уларнинг қандай маънода қўлланганини шарҳлаб беринг:

Ибор	Маъноди
1. Тўнини тескари кийиб олмоқ.	«Қайсаrlанмоқ», «аисига олмоқ».

1. Марасул тўнини тескари кийиб олди. (*A. K.*)
 2. Иккинчи жаҳон уруши миллионларча кишиларнинг ёстигини қуритди. (*Газетадан*) 3. Қаландаров таңқидчиларнинг бошини қашлаб туриб қорнига муштламоқчи эди, Сайданинг ишорасидан кейин бу ниятидан қайтди.

(A. K.) 4. Неварам ёнимда чулдираб турмаса, томогимдан овқат ўтадими? (C. Aҳм.) 5. Илҳом қидирган ёзувчи халқининг қалбига қулоқ солиши керак. (A. K.) 6. Дўконнинг дарчасидан оғзи қулогига етиб турган қоп-қора бир башара кўринди. (A. Мух.)

3- машқ. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг шу кунлардаги бир-иккита сонини танлаб, улардан 20 та пахтачилик терминлари, 10 та полизчиллик ва 10 та чорвачилик терминларини ажратиб, ёзиб чиқинг. Ҳар бир термин ёнига ўзбекча сўз ёки ўзлаштирма сўз эканини ҳам ёзиб боринг.

4- машқ. Кундалик газеталарни кузатиб, уларда қўлланган 10—15 та эскирган сўзларни аниқланг. Сўнг гап шаклида кўчириб ёзиб, уларниг қандай нутқий эҳтиёж учун қўлланганини изоҳланг.

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларниг беш ёки кўчма маънода ишлатилганлигига кўра уларни икки гурухга ажратиб кўчиринг:

№	Бош маънода	Кўчма маънода
1. Боланинг тили касал эди.	Дилшоддининг тили эрта чиқди.	
2. . . .	Тил — кишиларниг энг муҳим алоқа қуроли.	

1. Дилшоддининг тили эрта чиқди. Боланинг тили касал эди. Тил — кишиларниг энг муҳим алоқа қуроли. Тилимиз бошқа, лекин диллимиз бирдир. Тилни билинг: дилга йўл топасиз. Ёмон тил бошга оғат келтиради. 2. Дўст бошга қарап, душман оёққа. (*Мақол*) Ақл ёшда эмас, бошда. (*Мақол*) Шоир бошини бирдан кўтарди. Сўз санъатининг боши фольклордадир. (*M. Г.*) Сентябрь ойининг бошида пахта қийғос очилди. 3. Қўриқ ва бўз ерлар ҳосилга кирди. Яшасин ер юзида мустаҳкам тинчлик! Ҳамма ерим чанг бўлибди. Қиз ерга қаради. Ота Пўлатни кўпчилик орасида ер қилиб ташлади.

2- машқ. Қуйидаги гапларда қатнашган ибораларни ажратиб олиб, уларниг қандай маънода қўлланганини шарҳлаб беринг:

Ибора	Маъноси
1. Тепа сочи тик бўлмоқ	«жадли чиқмоқ», «газабланмоқ».

1. Буни эшитиб Олтинойнинг тепа сочи тик бўлди.
 («Муштум») 2. Халқ билан бамаслаҳат иш қиласиз, халқ қиласан деса, тоғни талқон қиласиди. (А. Мух.)
 3. Бир илож топ: сих ҳам куймасин, кабоб ҳам (О.)
 4. Булар қачонгача нонимизни тия қилиб беришади. (Я.)
 5. Чора кўришга келганда, нима учундир, боп қашиб қолдилар. (Муштум»)

3- машқ. Юқоридаги гапларда эшитмоқ, бош, кўк, раҳбар, бамаслаҳат, ҳозир, илож, ёқмоқ сўзларининг синонимларини топинг. Юқоридаги гапларда ана шу сўзлар ўрнида сиз топган синонимларни қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслигини изоҳланг.

4- машқ. Кундалик газеталарни қузатиб, уларда қўлланган 10—15 та касб-ҳунарга оид сўзларни аниқланг. Сўнг гап шаклида кўчириб ёзиб, қайси касбга оид сўз экани ва маъносини изоҳланг.

5- машқ. Адабий тилда учрамайдиган, фақат шевангизда учрайдиган сўзлардан мисоллар келтиринг. Уларнинг адабий тилдаги маъносини ҳам кўрсатиб беринг.

БОҒЛАНИШЛИ НУТҚИИ ЎСТИРИШ БЎЙИЧА

Баён ва иншо она тилидан ва адабиётдан олинган билимларни умумлаштириб турувчи иш туридир. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг боғланишили нутқини ўстириш она тили ва адабиёт ўқитишнинг етакчи вазифасидир. Шунинг учун ҳам ўрта мактаб она тили ва адабиёт дарсларида баён ва иншо ўтказишига алоҳида эътибор берилади.

Баён ва иншо абнтуриентнинг адабиётга оид билимларидан ташқари, фонетика, лексика, грамматика, орфография, пунктуация ва стилистика бўлимлари бўйича она тили малакаларини ҳам намойиш этади. Боғланишли нутқ кўнікмаларини ҳосил қилиш, уни ривожлантириш учун турли мавзуларда баён ва иншо ёзишини мунтазам машқ қилиши зарур.

1- машқ. Қўйидаги парчалардан фойдаланиб, «Чинакам инсоний фазилатлар ва иллатлар ҳақида» мавзусида ижодий баён ёзинг.

«Беш нарса ақлли одам хислати: қўлдан кетган нарсага ачинмаслик, меҳнатдан қочмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга киринмаслик ва хоҳлаган нарсан қўлга кирмаганига қайгурмаслик».

«Саккиз нарса олижаноб одамларда топшилади: ағв, тавозе (самимият, хушфеъллик), шафқат, қўли очиқлик, очиқ юзлилик, ҳаё, номус ва мурувват.

Хар кишининг бор эрса яхши сўзи,
Орттиар обрўсин албатта ўзи».

«Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, инсоф, мулойимлик, олим ва фозиллар билан суҳбат, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, иффат ва адолат».

«Инсоннинг неча ёшга кирганини унинг кечирган ойлари, йиллари билан ўлчаманг, қилган ишлари билан ўлчанг».

«Дунёдаги энг оғир ишлариниг оғирп учтадир: сирсақлай олиш, ҳақоратни кўтариш, ҳаётни тўғри кечира билиш».

«Ақлсизликнинг энг ярамас кўрниши вақтни бекорга ўтказишдир».

«Кишилардаги тўққиз иллатдан ҳамма нафрат қиплади: жоҳиллик, ялқовлик, ҳасад, такаббурлик, хпёнат, таъмагирлик, ғазаб, игвогарлик ва мунофиқлик» («Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобидан).

2- машқ. Қўйидаги мавзулардан бирини танлаб, уй иншоси ёзинг:

1. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида халқлар дўстлиги, инсонпарварлик, адолатпарварлик тояларини.

2. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асаридаги «Туя билан Бўталоқ» масалининг гоявий мазмунини.

3. Муқимий сатиralарида феодал тузумнинг фош этилиши.

МОРФОЛОГИЯ БЎЙИЧА

Морфологиянинг кенг ҳажмли масалаларини қамраб олиш мақсадида машқлар 4 вариантили қилиб тузилди.

1- ва 2- варианtlар сўз таркиби, сўз ясалипши, от,

сифат, сон ва олмош мавзуларини ўзлаштиришга қартилган. (A-1; 93—130- бетлар; A-2:46—141- бетлар; A-5: 63—119- бетлар; A-6:21—60- бетлар).

З- ва 4- вариантлар эса феъл, равиш, ёрдамчи сўз туркумлари (кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов ва тақлид сўзлар) ни ўз ичига олади. (A-1:131—155- бетлар; A-2:146—284- бетлар; A-5:120—163- бетлар; A-6:61—84- бетлар.).

Сўз таркиби бўйича таҳлил ўзак ва қўшимчаларни аниқлаш билан бошланади. Бундан сўнг ўзакнинг туркуми, қўшимчаларниң маъно ва вазифасига кўра турлари белгиланади.

От туркуми доирасида эгалик қўшимчалари ва келишиклар мавзуси анча мураккаб. Келишикларни изоҳлашда уларнинг белгили-белгисиз (қўшимчали ва қўшимчасиз) ишлатилишини, қандай сўзларга қўшила олишини, қандай грамматик маъно англатишини яхши ўрганиб чиқиш зарур.

Сўз туркумлари орасида грамматик жиҳатдан энг мураккаби — феъл. Феълларнинг ўтимли-ўтимсизлиги, бўлишли-бўлишсизлиги, нисбат ва майл формалари, шахсон ва замон формалари, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи кабиларни бирма-бир ўрганиб чиқандан кейингина топшириқни бажаришга киришиш керак. «Феълларнинг ясалиши» мавзуси билан биргаликда ясалган феълларнинг (айниқса қўшма феълларнинг) ёзилишини ҳам имло қондалари асосида қайтадан ўрганиб чиқиш талаб қилинади.

Ёрдамчи сўз туркумлари таҳлилида уларнинг гапдаги вазифасига кўра қандай маъно ифодалashi нуқтаи назаридан ёндашиш тўғри бўлади.

БИРИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қўйида берилган матндан мустақил сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажратиб чиқинг. Қўшимчаларнинг маъно ва вазифасига кўра қандай турга киршишини ҳам кўрсатинг:

Ваҳобжоннинг Андрей деган дўсти бор. Улар шу қадар иноқ, меҳрибон ва қадрдан ўртоқки, ораларидан қил ҳам ўтмайди. Ҳатто, тунги ширин уйқуда ҳам бир-бирлари билан мириқиб сухбатлашадилар. Шундай яқин бўлишса ҳам, улар ҳали бир-бирлари билан юз кўришишганлари ўйқ. Уларни авиапочта маркаси ёпиштирилган қизил ҳосияли конвертларгина таништирган.

Конвертлар ғойибдан танишиб, қадрдон бўлиб қолган дўйстларга илиқ муҳаббат, зўр садоқат изҳор қилувчи дил сўзлари элтишдан ташқари, совғалар ҳам келтириб туради. (И. Р.)

№	Ўзак	Қўшимчалар		
		сўз ясовчи	фопча ясовчи	сўз ўзгартувчи
1.	Ваҳоб	—	-жон	-нинг
2.	Андрей	—	-	(бош келишик)
3.	де-	—	-ган	—
4.	...			

2- машқ. Юқоридаги матндан ясалган сўзларни ажратиб олиб, уларнинг ясалиш усулини, қайси туркум сўзидан қандай туркум сўзи ясалганини қўйидагича изоҳлаб беринг:

№	Қўшимчалар билан ясалган сўзлар	Қайси туркум сўзи ясалган	Сўзларни қўшиш асосида ясалган сўзлар	Қайси туркум сўзи ясалган
1.	Меҳрибон	отдан сифат	бир-бирлари якин бўлмоқ	сон — сон-от
2.	Қадрдон	отдан сифат		равиш — феъл-феъл

3- машқ. Юқоридаги матнни диққат билан қайта ўрганиб, от ва от вазифасидаги сўзларнинг қайси келишикда қўлланганини аниқланг ва тубандагича бирма-бир изоҳланг:

№	Сўз	Қайси келишикда ва келишик қўшимчаси	Қайси сўз билан боғланниб келган
1.	Ваҳобжонпинг	Қаратқич келишигига қўшимчаси -нинг	дўсти
2.	Андрей	Бош келишикда, қўшимчаси йўқ	дегап
3.	Дўсти	Бош келишикда, қўшимчаси йўқ	бор

4- машқ. Юқоридаги матнни қайта ўрганиб, ундаги сифат ва сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга ажратиб олинг, сўнг тузилиши ва гапдаги вазифасига кўра тубандагича изоҳланг:

№ Сифат ёки сөн, унга боғланған сүз	Түзилиши	Гандаги вазифасы
1. Иноқ (ўртоққи)	туб	авиқловчи
2. Мәхрибон (ўртоққи)	ясама	аниқловчи
3. Бир-бирларі билан сұхбатлашадилар	ясама	түлдирувчи

5- машқ. Берилған түгри маңында турғын боғланмаларни қисқартма отларга айлантириңг.

1. Бирлашган Миллатлар ташкилоти. 2. Тошкент Давлат дорилғунуни. 3. Тошкент Давлат Педагогика институти 4. Германия Федератив Республикасы. 5. Ўзбекистон Ахбороти. 6. Самарқанд Давлат педагогика институти. 7. Америка Қўшма Штатлари.

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қуйидаги берилған матндарды мустақил сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажратиб чиқинг. Қўшимчаларни маъно ва вазифасига кўра қандай турға киришини ҳам кўрсатинг:

Андижоннинг ёш, бақувват, адолатли, халқарвар бир подшоси бор экан. Қунлардан бир куни подшо шаҳар айланыб юриб, катта Шаҳрихон сойи бўйидаги, мажнунтол тагида қўшиқ айтиб ўтирган гўзал бир қизга кўзи тушиб, уни яхши кўриб қолибди. Ҳали уйланмаган экан. Етти кечато-етти қундуз тўй-томошалар қилиб, шу қизга уйланибди. Тўйнинг әртасига ёз бостириб келаётгани ҳақида хабар келибди. (*«Асодирлар ва рисолатлар»* китобидан)

Ўзак	Қўшимчалар		
	сўз ясовчи	шашл ясовчи	сўз ўзгартувчи
1. Андижоннинг	—	—	-нинг
2. Бақувват	ба-	—	—
3. Адолатли	-ли	—	—
4. . . .			

2- машқ. Юқоридаги матндан ясалған сўзларни ажратиб олиб, уларнинг ясалыш усулини, қайси туркум сўзидан қандай туркум сўзи ясалганини изоҳлаб беринг:

Құшимчалар билан ясалған сұзлар	Қайси түркүм сүзи ясалған	Сұзларни құшиш асосида ясалған сұзлар	Қайси түркүм сүзи ясалған
1. Бақувват	отдан сиғат	қүй күз чақнаб турарди	ит+от-сиғат феъл-фөъл-фөъл
2. Қучли	отдан сиғат		такл. сүз+тақл.
3. Типик	феълдан сиғат	қаҳ-қаҳлаб	сүз-феъл
4. . .			

3- машқ. От ва от вазифасидаги сұзларнинг келишикка турланганини аниқланға тибандагича бирма-бір изоҳланып:

№	Сұз	Қайси келишикка на келишик құшимчаси	Қайси сүз билан бөглініб келган
1.	Алинер	Боң келишикка, құшимчаси йүқ	бала эди
2.	Бола	Боң келишикка, құшимчаси йүқ	эди
3.	Күй	Боң келишикка, құнимчаси йүқ	күзлари
4. . .			

4- машқ. Юқоридаты матнни қайта ўргапиб, ундағы олмош сұзларни бөгланған сүзи билан бирга ажратып олинға, сұнг таркыбы да гапдаги вазифасига күра тубандагича изоҳланып:

№	Олмош за у бөгланғат сұз	Грамматика шекли	Гапдати вазифаси
1.	У (севарди)	Боң келишикка, бирлік сонда	эга
2.	Упинг (үзи)	Қарат. к., бирлік сонда	аниқлөвчи, қаратқычы авиқловчи

5- машқ. Қуйидеги берилген қисқартма отларнинг түлиқ шеклини ёзіб чиқынға: ТошДД, ТошДТИ, ХХР, БАР, ГЭС, МТС.

УЧИНИЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қуйидеги гапларда ишлатылған ёрдамчи сұзларни аввал құмакчи, бөгловчи, юклама деб ажратынға, сұнг ҳар бирининг маъно турини, вазифасини аниқланып:

1. Танқидлари түғри-ю, тиллари аччиқ. (У.) 2. Күпчилик билан одам ўзини қучли сезади. (А. Мұх.) 3. Март ойининг ҳавоси жуда ажайыб: дам ёмғир ёғади, дам ҳаво чарақлаб кетади. (Ойдин) 4. Биз учун илм әшиги ҳар вақт очиқ. (Газетадан) 5. Қанал қазилди ва саҳролар обод бўлди. (Н. Сафаров) 6. Ҳамма ёқ хушбўй ҳидлар билан тўлган. (Қ. М.) 7. Кечаси ёмғир ёғди, шунинг учун ҳаво бироз салқин. (А. Мұх.) 8. Синф мажлисига фақат Нафисагина келмади. (Газетадан) 9. Ипсон кўз билан кўради, лекин табиатда кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор. (Ў. У.) 10. Шу вақтга қадар озмунча меҳнат қилишдими? (Ойбек) 11. Қиз жуда бало-ку! (О. Ё.) 12. Самимий айтилган сўз содда бўлади, чунки дилнинг ҳукмронлиги тилдан устун бўлади. (Ғ. Ғ.) 13. Ўғлиниң ҳам ўзи каби бўлмоғи учун Маманиёз сарғ қиларкан бутун кучин. (Ғ. Ғ.)

№	Сўз шакли	Ердамчи сўзларниң тури	Ердамчи сўзининг маъно ва вазифаси
1.	Тўғри-ю	юклама	«таъкидлаш» маъносида, боғловчи вазифасида
2.	Кўпчилик билав	кўмакчи	«биргалик» маъносида, грамматик муносабат ҳосил қилиади
3.	Дам..., дам	богловчи	«воқеа-ҳодисанинг галма-гал бўлиши» маъносида, қўшима гап қисмларини боғлаган.
4. . .			

2- машқ. Юқоридаги гапларда қўлланган феъл сўзларни ажратиб олиб, тузилиши, ўтимли-ўтимсизлиги, бўлишили-бўлишсизлиги ва гапдаги вазифасига кўра изоҳ беринг:

№	Феъл сўз	Тузилиши	Ўтимли-ўтимсиз	Бўлишили/бўлиш сиз	Гапдаги вазифаси
1.	Кучли сезади	кўшима содда	#т-ли ўт-спиз	бўлинили бўлинили	кесим
2.	ёғади				кесим
3. . .					

3- машқ. Гапларни феълларнинг замони нуқтаи назаридан қайта ўрганиб, тубандагича изоҳланг:

№	Феъл сўз	Замон форма и	Қайси замон
1.	Кучли сезади	-а, -ди	ҳозирги-келаси замон
2.	Тўлган	-ган	ўтган замон, узоқ ўтган замон
3. . . .			

4- машқ. Феъл нисбатларининг ҳар бирига иккитадан мисол топиб, уларни қатнаштириб гаплар тузинг. Нисбат формаси (қўшимчаси) нинг тагига икки чизик чизиб, тепасига қайси нисбат эканлигини ёзаб қўйинг.

5- машқ. Берилган феъл сўзларни тўлиқ таҳлил қилинг: *тайёрландилар, ўқишни, яшаймиз, ўқиган, кўрсатган эди, эшикмади, келаман, кўрсатишди, келтирилди, ўтказди, ювиндинг.*

Н а м у п а:

тайёр	ла	н	ди	лар
ўзак,	қўшимча	қўш-ча, ф.	қўш., ф. яс.	қўш., с. ўзг. тус-
сифат	сўяси,	яс, нисбат	замон ф., ўт-	ловчи, шахс-сон
	феъл яс.	ф-си, ўзлик	ган замон,	III шахс, қўплик
		нисб.	яқин ўтган	

негиз, феъл, содда
ўт-ли, бўл-ли

ўтимсиз феъл, хабар майлида

ТЎРТИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қўйидаги гапларда ишлатилган ёрдамчи сўзларни аввал кўмакчи, боғловчи, юкламаларга ажратинг, сўнг ҳар бирининг маъно турини, вазифасини аниқланг:

- Бесаранжом қора булутлар орасидан офтоб мўради. (*A. К.*)
- Мехмонлар ҳам, мезбонлар ҳам гёё кўпдан таниш. (*O.*)
- Наҳотки, шу осмони кенг жойда боғ қилиш учун ер тоинилмаса?! (*C. Назар*)
- Ҳуснеддин билан Мурод кириб келишди. (*Газетадан*)
- Акам кетди-ю, уйимиз ҳувиллаб қолди. Мана энди, на хат бор, на хабар. (*O.*)
- Чол толзор ўртасидаги катта ҳовуз бўйида ўтирар эди. (*X. F.*)
- У кексайган бўлса-да, қўзларининг ўти сўнмаган, сочида бир тола оқ йўқ. (*O.*)
- Қўз деган ҳам шунчалик жозибали, сеҳрли бўладими? (*A. Исомиддинов*)
- Хатто қиши ҳам худди ёз менга.

(Х. Пұмат) 10. Шамол гоҳ гувиллаб, гоҳ пиграб, құмчанғ күтариб учади. (А. Қ.) 11. Ёш врач қишлоққа келибоқ, катта шифохона қуриш режасини тұза бошлади. (Газетадан)

№	Сұз шакли	Ердамчи сұзниң тури	Ердамчи сұзниң маъно ва вазифаси
1. (булуттар) срасида	күмакчи	«Харапатыннегі юзага келіпшіріп» маъносида, анықланғыш.	
2. ... ҳам, ..., ҳам 3. находитки ...	богловчи юклама	Үюшиқ бүлакларни боғлаган Кучайтириш маъносида, кириш сұз вазифасида.	

2- машқ. Юқоридаги гапларда құлланған феъл сўзларни ажратиб олиб, тузилиши, ўтимли-ўтимсизлиги, бўлишилни-бўлишисизлиги ва гапдаги вазифасиңа кўра изоҳ беринг:

№	Меъз сұз	Тузилиши	Ўтимли-ўтимсиз	Бўлишилни-бўлишисиз	Гапдаги вазифаси
1. мўралади	садда	ўтимсиз	бўлишилни	кесим	
2. боғ қилиш (учун)	қўшма	ўтимли	бўлишилни	тўлди-рувчи	
3. топилмаса	садда	ўтимсиз	бўлишисиз	кесим	
4. ...					

3- машқ. Гаплардаги феълларни замон нуқтан назаридан қайта ўрганиб, тубандагича изоҳланг:

№	Феъл сұз	Замон формаси	Қайси замон
1. мўралади	-а, -ди		Хозирги-келаси замон
2. кириб келинди	-ди		Ўтган замон, яқин ўтгағ замон
3.			

4- машқ. Феъл иисбатларининг ҳар бирпя 2 тадан мисол топиб, уларни қатнаштириб гаплар тузинг. Иисбат формаси қўшимчасининг тагига иккى чизиқ чизиб, тенасига қайси иисбат эканлигини ёзиб қўйинг.

5- машқ. Берилган феълни тўлиқ таҳлил қилинг.

Көлтиради, қўйилди, боришган эди, ўқимоқчи, келиб қолдинг, эшиттираман, айтгунча, тугаллайди, кўрмоқчи, тинглаймиз.

Намуна:

Кел	тир	а	ди
ўзак, феъл	қўшимча, форма яс.,	қўш., форма	қўш., форма яс.,
садда, ўт-си	орт. испбат	яс., равиш- дош ф-си	замон ф-си, ўтган замон, яқин ўтган замон

ўтимли

Ҳозирги-келаси замон

СИНТАКСИС БЎЙИЧА

Бу машқларда сўзлар орасидаги синтактик алоқанинг турлари, гап, гап таснифи, гап бўлаклари, гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган сўзлар (бўлаклар), содда гап қурилиши, қўшма гап қурилиши, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар, шунингдек, тиниш белгилари нинг қўлланиши каби масалаларга алоҳида эътибор берилган. Гап бўлакларини аниқлаш ва стилистика бўйича ҳам биттадан машқ киритилди: А-1:13—60- бетлар; А-2: 5—16- бетлар; А-3:13—180- бетлар; А-4:15—17- бетлар; А-5:164—280- бетлар; А-6:85—143- бетлар; А-8, А-9.

Синтаксис бўйича тузилган машқларни бажаришда морфологик ҳодисалар билан синтактик ҳодисаларни фарқлаш лозим, лекин уларнинг ўзаро алоқадор эканлигини: бири иккинчисини аниқлаб, изоҳлаб беришини доимо диққат марказида тутиш керак. Масалан, гапнинг эгаси фақат бош келишик шаклидаги от ёки отлашган сўз бўлади. Қаратқич ва тушум келишикларидағи сўзлар ҳам гапда бош келишик шаклида (қўшимчасиз) қўлланиши мумкин. Бундай ҳолда сўзнинг, ҳақиқатан ҳам, қаратқич ёки тушум келишигидаги сўз эканлигини синтактик ҳолат (грамматик муносабат) белгилайди; қаратқич келишиги шаклидаги сўз отга боғланиб, қаратқичли мослашув муносабатида, тушум келишигидаги сўз эса феълга боғланиб, бошқарув муносабатида бўлади. Белгисиз (қўшимчасиз) қўлланган қаратқич ва тушум келишигидаги сўзларни гап бўлаги сифатидаги вазифасини ҳам мана шу асосда изоҳлаш тўғри бўлади.

Диққатни жалб қиласидаги масалалардан яна бири, гап бўлагининг биттадан ортиқ сўз билан ифодаланишидир. Биз гап бўлаги деганда якка-якка сўз (бўлак)ни кўз олдимизга келтиришга ўрганиб қолганимиз. Ҳақиқатда эса, сўзлар доимо якка-якка ҳолда боғланиб келавермайди. Икки ёки ундан ортиқ сўз аввал ўзаро боғланиб, кейингина бошқа сўзга боғланиши каби ҳодисалар кўп

учрайди. Топшириқларни бажаришда шу каби хусусияттарни ҳисобга олиш лозим.

БИРИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Гапда сўзларнинг тенг ва эргаш боғланиш турларини ўрганиб чиқинг, сўнг қўйидаги гапларни ташкил этган сўзларнинг ўзаро боғланиши жиҳатидан туандагича изоҳланг:

№	Боғланишла	Боғланиш тури	Синтаксик муносабали
1.	Ўқувчилар тердилар	мослашув	ча-кесим
2.	ғайратли ўқувчилар	битишув	авиқловчи-аниқлан-мисш
3.	мактаб (нинг) боғида	мослашув	аниқловчи-аниқлан-мисш
4.	мева(ни) терадилар	бошқарув	улдирувчи-кесим
5....			

1. Файратли ўқувчилар мактаб боғида мева тердилар. (*Газетадан*) 2. Солдат тезгина юриб кетди. (*A. Раҳмат*) 3. Қўнтироқ боғлаган лойїقا сувлар Бахмал кўчалардан оқиб ўтди. (*P. К.*)

2- машқ. Гапнинг кузатилган мақсадга кўра турларининг ҳар бирига ёзма манбалардан 2 тадан мисол топиб ёзинг.

3- машқ. Қўйидаги гапларнинг тузилишига кўра содда ёки қўйша гап эканлигини аниқланг, шу асосда уларни 2 гуруҳ қилиб ёзинг.

1. Онасп уларни кузатиб қайта кирса, ўғли кийим боши билан каравотда чўзилиб ётиди. (*A. Мух.*) 2. Инженер баланд бўйли, келишган, ўрта ёшлилардаги жингалак сочли қора киши эди. (*A. Мух.*) 3. Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узуналашди. (*C. Аҳм.*) 4. Машина Янгичекка яқинлашганда, бир неча отлиқ кўриниди. (*И. Р.*) 5. Шулар қаёқча бошласа, боравераман. (*A. К.*) 6. Мана, ўртоқжон, ўзим олиб келдим (*P. Ф.*) 7. Олим бўйсанг, олам сеники. (*Мақол*)

4- машқ. «Бир бош бўлакли гап» мавзусини спичниклаб ўрганиб чиқинг. Босма манбалардан бир бош бўлакли гапларнинг ҳар бир турига 2 тадан мисол келтирипг.

5- машқ. 2 та гапни гап бўлаклари бўйича таҳлил қилинг.

Намуна:

Уста Солижон мəғмонларни қарши олгани шошилди аниқловчи эга, от билан тўлдирувчи, тўлдирувчи, кесим, (изоҳловчи) ифодаланган ёситасиз воситали феъл, сифат билан тўлдирувчи, тўлдирувчи феъл кесим, от билан феъл билан содда кесим ифодаланган ифодалан-ган

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Гапда сўзларнинг тенг ва эргаш боғланиш турларини ўрганиб чиқинг, сўнг қўйидаги гапларни ташкил этган сўзларнинг ўзаро боғланиши жиҳатидан тубандагичча изоҳланг:

Боғланишлар	Боғланиш тури	Синтаксик муносабати
1. ҳаёт қайнайди	мослашув	эга-кесим
2. кенг саҳро	битипув	апиқловчи-апиқланмаси
3. саҳро(нинг) бағрида	мослашув	апиқловчи-апиқланмаси
4. (саҳро) бағрида қайнайди.	бошқарув	хол-кесим

2- машқ. Кенг саҳро бағрида ҳаёт қайнайди. (*C. Аҳм.*)
2. Биз бу ерни севимли масканга айлантирамиз. 3. Ўшиш-лоқнинг сўнгги уйлари орқада қолгач, йўл канал бўйлаб давом этди. (*C. Аҳм.*)

3- машқ. Бир бош бўлакли гап ва икки бош бўлакли гапларга 2 тадан мисол топиб ёзинг.

4- машқ. Қўйидаги гапларнинг тузилишига кўра содда ёки қўшма эканлигини аниқланг, шу асосда уларни 2 гурӯҳ қилиб ёзинг.

1. Билган билганин ишлар — билмаган бармоғни тишлар. (*Мақол*) 2. Бу сандиқнинг ягона хўжайини бувим эканини, ширинликларни кўз қорачигидай аяб сақланишини яхши биламан. (*O.*) 3. Ўзбекистоннинг жўшқини, шўх баҳори чўлга гул ва кўқат сепини ёйди. (*O.*) 4. Студентлар ўтириши-ю, бир-бирларининг қулоқларига шивирлай бошлишди. (*M. Исм.*) 5. Чанг босган дарахтлар гўё ёмғирга, салқин шамолга интизордек сукут

этади. (П. К.) 6. Сўраганнинг бир юзи қора, бермаганинг икки юзи қора. (Мақол) 7. Жалиловнинг эгнида оқ шоҳи китель, сариқ коверкот шим, оёғида кавказча этик, бошида чуст дўппи эди. (С. Назар) 8. Илон жон халпида шундай қаттиқ тўлғандики, оғзидан чумчукчиқиб кетди. (М. Исм.)

5- машқ. «Эганинг ифодаланиши» мавзусини синчиклаб ўрганиб, босма маъбалардан эганинг отдан бошқа сўзлар билан ифодаланишига мисоллар келтирпинг. Мисоллар гап ҳолида бўлсин.

6- машқ. 4- машқдаги гапларни гап бўлаклари бўйича таҳлил қилинг:

Н а м у н а:

Шавкатнинг планери узоқ учди ва оҳиста қўнди.

*Шавкат- планери узоқ учди ва оҳиста қўнди
нине*

аниқловчи эга, от хол, ғесим, бөглов- ҳол, равиш кесим, феъл
қар-ли билан миқд. феъл чи тенг ҳоли, равиш кесим, сод-
аниқловчи ифода- даража кесим бөгл. билан ифо- да кесим
от билан лангац ҳоли, содда далангани
ифодалан- равиш кесим
ган билан
ифода-
лангац

УЧИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қўйидаги гапларни ифодали ўқиб, улардаги ундалма ва кириш сўзларни аниқланг, шу асосда гапларни икки грух қилиб ёзинг (ундалманинг тагига тўғри чизиқ, кириш сўзларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг).

1. Дарҳақиқат, Саидий улғатнинг олдига бориш учун шошилди. (А. Қаҳҳор) 2. Онажон, Ғоғиржон, унутма мени! (Ҳамза) 3. Сени улуғлайман, эй она ҳалқим! (А. Орипов) 4. Менинг фикримча, ғам-ғусса ва маъюслиқдан наф кўрмайсиз. (Ж. Икромий) 5. Ҳурматли Гулчехра, бу хатни олиб ҳайрон бўларсиз. (Ў. Умарбеков) 6. Китоб, менинг дўстимсан! (З. Диёр) 7. Дишпод, шубҳасиз, жуда ақлли йигит. (М. Исмоилий) 8. Чамамда, бунга етти-саккиз йил бўлди, шекилли. (М. Исмоилий)

2- машқ. Юқоридаги 4- ва 6- гапларни гап бўлаклари бўйича таҳлил қилинг. (1- вариантнинг 5- машқ намунасига қаранг.)

3- машқ. Юқоридаги гаплардан келишикли ва кўмакчили боғланишларни ажратиб олиб, ёзиб чиқинг (боғланниш орасида бошқа сўзлар (бўлаклар) бўлиши мумкинлигини ҳисобга олинг):

Келишикли 5 оғланиш	Қайси келишик	Кўмакчили 5 оғланиш
1. Сандий шошилди	Бош келишик	бориш учун шошилди
2. Улғатнинг олди(га)	Қаратқич келишиги	
3. Олдинга бориш	Кўналиш келишиги	
4.

4- машқ. «Қўшма гапларнинг турлари» мавзусини синчилаб ўрганиб чиқинг. Босма маңбалардан қўшма гапларнинг ҳар бир турига З тадан мисол келтириш.

5- машқ. «Ўзбекистон овози» газетасининг шу кунлардаги сонларини кузатиб, улардан расмий услубда ва бадший услубда ёзилган биттадан материални танланг, улардан парча кўчириб ёзиб, шу услугга хос белгиларни баён қилинг.

ТҮРТИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қўйидаги гапларни ифодали ўқиб, улардаги ўюшиқ бўлакларни ва ажратилган иккинчи даражали бўлакларни аниқланг ва шу асосда гапларни 2 гурӯҳ қилиб ёзиб чиқинг.

1. Унда на ғазаб, на нағрат, на қўрқиш бор эди. (*Г. Николаева*) 2. Юқоридан, Нижнийдан, пиёда келмадим, кемага тушиб келдим. (*М. Горький*) 3. Дунёда пулдан, буюмдан ҳам азизроқ нарсалар бор. (*Ҳ. Ғулом*) 4. Ҳам қўзлари, ҳам лаблари билан ширингина қилиб кулди. (*М. Исмоилий*) 5. Ҳозирча унинг, Воропаевнинг баражиши лозим бўлган иш йўқ. (*Павленко*) 6. Алимардон ҳам қувонч, ҳам завқ билан унга бурилиб қаради. (*Ў. X.*) 7. Беморининг ҳис-туйғулари, ўй-хәёллари ва келажак ишлари — ҳамма-ҳаммаси врачанинг қўлида. (*Газетадан*) 8. Феруза, кечакундуз ўйлайман сени, меҳрибонимни. (*Ҳ. Ғулом*) 9. Бояги йигитнинг, Азизнинг, қўли гул экан. (*П. Қ.*)

2- машқ. Юқоридаги 3- ва 6- гапларни гап бўлаклари бўйича таҳлил қилинг (1-варпантнинг 5- машқ намунасига қаранг).

3- машқ. Юқоридаги гаплардан келишикли ва кўмакчили боғланишларни ажратиб ёзинг (боғланиш орасида бошқа сўзлар (бўлаклар) бўлиши мумкинлигини ҳисобга олинг):

№ Келишикли боғланиш	Қайси келишик?	Кўмакчили боғланиш
1. унда бор эди	ўрппи-пайт кел.	1) кўзлари билан куалди
2. ғазаб бор эди.	бош келишик	2) лаблара билан куалди
3. ...		3) ...

4- машқ. «Эргаш гапларнинг турлари» мавзусини синчиклаб ўрганиб чиқинг, босма манбалардан эргаш гапларнинг ҳар бир турига биттадан мисол келтиринг.

5- машқ. «Ўзбекистон овози» газетасининг шу кунлардаги сонларини кузатиб, улардан илмий услубда ва публицистик услубда ёзилган биттадан материални топинг, улардан парча қўчириб ёзиб, шу услугга хос белгиларни баён қилинг.

ПУНКТУАЦИЯ БЎЙИЧА

Бу бўлимдаги машқлар ҳам «Орфография ва орфоэпия» бўлимидаги машқлар каби ёзма нутқни ўстириши ва саводхонликни оширишга қаратилган бўлиб, кирин имтиҳони топширувчанинг ўрта мактабда синтаксис ва пунктуациядан олган билимларини мустаҳкамлайди. Шунга кўра, машқларни бажаришга киришишдан олдин абигтуринент ўрта мактаб дарслигида баён қилинган тил ҳодисаларининг тиниш белгиларига оид қисмини, шунингдек, ўзбек тили пунктуацияси қондаларини қайтадан синчиклаб ўрганиши керак. (A-1; 13—60- бетлар; A-3; 28—176- бетлар; A-4; 22—27- бетлар; A-5; 164—280- бетлар; A-6; 88—143- бетлар; A-8, A-9)

Кириш имтиҳонларидағи ёзма ишларда пунктуацион хатолар кўпинча вергулни ишлатишда юз беради. Вергулни керакли ўринда кўймаслик ҳам, кераксиз ўринда кўйиш ҳам учрайди. Кўчирма гап, кўчирма сўз ва шунга ўхшаш ҳодисаларда қўштироқ ва тире қўймаслик ҳам анчагина. Шеърий матнларда сўз тартибининг ўзгариши ҳам тиниш белгиларини тўғри кўллашни қийинлаптиради. Шунингдек, иншо режасининг тузилишида анчагина мураккаб пунктуацион ҳолат бор: иншо режасининг тар-

тибларида тиниш белгиларининг қўлланишига оид хатоларни қўплаб учратамиз. Берилган машқлар шу каби пунктуацион масалаларни қамраб олган.

БИРИНЧИ ВАРПАНТ

1- машқ. Тиниш белгиларининг қўлланиши ҳақидаги қондаларни қайтадан ўрганиб чиқинг.

Вергулнинг қўйидаги ҳолатларда келишига турли манбалардан иккитадан мисол топиб ёзинг:

1) уюшиқ бўлак қисмлари орасида; 2) қўшма гап қисмлари орасида; 3) ажратилган бўлакнинг ҳар икки томонида; 4) кириш сўздан сўнг ёки ҳар икки томонида; 5) ундалманинг кетида ёки ҳар икки томонида келишига.

2- машқ. Қўйидаги матнда ишлатилган типни белгиларни тубандагича бирма-бир изоҳланг:

Матн	Тиниш белгиларининг исохи
— Нима бўлди, қизим?	1) абзацдан бошлиланган персонаж нутқи бўлгани учун олдига тире қўйилган; 2) гап охирда келган ундалмадан олдин вергул қўйилган; 3) сўроқ гап бўлгани сабабли охирга сўроқ белгиси қўйилган.

— Нима бўлди, қизим? Нега йиғлаясан? Гулчехра бошини кўтарди. Рўпарасида нуроний бир мўйсафид унга дардли тикилиб турарди. — Бирор хафа қилдими?

— Йўқ, — деди Гулчехра ва уялганидан қизарип кетди.

— Дадил бўлинг, — деди мўйсафи. — Йиги ҳеч маҳал одамга ёрдам берган эмас. Қанча совуқонлик қилсангиз, шунча ютасиз. Асаб, йиги—ожизларнинг удуми.

Трамвай келди. Гулчехра мўйсафидга инма деб жавоб қилишни билмай ўзини трамвайга отди.

3- машқ. Қўйидаги матнни диққат билап ўқиб ўрганинг. Кейин бош ҳарфларни белгилаб, зарур тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Айланма йўллар бошланди бир томон булатта санчилган чўққи бир томон тоғ дараси ўнгга сал жил-

сағ пастга қулайсан чапга сал жилсанг ё тошга уриласан ё қаршидан келаётган машинаға уриласан бу жойдан пастликлар жуда ғалати қўринар эди. Козимжон ўзимизда шунақа хушманзара жойлар бор экан-у одамлар қаёкларга бориб юришади-я деб дилидан ўтказиб қўйди дарҳақиқат ёнбағирлар бекиёс чиройли эди.

4- машқ. Қўштироқнинг қўйидаги ўринларда қўллашишига турли манбалардан иккитадан мисол топиб ёзинг.

1) кўчирма гап таркибида келишига; 2) кўчирма сўзда келишига; 3) муассаса, ташкилотнинг номи таркибида келишига; 4) сўзнинг кўчма маънода ишлатилигинни кўрсатишга.

5- машқ. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги «Йўлчи образига тавсиф» мавзуидаги иншога кенгайтирилган режа тузинг.

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Тиренинг қўйидаги ҳолатларда ишлатилишига турли манбалардан 2 тадан мисол топиб ёзинг.

1) абзацдан персонаж нутқининг бошлиғанинг кўрсатилишига; 2) кўштироққа олинган персонаж нутқи билан муаллиф нутқи орасига қўйилишига; 3) эга билан кесим орасига қўйилишига; 4) уюшиқ бўлак охрида келишига; 5) ажратилган бўлакнинг икки томонидан қўйилишига.

2- машқ. Қўйидаги матнда ишлатилган тишиш белтиларини тубандагича бирма-бир изоҳланг:

Матн	ТИШИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИЗОҲИ
Гулчеҳра шинпакни олиб, пештахта ёнидаги стулга ўтирди. Шинпак чиройли эди. Оппоқ, белидан ингичка олтиридек занжир ўтказилган, пошинаси ҳам баланд эмас, юришга осон. Гулчеҳра кийиб кўрди. Яхши келди.	1) қўшма гап қисмлари орасига ергул қўйилган; 2) дарак гап бўлганинг сабабли охрига нуқта қўйилган.

Гулчеҳра шинпакни олиб, пештахта ёнидаги стулга ўтирди. Шинпак чиройли эди. Оппоқ, белидан ингичка олтиридек занжир ўтказилган, пошинаси ҳам баланд эмас, юришга осон. Гулчеҳра кийиб кўрди. Яхши келди.

— Раҳмат, шуни сламан, — деди сотувчига.

Сотувчи қиз шиппакни ўраб берди. Шу пайт кимдир Гулчехрани орқасидан қучоқлади.

— Вой ким? — ҳайратланиб деди Гулчехра.

Аёл кишининг қаҳ-қаҳ кулгиси эшитилди. Гулчехра ўгирилди.

— Вой, опоқи, сизмисиз? — Гулчехра шундай деди-ю, бутун вужуди бўшашиб кетди.

3- машқ. Қўйидаги матнни диққат билан ўқиб, ўрганинг. Кейин бош ҳарфларни белгилаб, зарур тиниши белгиларини қўйиб кўчиринг.

нега келдинг деди башорат титроқ товушда бу бирпинчи бор узи сенлаши эди тушунтиргани келдингми сизганима бўлди башорат сен учун кетяпман деб хат бервонрибсиз сизлама мени билмадинг-а сезмадинг-а юрагигдага заррача дардинг бўлганда билардинг, сезардинг нимани биламан ахир тентак бир йилдан берп дардингда қўйиб ёнаман аминман сезасан назар-писанд қўлмайсан мени эрмак қилиш учун атайин шундай қиласан.

4- машқ. Икки нуқтанинг қўйидаги ҳолатларда ишлатилишига турли манбалардан 2 тадаи мисол топиб ёзинг:

1) ракамлар қўйиб саналган гаплардан олдин қўйилишига; 2) уюшиқ бўлакда умумлаштирувчи сўздан кейин қўйилишига; 3) кўчирма гапда муаллиф нутқидан олдин қўйилишига; 4) қўшма гап қисмлари орасида ишлатилишига.

5- машқ. «F. Руломнинг «Қўкан» поэмасидаги «Қўкан образи» мавзусидаги ишшога кенгайтирилган режа тузиңг.

ТАКРОРЛАШ (ГРАММАТИК ТАҲЛИЛ) МАШҚЛАРИ

Бу бўлимда берилган машқлар якунловчи иш сифатида, ўтилганларни такрорлаш тарзида бажарилади. Машқлар ўзбек тили ва адабиётидан оғзаки кирпши имтиҳонлари талаби услубида тузилди: берилган гап ёки морфологик, ёки синтактик, ёки тўлиқ грамматик таҳлил қилинади. Ўрта мактабда грамматик таҳлилининг қисмлари маълум мавзуларга боғланган ҳолда ўргатилган. Масалан, «От» ёки «Сифат» мавзуси ўтиб бўлингандан сўнг от ёки сифат туркумлари бўйича морфологик таҳлил, «Гап бўлаклари» ёки «Қўшма гап» мавзуси ўтилганда сўнг гап бўлаклари ёки қўшма гаплар бўйича синтак-

тик таҳлил амалга оширилган. Кириш имтиҳонида мисоллар (материал) гап шаклида берилгани учун таҳлил қисмлари умумлаштирилади. Морфологик, синтактик ёки тўлиқ грамматик таҳлил абитуриентларнинг «Она тили»-дан олган билими даражасини якунлаб кўрсатадп. (A-10, A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, A-6, A-8, A-9.)

БИРИНЧИ ВАРИАНТ

1- машқ. Қуйидаги гапда қатнашган сўзларни аввал ўзак ва қўшимчаларга ажратинг, сўнг ҳар бир қисмини изоҳланг, ўзак-негизнинг туркумини ҳам кўрсатинг (тўлиқ морфологик таҳлил):

Ҳозирги замонда дадил қадам ташлай олмаган киши туртилиб, четга чиқиб қолади. (A. K.)

Намуна:

Ҳозир	гу	замон	да
ўзак. равни. найт	қўшимча, сўз ясов.		

негиз, ст.фат, иисбий сифат

2- машқ. Берилган гапларни қуйидаги бандлар асосида тўлиқ синтактик таҳлил қилинг:

- 1) гапда сўзларниң боғланиши (сўз биримлари);
- 2) гапнинг ифода мақсадига кўра тури; 3) гапнинг ҳисхая жонининг иштирокига кўра тури; 4) гапнинг тузилишига кўра тури (садда гап бўлса, бир бош бўлакли гап ёки икки бош бўлакли гап эканлиги, қўшма гап бўлса, унинг қайси турига кириши (ва ҳоказо); 5) гап бўлакларни бўйича таҳлил; 6) гапда қўллашган тинни белгиларнинг изоҳи.

Азизим, қизингизнинг баҳтини бировларнинг остонасидан қидирманг. Баҳтии бировларнинг остонасидан қидиршишинг ўзи — баҳтисизликнинг боши. (A. K.)

3- машқ. Қуйида берилган гапни тўлиқ грамматик (морфологик ва синтактик) таҳлил қилинг:

Ҳайдар ота ундан жавоб омолмаслигига кўзи етиб, шошганича ичкарига кирди. (A. K.)

Таҳлилини қуйидаги тартибда олиб боринг:

1. Сўз таркиби бўйича таҳлил:

- а) гандаги ҳар бир сўзи асл маъноли ва грамматик маъноли қисмларга ажратинг; б) ясалган сўз бўлса,

негиз күрсатилади; ясама негиз бўлса, ўзак ва ясовчи қўшимча; қўшма негиз бўлса, ўзак (сўз)лар ажратилиди; в) сўз ўзгартувчи ва форма ясовчи қўшимчалар аниқланади; г) имло билан боғлиқ томонлар изоҳланади.

2. Сўз туркумлари бўйича таҳлил:

а) ҳар бир сўзнинг қайси туркумга хос эканлигини аниқланг; б) ҳар бир туркумнинг ички хусусиятлари бўйича характерланг.

3. Гапда сўзларнинг боғланиши бўйича таҳлил:

а) тенг ва эргаш боғланиш; б) эргаш боғланиш бўлса, унинг турлари (мослашув, бошқарув, битишув); в) эргаш боғланишини ҳосил қилувчи воситалар (сўз формалари, кўмакчилар, сўз тартиби, оҳанг).

4. Гап қурилиши бўйича таҳлил:

а) гапнинг ифода мақсадига кўра тури; б) ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра тури; в) гапнинг тузилишига кўра турини аниқланг ва бунинг белгиларини кўрсатинг.

5. Гап бўлаклари бўйича таҳлил:

а) бош бўлаклар; уларнинг қайси туркум сўзи билан ифодаланганлиги, тузилиши; б) иккинчи даражали бўлаклар, уларнинг тури, қайси туркум сўзи билан ифодаланганлиги, қайси бош бўлакка боғланганлиги; в) гапда қўлланган тиниш белгиларини изоҳи.

ИККИНЧИ ВАРИАНТ

1- маниқ. Қуйидаги гапда қатнашган сўзларни аввал ўзак ва қўшимчаларга ажратинг, сўнг ҳар бир қисмини изоҳланг, ўзак-негизнинг туркумини ҳам кўрсатинг (тўлиқ морфологик таҳлил):

Мирзакаримбой Йўлчи билан турли нарсалар ҳакида узоқ суҳбатлашди, лекин йигитрма уч ёшли йигитнинг ақлида сира нуқсон кўрмади. (О.)

Намуна:

Мирза	карим	боў	Йўл	чи	билип
ўзак, от,	ўзак, от,	ўзак	қўшим-		
атоқли от	атоқ от	қўшимчча,	эркалаш		

негиз, от, атоқли от

2- машқ. Қуйидаги берилган гапни, 1- вариантнинг 2- машқида кўрсатилганидек, тўлиқ синтактик таҳлил қилинг:

Маълум бўлишича, қумнинг бир оз тагида баҳорда ёқсан ёмғир ва эриган қор нами узоқ вақтгача сақланар экан. (*O. Ёқубов*)

3- машқ. Берилган гапни 1- вариантнинг 3- машқида кўрсатилгандек, тўлиқ грамматик таҳлил қилинг:

Машина колхоз идораси ёнига келиб тўхтаганда, қуёш эндиғина тоғ орқасидан кўтарилиб келаётган эди. (*P. Файзий*)

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДА ГРАММАТИК ТАҲЛИЛ

Грамматик таҳлил мактабда она тилидан ўтказиладиган ҳар хил машқларининг умумий номидир. Бу машқларининг ўтказилиш усуслари, мазмуни ҳар хил шаклда бўлади. Грамматикани ўрганиш орқали ўқувчи сўз ва гапнинг грамматик тавсифини билиб олади. Бунда сўзнинг тузилиши, сўз ясалиши, сўз ўзгариши; сўз биримлари, гап қурилиши, содда гап, қўшма гап, гап бўлаклари каби грамматик ҳодисалар таҳлил қилинади.

Грамматикани ўрганиш ҳам иазарий, ҳам амалий аҳамиятга эга: у ўқувчиларни тил қонуниятлари билан таништиради, уларнинг тил қурилишини эгаллашларига ва унинг имтиҳониятларидан онгли равишда фойдаланишларига ёрдам беради. Грамматика адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклларини онгли равишда тўлиқ эгаллашда асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Грамматик таҳлил ўрта мактабда грамматика ўқишидаги муҳим методик воситалардан биридир, у «Она тили» фанининг барча бўлимлари (орфография, орфоэпия, пунктуация, оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, стилистика ва бошқалар) билан боғланади. Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидаги грамматик таҳлилда ҳам ўрта мактабда берилган бўлимлар ҳисобга олинади.

Маълумки, ўзбек тили ва адабиётидан оғзаки кириш имтиҳон билетларининг ҳар биринда учтадан савол берилган бўлиб, уларнинг иккитаси ўзбек адабиётига доир саволлар, учинчпсиз эса она тилига доир савол-топшириқ (грамматик таҳлил) бўлади. Имтиҳон билетининг ўзида аниқ бир гап берилган бўлиб, шунин грамматик таҳлил қилини талааб қилинган бўлади.

Оғзаки имтиҳон билетлари тахминан қўйидагича тузилган бўлади:

1- на м у на

1. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида илим-ҳунар ва меҳнатга муҳаббат ғоялари.

2. Абдулла Қодприй — буюк романнавис ёзувчи.

3. Грамматик таҳлил қилинг:

Биз бу қувончли кунларга осонлик билан етиб келмадик. (А. Қ.)

2- на м у на

1. X. X. Нпёзий ижодида маърифатиарварлик мавзуси.

2. X. X. Нпёзий — драматург.

3. Грамматик таҳлил қилинг:

Дарё лабида туриб кўқлам қучогида товланаётган Олмазор чиройига суқланардим. (Х. Н.)

Кириш имтиҳони билетида берилган гапни таҳлил қилиндида ўрта мактабда она тили курсидан олинган барча назарий ва амалий билимлардан фойдаланиллади. Чунки ҳар қандай аниқ бир гапни грамматик таҳлил қилиши орқали абитурIENTNING морфология ва синтаксисдан (умуман, «Она тили» нинг барча бўлиmlаридан) ўрта мактабда олган билимларининг даражасини синаб кўриш мумкин.

АбитурIENT грамматик қондани дарсликда ёзиб кўрсатилгандек қилиб айтиб бермасдан, балки ўша қонданинг мазмунини ўз сўзлари билан баён қилиб берса ва жонли мисолга жорий қила олса, бу унинг мавзуни онгли тушунганлигини кўрсатади.

Грамматик қондани ёд олиш билар-бilmас такрорлаш тарзида эмас, балки қонданинг мазмунини тўла тушуниб олишга асосланган, шунга қаратилган бўлиши шартдир. АбитурIENTdan грамматик қонда сўралганда, унинг бу қондага, унинг мазмунига тушунган ёки тушунмаганинги аниқлаш вазифаси асосий роль ўйнайди. Баъзан абитурIENT сўралаётган грамматик ҳодисани билса ҳам, лекин нутқий нўноқлик ёки бошқа сабаблар натижасида унинг таърифини дарсликда ёзиб кўрсатилгандек қилиб айтиб бера олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда қондани худди дарсликда ёзилган шаклда айтиб беришни талаб қилиш методик жиҳатдан тўғри эмас.

Грамматик таҳлилнинг бутун изчиллиги онглилик принципига асосланади. Бу принцип ўқувчиларнинг (abiturIENTlariniнg) мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш юбилиятини кучайтиради, бир-бiriдан кўчириб олиш хав-

Фини йўқотади, грамматиканинг назарий томонларини амалпётга татбиқ қилишга ёрдамлашади.

Грамматик таҳлил вақтида абитуриент ҳар бир грамматик форманинг нега шундай эканлиги ҳақида мустақил фикр юритиши, уни исботлашга ҳаракат қилиши керак. Тушунмай ёдлашга одатланган собиқ ўқувчи — ҳозирги абитурент грамматик таҳлил вақтида доим қоқилади, чунки грамматик таҳлилнинг характери машқларни мустақил бажаришни талаб этади.

ГРАММАТИК ТАҲЛИЛНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Кирини имтиҳонларидағи грамматик таҳлилдан кўзда тутилган асосий мақсад абитуриентларнинг морфология (сўз таркиби, сўз ясалиши, сўз ўзгариши, сўз туркумлари) ва синтаксис (сўз биримаси, гап қурилиши) бўйича мактабда олган билимларни синаб кўришdir. Аммо тил системадир, уни ташкил қилувчи қисмлар бирбипи билан ўзаро боғланган ҳолда бир бутунликни — яхлитликни ташкил қилади: нутқ товуши ва сўз, сўз ва тац, яъни тилнинг бутун тузилиши ўзаро алоқадордир. Демак, фонетика, лексика, морфология ва синтаксис ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бутунликни ташкил қилади. Бу бутунликнинг морфология ва синтаксис қисмлари бирликда грамматика номи билан юритилади. Грамматиканинг бу тенг ҳуқуқли қисмлари бир-бiri билан зич боғлиқ бўлиб, улар грамматик таҳлил ўтиказиш вақтида ўз аксини топади. Морфология ва синтаксис бир грамматик ҳодисанинг икки томонидир. Масалан, морфологиядаги мустақил сўз саналадиган от, сифат, соң қаби туркумлар гапда маълум синтактик вазифани (гап бўлаги вазифасини) ўтайди, морфологиядаги ёрдамчи сўз туркумлари мустақил маънога эга эмаслигидан мустақил ҳолда синтактик вазифа бажара олмайди (гап бўлаги бўлмайди). Ўқувчи (абитуриент) синтаксисни ўргангандан сўнг, морфологик ҳодисаларнинг моҳиятини янада тўла тушувшиб етади.

Грамматик таҳлил жараёнида шундай ҳолларга дуч келинадики, уларни фонетика, орфография, орфоэпия, лексика, стилистика ва пунктуация бўйича олинган билимларни татбиқ этиш асосида ҳал қилинади (масалан, билаги сўзида ўзак билаг эмас, билак, эгалик қўшимчаси олганда ўзак охиридаги к товуши г га ўтади; шаҳрим сўзининг ўзаги шаҳр эмас, шаҳар, эгалик қўшимчаси

қўшилганда охирги бўғиндаги а товуши тушиб қолади ва бошқалар). Демак, грамматик таҳлилда лексик, фонетик, стилистик таҳлил элементлари ҳам иштирок этади.

Грамматик таҳлил мазмунига кўра икки тарбиий қисмга бўлиниади:

1. Морфологик таҳлил.
2. Синтаксик таҳлил.

Имтиҳон билетида берилган гапни аввал морфологик, сўнг синтаксик таҳлил қилиш керак. Чунки морфологик таҳлилда гапни ташкил этган сўзларнинг хусусиятлари, синтаксик таҳлилда ўша сўзлар воситасида қурилган сўз биримларин ва гапнинг хусусиятлари таҳлил қилинади.

МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Морфологик таҳлил ўз мазмунига кўра иккига бўлиниади:

1. Сўз таркиби бўйича таҳлил.
2. Сўз туркумлари бўйича таҳлил.

Булар бирин-кетин ўтказилиши керак, улар бир-бира га боғлиқ бўлиб, биридаги нуқсон иккинчисига таъсир қилиши мумкин. Сўз таркиби бўйича таҳлил орфография ва сўз ясалиши ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Сўз туркумлари бўйича таҳлил эса гапда сўзларнинг иккичи бир туркум вазифасида келиши, сўзларнинг белгили (қўшимчали) ва белгисиз (қўшимчасиз) қўллананиши ҳодисалари билан боғланади. Сўзни ўзак ва қўшимчаларга ажратишни билмаган абитуриент сўз ясалиши йўлларини, сўз ўзгаришини, шулар билан боғланган тўғри ёзиш қоидаларини онгли равишда ўзлаштира олмаган бўлиб чиқади.

1. СЎЗ ТАРКИБИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ

Сўз таркиби бўйича таҳлил морфологик таҳлилнинг бир кўриниши бўлиб, у ўз ичига бир қанча мавзуларни олади: сўзни ўзаги, қўшимча, қўшимчаларнинг маъно ва вазифасига кўра турлари (сўз ясовчилар, форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар); сўзни негизи; содда, қўшма, жуфт сўзлар ва бошқалар.

Сўз таркиби бўйича ўтказиладиган таҳлил сўздаги

икки қисмні — сұзинің асосий маъносини англатувчи қисмні, шунингдегі, сұзинің грамматик маъносини англатувчи қисмні ажратышдаң бошланади.

Сұзинің асосий маъносини англатувчи қисмні ажратышда қуйидаги ҳолаттар ҳисобға олинади: сұзинің таркибидаги тарихий ва ҳозирғы ҳолат. Масалан, қишлоқ, әйлөв, оғайни кабі сүзлар ҳозирғи адабий тилда морфологик қисмларга ажралмайды, лекин бундай сүзлар тарихий жиҳатдан қисмларга ажралған.

Демек, сұзни маъноли қисмларга ажратышда этимологик тақдил иккінчи даражалы роль үйнайды.

Берилған тақдаги сүзларни ўзак ва құышимчаларға ажратышда аниқ, яқын күриштің туралыған чизмалардан фойдаланиш үривлидір. Маълумкі, ўрта мактабларда морфологик тақдилдердің түрлі усулларыдан фойдаланылады. Биз бу үрпіда ТонДД профессоры Ш. У. Раҳматуллаев за доцент Е. Ф. Еуломов усулларидан фойдаланыш, морфологик тақдилдердің ягона, умумлашған чизмасын жорій етиш тарағфордормиз.

Масалан, кириш шығынны билетларыда грамматик тақдил учун қуйидаги тап берилған бўлсени:

Биз бу қунларга осонлик билан етиб келмадик. (А. Қ.)

Берилған тақдаги сүзлар, аввало, сұз таркиби бўйича тақдил қилинади:

а) тақдаги ҳар бир сұз асл маъноли ва грамматик маъноли қисмларга ажратылади;

б) ясалған сұз бўлса, негиз ажратиб кўрсатилади; ясама негиз бўлса, ўзак ва ясовчи қўшимчача; қўшма негиз бўлса, ўзаклар ажратылади;

в) сұз ўзгартувчи ва форма ясовчи қўшимчалар аниқланади;

г) имло билан боғлиқ томонлар изоҳланади.

Сўзни маъноли қисмларга ажратышда вертикал чизиқлардан фойдаланилади:

Биз бу кун/лар/га осон/лик билан ет/пб кел/мади/к. (А. Қ.)

Бундан сўнг вертикал чизиқларни пастга қараб чўзиш ва қисмларни изоҳлапида қулагйлик ҳосил қилиш учун орасини очиб ёзиш ва қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биз	бу	кун	лар	га	осон	лик
ўзак, ол-	ўзак,	ўзак, от,	қўш-ча	қўш-ча, сўз.	ўзак, си-	қўш-ча
мопи, ки-	сімош	турд. от	ф. яс..	ўзг., турл.	фат, ас-	сўз. яс.
шил, ол.	кўре.		қўшик	келиш.	жўн лий	от.
I шахс	ол.		ф-си	кел.		сифат
куплик						

билин	ет	иб	кел	ма	ди	к
кўмакчи	ўзак,	қўш-ча,	ўзак,	қўш-ча,	қўш-ча,	қўш-ча
соғ кўм.	феъл	ф. яс.,	феъл,	ф. яс.,	ф. яс.,	сўз. ўзг.
	II шахс,	рав-дош	II шахс,	бўйл-сиз	зам. ф-си	тусловчи,
	буйруқ	фор-си	буйруқ	форма	ўтг. зам.	шахс-сон
	майли		майли		ф-си	I шахс
						куплик

Сўз таркиби бўйича таҳлилда ёрдамчи сўз туркумларига оид сўзлар ўзакка ҳам, қўшимчага ҳам киритилмайди. Чунки улар мустақил маъно ифодаламагани учун ўзак эмас, грамматик маъно ифодаласа-да, қўшимча ҳам эмас. Шунинг учун уларниг қайси ёрдамчи сўз туркуми эканлиги изоҳланади, холос. Агар бошқа туркум вазифасида бўлса, бу ҳолат қавс ичидаги кўрсатилади. Юқоридаги гапда билан кўмакчиси сўз туркуми вазифасида-дир.

Иккинчи гапдаги сўзларни сўз таркиби бўйича таҳлил қилиб кўрайлик:

1- босқич

*Дарё лаб/и/да тур/иб қўклам қўчоғ/и/да товлан/а/ётган
Олмазор чирой/и/га суқлан/ар/ди/м. (Ҳ. Н.)*

2- босқич

Дарё	нинг	лаб	и	да	тур	иб	кўклам
ўзак	қўш-ча, сўз. ўзг.	ўзак	қўш-ча, сўз ўзг.	қўш-ча, сўз ўзг.	ўзак	қўш-ча ўзак	
турл., ке- лишик, қар.			турл. өга-	турловчи,			рав-дош
кел.			лик. III	келишик			ф-си.
			шахс,	ўр. пайт			
			бирлик	кел.			

нинг	қўчоғ	и	да	товлан	а	ётган
қўш-ча	ўзак	қўш-ча	сўз қўш-ча	сўз ўзак	қўш-ча	қўш-ча
сўз ўзг.,		ўзг.,	турл., ўзг.,	турл.	ф. яс.,	
турл., ке- лишик,			залик. III	келишик,	рав ф. яс.,	сиф
қар. кел.			шахс бир-	ўр. пайт	дош ф-си дош ф-си	
			лик	кел.		

<i>Олма</i>	<i>зор</i>	<i>пинг</i>	<i>чирой</i>	<i>и</i>	<i>га</i>	<i>суқлан</i>
ўзак	қўш-ча	қўш-ча,	ўзак	қўш-ча	қўш-ча,	ўзак

сўз. яс. от.

и. жой

оти яс.

кел.

турл. ке-

лини.

турл., ке-

линик

шахс бир жўн. кел.

лик

негиз, ясама нег

<i>ар</i>	<i>ди</i>	<i>м</i>
қўш-ча, ф.	қўш-ча ф.	қўш-ча, сўз
яс., сиф-дош	яс., зам. ф-	ўзг., турл.,
ф-си	си, утган	эгалик, I
	зам. ф-си.	шахс
		бирликт

Баъзи жарангсиз ундош товуш билан тугаган ўзакларга унли билан бошланувчи қўшимчалар қўшилганда сўз охиридаги жарангсиз ундош товуш жаранглилашади. Сўз таркиби бўйича таҳлилда ўзбек тилидаги бу хусусият ҳисобга олиниши керак. Юқоридаги гапда қучогида сўз шаклининг ўзак қисми аслида қучоғ эмас, қучоқдир: эгалик қўшимчаси (-и) қўшилиши натижасида сўз охиридаги қ жарангсиз товуши ғ га айланган (жаранглилашган). Бундай сўзларнинг таҳлилида ўзакнинг асл шаклини унинг тепасига ёзиб кўрсатиш ҳам мумкин: **қучоқ (и)да** каби.

2. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ

Сўз туркумлари бўйича ўтказиладиган таҳлил, сўз таркиби бўйича ўтказиладиган таҳлил каби, морфологик таҳлилнинг бир қўриниши бўлиб, у мактаб дастуридаги «сўз туркумлари» мавзуи масалаларини қамраб олади.

Абитуриент матннаги сўзларни туркумларга ажратса, гап бўлакларини аниқлашда ҳам қийналмайди. Демак, бу таҳлил ўз-ўзидан синтактик таҳлил билан боғланади. Сўз туркумларининг моҳиятига тўла тушунмасдан туриб, синтактик таҳлил вақтида гапнинг бош бўлаклари билан грамматик муносабатга киришмайдиган сўзлар («бўлаклар») ни аниқлаш мумкин эмас.

Сўз туркумлари бўйича ўтказиладиган таҳлилнинг биринчи босқичини гапдаги сўзларни туркумларга ажратишидан — сўзларни морфологик жиҳатдан тасниф қилишдан бошланш керак. Бундан сўнг ҳар бир туркумнинг ички хусусиятлари кўрсатилади.

Юқорида, «Сўз таркиби бўйича таҳлил» бўлимида

берилган икки гапдаги сўзлар морфологик таҳлилнинг
1-босқичи бўйича таҳлил шу ишнинг 2-босқичи сифа-
тида давом эттирилади:

<i>Биз</i>	<i>Бу</i>	<i>кун</i>	<i>лар</i>	<i>га</i>	<i>осон</i>	<i>лик</i>
ўзак, ол- ўзак, мош, ки- олмош, шил, ол., кўрс. I тах., ол.	ўзак, от, турд. от	қўш-ча ф. яс., кўплик	қўш-ча ф. яс., ф-си	қўш-ча, сўз, ўзг., турли. ке- лиш, жўв кел	ўзак, си- фат, асл. сўз. турли. ке- сифат лиш, жўв кел	кўш-ча ф. яс., я. от, мавхум от.
<i>билан</i>	<i>ет</i>	<i>иб</i>	<i>кел</i>	<i>ма</i>	<i>ди</i>	<i>к.</i>
кўмакчи ўзак, соғ кўм. феъл П шахс, буйруқ майли	қўш-ча. ф. яс., рав-дош фор-си	ўзак, феъл, І шахс, буйруқ майли	қўш-ча, ф-яс., бўл-сиз форма майли	қўш-ча, ф. яс., зам. ф-си. утг. зам. ф-си	қўш-ча, сўза. ўзг., зам. ф-си. шахс-сон, І шахс, кўплик	негиз, ясама нег. от, турд. от, мавхум от.
<i>Дарё</i>	<i>нинг</i>	<i>лаб</i>	<i>и</i>	<i>да</i>	<i>тур</i>	<i>иб</i>
ўзак, от, турд. от	қўш-ча, сўз ўзг., турд. от.	ўзак, от, турд. от.	қўш-ча сўз қўш-ча, ўзг. турд. сўз, ўзг., турд. ке- шик, қар. кел.	қўш-ча сўз қўш-ча, ў шахс ўзг. турд. сўз, ўзг., ф буйруқ рав- эгалик, III турли., к кел. май. дош шахс бир лих	қўш-ча ўзг., турд. сўз, ўзг., ф буйруқ рав- эгалик, III турли., к кел. май. дош шахс бир лих	қўш-ча ўзг., турд. сўз, ўзг., шахс-сон, І шахс, кўплик
<i>кўклам</i>	<i>нинг</i>	<i>кучоқ</i>	<i>и</i>	<i>да</i>	<i>тоевлан</i>	<i>а</i>
ўзак, от, турдош от	қўш-ча сўз, узг., тури, келишик, қар. кел.	ўзак. қўш-ча от, тур-сўз узг. тури.. ке- шик. III лиш.	қўш-ча сўз, ўзг., узг. тури.. ке- шик. III лиш.	ўзак, феъл қўш-ча III шахс, ф-яс., буйруқ рав-дош шахс келиши	ўзак, феъл қўш-ча III шахс, ф-яс., буйруқ рав-дош шахс келиши	ўзак, феъл қўш-ча III шахс, ф-яс., буйруқ рав-дош шахс келиши
<i>ётган</i>	<i>Олма</i>	<i>зор</i>	<i>нинг</i>	<i>чиroyд</i>	<i>и</i>	
қўш-ча, ф. яс., сиф-дош ф-си	ўзак, от, турд. от	қўш-ча, сўз яс., жой оти яс-чи	қўш-ча сўз. ўзг., турд.. кели- шик, қар. кел.	ўзак, от, турд. от	қўш-ча, ф. яс., зам. ф-си, ётган	қўш-ча сўз ўзг., турд., эга- лик, III шахс бирлик

негиз, ясама нег. от,
турд. от

<i>га</i>	<i>суқлан</i>	<i>ар</i>	<i>ди</i>	<i>м</i>
қўш-ча, сўз. ўзг. турловчи, келишик, жўн. ке- лиш.	ўзак. феъл, II шахс, буй- руқ майли	қўш-ча, ф. яс., сиф-дош ф-си	қўш-ча, ф. яс., зам. ф-си, ётган	қўш-ча, сўз ўзг., турлов- чи, шахс-сор І шахс, бир- лик

Шундай қилиб, ҳар иккада гап морфологик таҳлилнинг икки босқичи бўйича (сўз таркиби бўйича ва сўз туркумлари бўйича) таҳлил қилинди: тўлиқ морфологик таҳлил амалга оширилди. Унинг баъзи хусусиятларига методик изоҳлар берамиз.

1. Отлар гапда доимо сон ва келишик шаклларига эга бўлади. Юқоридаги 2-гаんだ қатнашган от сўзлар дарё, кўклам, Олмазор белгисиз (қўшимчасиз) бўлса-да, аслида қаратиқч келишиги формасида қўллангап. Лекин таҳлилда буларниг асл шакли ҳисобга олинди (қўшимчалар қавс ичида кўрсатилди ва таҳлил қилинди.)

Худди шу каби қўшимчага эга бўлган, лекин маълум грамматик шаклда турган сўз шаклларини морфологик таҳлилда ёътиборга олиб, тўғри ва тўлиқ изоҳлашга алоҳида диққат қилиш зарур. Чунки сўзниг ҳақиқий морфологик шаклини тўғри аниқламаслик синтактик таҳлилда, айниқса, гап бўлакларини изоҳлашда хатоларга олиб келади.

2. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзларниг морфологик таркибини аниқланида унинг ҳозирги ҳолати ҳисобга олинади (этимологик таҳлил иккичи ўринда кўрсатилди). Масалан, юқоридаги мисолда **кўклам** ва **сукланардим**, **товланаётган** сўзлари ҳозирги ўзбек тили пуктаи назаридан яхлит бир сўз туюлади, тарихий таркиби унтилган. Аслида **кўклам** — **кўк+ла+м** қисмларига бўлинади, **кўк** ўзагига сўз ясовчи (фөъл ясовчи)-ла, бундан сўнг яна сўз ясовчи (от ясовчи)-м қўшилган. Натижада, «**кўкарувчи фасл**» маъносидаги от-сўз ясалган. Бу — сўзниг этимологик томони. Худди шунингдек, **сукланмоқ**, **товлаймоқ** феъллари ҳам **сук** ва тоб отига феъл ясовчи -лан қўшилшини натижасида ҳосил бўлган. Шундай килиб, сўзниг этимологик томони умумий морфологик таҳлилда ҳисобга олинмайди, лекин бетсан маҳсус этимологик кузатув сифатида ҳисобга олинади.

3. Морфологик таҳлилда қўшимчаларини тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлишини ҳам унутмаслик керак. Баъзан икки мустакил содда қўшимча бирлашган ҳолда яхлит бир грамматик маъно аинглатиб келади, уларни қисмларга ажратиш мумкин эмас. Юқоридаги мисолда -ётган (**товланаётган** сўзидаги) қўшимчасин мураккаб қўшимчадир. Бу қўшимча -ёт ва -тан қўнимчаларининг бир маъно аинглатиш асосида ясалган.

Энди морфологик таҳлилининг мураккаб томонларига

дан бўлган сўз туркумларининг ўзаро вазифадошлиги (бир туркум сўзининг иккинчи туркум вазифасида келиши) ва ёрдамчи сўзларни изоҳлаб бериш масалалари ҳақида тўхталамиз.

Масалан, морфологик таҳлил учун қуйидаги гап берилган бўлсин: Улғ/ай/иб йигит бўл/ди, оқ/у қора/ни тани/ди (*С. Аҳмад*).

<i>Улғ</i>	<i>ай</i>	<i>иб</i>	<i>йигит</i>	<i>бўл</i>	<i>ди</i>	<i>оқ</i>	<i>у</i>
ўзак,	қўши-ча,	қўши-ча,	ўзак,	ўзак, феъл қўш-ча	ўзак,	юклама	
сифат с. яс..		ф. яс.,	от турд.	II шахс	ф. яс.,	сифат,	
асл.си-ф.яс.,		рав-дош	от	буйруқ	зам. ф-си	асл.,	
фат		ф-си		майли	утг. зам	сифат	
					ф-си		

негиз, қўши-
ма нег. жуфт
сифат (от-
лашган)

<i>қора</i>	<i>ни</i>	<i>тани</i>	<i>ди</i>
ўзак, сифат, асл. сифат	қўши-ча, сўз. ўзг. турловчи келишик, туш. кел.	ўзак, феъл, II шахс, буйруқ май- ли	ўз- чи ф. яс.. зам. ф-си, ут. зам. ф-си

Кўринадики, юқоридаги гапда оқу қорани сўз формаси ўзига хос мураккаб семантик ва грамматик хусусиятларга эга. Биз сифатларнинг гапда асосан сифатловчи аниқловчи вазифасида келишини биламиз. Лекин гапдаги оқу қора жуфт сифати аниқловчи вазифасида эмас; унга тушум келишиги қўшимчали -ни қўшилган ва гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида қўлланган. Бунинг сабаби: оқу қорани сўзи от ўрнида қўлланганидир.

Мазкур сўзининг от сўзи ўрнида қўлланганини унга тушум келишиги қўшимчали (-ни) қўшилганидан, сўротининг алмашганидан (оқу қора — қандай?, оқу қорани — имани?) ва белги маъносини эмас, предмет маъносини билдираётганидан билишимиз мумкин.

Морфологик таҳлилда бундай хусусиятни — бир туркум сўзининг иккинчи бир туркум сўзи ўрнида қўлланишни алоҳида диққат билан аниқлаш ва изоҳлаш керак. Аввало, асл туркуми кўрсатилиб, сўнг қавс ичига шу сўзининг қайси туркум сўзи вазифасида келаётганини ёзib қўйши керак. Чунки морфологик ҳодисалар билан синтактик ҳодисаларнинг узвий боғлиқлиги бор. Гапдаги сўзларнинг грамматик шаклини, маъно ўзгаришлари ва

синтактик вазифасини түгри англамаслик грамматик таҳлили түгри амалга оширишга мөнелик қилади. Яна бир гапни таҳлил қилайлик:

1-босқич

*Ёмон/ни танқид/қил/а/ди, яхши/га тақлид қил/а/ди
(Мақол).*

2-босқич

<i>Ёмон</i>	<i>ни</i>	<i>танқид</i>	<i>қил</i>	<i>а</i>	<i>ди</i>	<i>яхши-</i>
ўзак, сп-	қўш-ча,	ўзак, от,	ўзак, феъл	қўш-ча	ўзак, сиф.	
фат, асл.	сўз,	ўзг., турд. от	II шахс,	ф. яс.,	ф. яс.,	асл. си-
лашп)	лиши,	туш	буйруқ	рав-дош	зам. ф.	фат (от-
кл.			майли	ф-си	ўтг. зам,	лаш)
					ф-си	
<i>га</i>		<i>тақлид</i>	<i>қил</i>	<i>а</i>	<i>ди</i>	
қўш-ча.,		ўзак, от,	ўзак, феъл,	қўш-ча	қўш-ча	
сўз, ўзг.,		:урд. от	II шахс, буй-	ф. яс..	ф. яс.,	
турл.,			руқ майли	рав-дош	зам. ф.,	
келинишк,				ф-си	ўтг. зам..	
жўи. кл.					фор-си.	

Таҳлилдан маълум бўладики, гандаги икки сўз ўз туркуми вазифасида әмас, бошқа туркум ўрнида қўлланган: ёмонни ва яхшига.

Ёмон ва яхши сўзларининг мазкур гапда от вазифасида эканини шу сўзлар қандай бўлаклар билан боғлангани билан, қандай сўроққа жавоб бўлаётгани билан, қандай маъно англатаётгани ва қайси туркум қўшимчаларини қабул қилгани билан изоҳлаш мумкин. Ёмонни ва яхшига сўз формаларининг гапда тўғридан-тўғри боғланган сўзлари тушган, аслида:

Ёмон одамни танқид қиласди, яхши одамга тақлид қиласди.

Аникловчи-аниқланмиш ҳолатидаги ёмон одамни ва яхши одамга бирималарининг аниқланмиш сўзлари (бўлаклари) одамни ва одамга гапда қўлланмаган: нуткӣ иктисад қилинган. Натижада, аниқланмини бўлак (одам) нинг маъноси, грамматик формалари ва вазифаси тўлиқ равишда аникловчиларга — ёмон ва яхши сўзларига ўтган.

Сифат сўзлар — ёмон ва яхши келинишк қўшимчалари билап биргаликда тўлдирувчи вазифасидадир. Биз биламизни, сифат сўзлар ўз туркуми ўрнида қўллансан, хеч қачон тўлдирувчи вазифасида келмайди. Сифатлар юқоридаги гапда от вазифасини қабул қилгани учунгина, тўлдирувчи вазифасида кела олган. Шундай қилиб, морфологик таҳлил билан синтактик таҳлил зич боғланган:

бири иккинчисини тўлдиради. Агар морфологик таҳлилда сўзларнинг вазифа алманишиувига, бошқа турқум вазифасида қўлланнишга аҳамият берилмаса, синтактик таҳлилда, айниқса, гап бўлакларини аниқлашда чалкашликларга йўл қўйишимиш мумкин.

Кўчиш барча турқум сўзлари орасида бор. Келтирилган мисолларда сифат от турқуми вазифасида қўлланган бўлса, от сўзлар сифат вазифасига кўчган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Мирзакаримбой — тулки одам*. (*Ойбек*) гапида *тулки* турдош оти барча белгиларига кўра сифат ўрнида қўлланган: сўроғи — қандай одам? Жонли предмет тушунчасини билдирувчи *тулки* сўзи гапда предмет белгисини билдирувчи сифат ўринда қўллангандир. Яна мисоллар:

1. Мўътабар атлас кўйлак кийиб олган эди.
2. Машинани тахта кўприкдан ўтказдилар.
3. Собиржон тилла соат сотиб олди.
4. Мис чойнакда сув тез қайнайди.

Ўзбек тилида сифатдош сўзлар ҳам от ва бошқа турқумлар ўрнида қўлланниши мумкин.

Кўр(ган)ни эшит(ган) енг(иб)ди. (Мақол)

<i>Кўр</i>	<i>ган</i>	<i>ни</i>	<i>ашит</i>	<i>ган</i>	<i>енг</i>	<i>иб</i>	<i>ди</i>
ўзак, кўши-ча,	кўши-ча	ўзак, кўши-ча,	ўзак,	кўши-ча	кўши-ча	кўши-ча	кўши-ча
фөъл, ф. яс.,	сўз. ўзг.	фөъл, ф. яс.,	фөъл,	ф. яс.,	ф. яс.,	ф. яс.,	ф. яс.,
соғ сиф-дош	турли.	соғ сиф-дош	соғ	рав-дош	зам.	рав-дош	зам.
фөъл	ф-си	келишик,	ф-си	фөъл	ф-си	ўтган	зам.
		түни. кел.					ф-си.

ўзак, фөъл, сифатдош
(от вазифасида)

ўзак, фөъл, сифат-
дош (от вазифасига)

Гаидаги ҳар икки сифатдош (*кўрганини ва эшитган*) от ўрнида келган. Белгилари:

1. Ҳар икки сифатдош келишик формасида (бири бош, иккинчси тушум).
 2. Сўроғи сифатдошники эмас, от сўзини: *кимниги?*, *кими?*
 3. Маъноси — белги эмас, предмет (жонли предмет): *Кўрганини эшитган енгибди*.
 4. Синтактик вазифаси — аниқловчи эмас, тўлдирувчи ва эга.
- Қўйидаги жумлада ҳам сифатдош сўзлар от турқуми вазифасида қўлланган:
- Билмагани сўраб ўрганган — олим (Навоий).*

МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ

<i>бил</i>	<i>ма</i>	<i>ган</i>	<i>ни</i>	<i>сўра</i>	<i>б</i>	<i>ўрган</i>
ўзак,	қўши-ча	қўш-ча,	қўш-ча	ўзак,	қўши-ча,	ўзак,
феъл,	ф. яс.,	ф. яс.,	сўз.	ўзг. И шахс,	ф. яс.,	феъл
И шахс,	фельлинг сиф-дош	турловчи, буйруқ		рав-дош	ф-сп	И шахс,
буйруқ	бўлишсиз ф-си	келишик, майли				буйруқ
майл	формаси	туш. кел.				майл

ўзак, сифатдош (отлашган сўз)

<i>ган</i>	<i>олим</i>	<i>(дир)</i>
қўши-ча	ўзак, от, турд.	кесимлик
ф. яс., сифатдош	от	кўрс., бел-
формаси		гисиз

сифатдош (отлашган сўз)

Бироздан сўнг тур-тур бошланди. (А. К.)

Гандаги бироздан (ўзаги асли равиш) ва тур-тур (феъл) сўзлари ҳам ўз туркуми вазифасида әмас, от вазифасида қўлланган. Асосий белгилари, аввалги гап таҳлилида кайд этганимиздек, от қўшимчаларини олгани, сўроги ўзгаргани ва от бажарадиган синтактик вазифада эканлигидир.

Тилимизда сон сўзлар ҳам бөзиқа туркум вазифасига кучиши мумкин:

Бири китоб ўқииди, бирни шахмат ўйнайди.

Гандаги бирни сўзлари от сўз ўрнида (вазифасида) қўлланган, гапда эга вазифасидадир. (Бундан ташқари, гандаги китоб ва шахмат сўзлари тушум келишиги формасида, лекин белгисиз қўлланган.) Яна мисоллар:

1. Ўн беш учга касрсиз бўлинади.

2. Олимларниң иккиси ҳам тунроқиунос әдилар (*Ойбек*).

3. Камирининг еттиси ўтгаидан кейин Олимбува дадамга учрабди.

(А. К.)

Ўзбек тилида ҳатто тақлид сўзлар ва бөгловчилар ҳам от ўрнида қўлланishi мумкин.

Масалан:

1. Болаларниң шов-шуви тииди. (*Газетадан*)

2. Қўшии қашлоқдан отларниң дуниур-дупури әминтилиб турарди. (А. К.)

3. Тўйга уч кун қолганда «лекинни» чиқиб қолди. (А. К.)

Равиш туркумига мансуб бўлгап сўзлар гапда баъзали спифат ва от туркумидаги сўзлар ўрнида қўлланишни мум-

кин. Таҳлил пайтида буидай хусусиятларни имкони қадар түлиқ изоҳлаб ўтиш керак. Масалан: *Кўпга чопган оздан қуруқ қолади* (*Мақол*).

Бу гапдаги *кўпга* ва *оздан* бўлаклари тўлдирувчи вазифасидадир, материали эса равиш — *кўп, оз*. Бу равишлар от ўрнига ўтгани сабабли отнинг грамматик белгиларини қабул қиласан: 1. Келишик қўшимчаларини олган. 2. Гапда ҳол эмас (равишнинг асосий синтактик вазифаси ҳол бўлиш), тўлдирувчи вазифасида келган. 3. Ҳаракат белгиси маъносини эмас, балки предмет тушиунчасини ифодалаган (мазкур гапда сифатдош сўз — *чопган ҳам* ўз вазифасида эмас, отлашгандир).

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ўзбек тили гап қурилишида сўз туркумлариаро вазифа алмашинув авчагина кенг тарқалган. Морфологик таҳлилда тилимиздаги мана шу хусусиятга алоҳида диққат билан қараш ва гапдаги сўзлар аслида қайси сўз туркуми ва қайси туркум вазифасида қўлланганини тўлиқ изоҳлаб бериш талаб қилинади. Бу нарса, ўз ўрнида, синтактик таҳлилни тўғри амалга оширишга замин ҳозирлайди.

СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Синтактик таҳлил — грамматик таҳлилнинг таркибий қисмидир. Грамматик таҳлилнинг бир қисми — морфологик таҳлил ўтказиш усули юқорида кўрсатилди. Ҳар иккала таҳлил усули бир-бирни билан боғланади, бири иккинчисини тўлдиради, аниқлади. Чунки грамматика морфология ва синтаксисни ўз ичига олади. Морфология — сўзнинг тузилишини, сўзнинг нутқда ўзгариш қондаларини, сўзларнинг туркумланишини ўрганса, синтаксис сўз биримасида ва гапда сўзларнинг бирпини йўлларини, гап тузилишни, турларини, гапнинг бўлакларга ажратилишини ўрганади. Кўринадики, грамматиканинг тенг ҳуқуқли, мустақил қисмлари бўлган морфология ва синтаксис бири иккинчиси билан узвий боғликдир.

Синтактик таҳлил сўз биримаси, гап ва гап бўлаклари бўйича ўтказилади. Синтактик таҳлилда тиниш белгиларининг вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Имтиҳон билетларида таҳлил учун ифода мақсадига ва тузилишига кўра турлича бўлган гаплар берилши мумкин. Гапларнинг аввало тузилишига кўра содда ёки кўшма гаплар эканлигини, ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ гап эканлигини аниқлаб олиш гапларни

тўлиқ синтактик таҳлил қилишнинг тўғри олиб борилишини таъминлайди. Масалан, берилган гап қўшма гап бўлса, унда икки ва ундан ортиқ кесим бўлади (уюшган кесим бунга кирмайди), кўпинча икки эга мавжуд бўлади, боғловчилар ва интонация содда гаплар (содда гап қисмлари) ни боялашга хизмат қилган бўлади; агар берилган гап содда гап бўлса, биргина фикр маркази мавжуд бўлади, кесим ҳам биргина бўлади (уюшиқ кесим бундан мустасно) ва ҳоказо.

Таҳлил учун берилган гап ифода мақсадига кўра буйруқ ёки сўроқ гаплар бўлса, шунингдек, шеърий парча бўлса, уларда гап бўлакларининг тартиби ўзгарган бўлиши мумкин, иккичи даражали бўлаклар (айниқса, тўлдирувчи ва аниқловчи) қўлланган бўлиши ҳам мумкин, тинни белгиларини қўллашда ҳам ўзига хос хусусиятлар бўлади.

Шундай қилиб, берилган гапни ифода мақсадига ва тузилишига кўра турини аниқлаб олиш сўз биримаси бўйича ва гап бўлаклари бўйича таҳлил қилишини осонлаштиради. Шунингдек, гапларнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра тури ҳам аниқланади.

Демак, имтиҳон билстида берилган гап, аввало, учнуқтаи назардан аниқлаб олинади:

1. Гапнинг ифода мақсадига кўра тури.

2. Гапнинг тузилишига кўра тури.

3. Ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра тури.

Синтактик таҳлил мазмунига кўра З хил бўлади.

а) гапда сўзларнинг боғланиши (сўз бирималари);

б) содда гап қурилиши;

в) қўшма гап қурилиши.

1. Гапда сўзларнинг боғланишига оид таҳлилда:

а) тенг ва эргаш боғланиш;

б) эргаш боғланишнинг турлари (мослашув, боштарув, битишув);

в) эргаш боғланишни ҳосил қилувчи воситалар (сўз формалари, кўмакчилар, сўз тартиби, оҳанг) аниқланади.

2. Содда гап қурилиши бўйича:

а) гапнинг ифода мақсадига кўра тури;

б) гапнинг тузилишига кўра тури: ёйиқ ёки йигиқ гаплиги;

в) бир бош бўлакли ёки икки бош бўлакли гаплиги; тўлиқ ва тўлиқсиз гап экаплиги;

г) гап бўлаклари ва уларнинг пфодаланиши аниқланади.

Бундан кейин гап бўлаги олиниб, маъноси, ифодаланиши, тузилиши, характеристи, қайси гап бўллагига боғланадиган ва қандай сўроққа жавоб бўлшиши таҳлил қилинади. (Қўшма гапларни таҳлил қилиш усули ҳақида кейнироқ тўхталамиз.)

СОДДА ГАП БЎЙИЧА СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Масалан: Инесон илм ва меҳнат билан баҳтли бўлади.

1. Гапда сўзларининг боғлашиши:

а) инесон баҳтли бўлади — эргаш боғланиш, мослашув, эга ва кесим мослиги; билим ва меҳнат — тенг боғланиш, боғловчи орқали; в) илм билан баҳтли бўлади — эргаш боғлашиш, бошқарув, кўмакчи орқали; г) меҳнат билан баҳтли бўлади — эргаш боғланиш, бошқарув, кўмакчи орқали.

2. Содда гап қурилиши бўйича:

а) ифода мақсадига кўра — дарак гап;
б) тузилишига кўра — содда гап, содда ёйиқ гап;
в) бош бўлакларниң иштирокига кўра — икки бот бўлакли гап;

г) тўлиқ ёки тўлиқизлигига кўра — тўлиқ гап;

д) гап бўлаклари аниқланади (дастлаб бош бўлаклар, сўнг иккинчи даражали бўлаклар аниқланади). Бош бўлаклардан, аввало, кесим аниқланади, чунки кесимиз гап бўлиши мумкин эмас, эга қатнашмаган гаплар бўлиши мумкин. Ўзбек тилида кесим кўпинча (одатда) гапнинг охирида жойлашган бўлади ва нима қилди?, нима қилияпти? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Юқоридаги гапда кесим нима бўлади? сўроғига жавоб бўлади: баҳтли бўлади. Сўнгра кесимга ким?, нима? сўроқлари берилиб, эга аниқланади. Юқоридаги гапнинг эгаси — инесон.

Иккинчи даражали бўлаклар гапнинг бош бўлакларига боғланади, уларни тўлдиради, аниқлайди, изохлайди. Шунинг учун ҳам улар «иккинчи даражали бўлаклар» дейилади. Иккинчи даражали бўлакларниң баъзилари, одатда, этага, баъзиларп эса кесимга боғланган бўлади, баъзан иккинчи даражалип бўлак бопиқа бир иккинчи даражали бўлакка боғланниб келади.

Юқоридаги гапда этага боғланган иккинчи даражали бўлаклар ўйқ, гапда барча бўлаклар кесимга боғланган. Иккинчи даражали бўлакларни аниқлаш учун эга ва кесимга сўроқлар берилади. Юқоридаги гапда этага боғланган бўлаклар бўлмагани учун фақат кесимга сўроқ-

лар берамиз: нима билан баҳтли бўлади? жавоб: илм билан ёа меҳнат билан. Џемак, билан кўмакчиси ҳам илм, ҳам меҳнат сўзига боғланиб, шу сўзларни кейинги сўз (баҳтли бўлади) билан грамматик муносабатга киритган. Илм билан ва меҳнат билан бўлаклари ҳаракат ўтган маъна маъносини ифодалагани учун тўлдирувчи вазифасидадир.

Гап бўлаклари бўйича таҳлилда гап бўлакларини турли чизиқчалар воситасида кўрсатиш ҳам мумкин (гап бўлаклари турли чизиқлар воситаси билан кўрсатилади): тагинаг тагига бир тўғри чизиқ (—), кесимнинг тагига иккى тўғри чизиқ (—), тўлдирувчининг тагига пунктир чизиқ (—), аниқловчининг тагига тўлқинли чизиқ (~), ҳолнинг тагига нуқтали узун чизиқ (. . .) чизиб кўрсатилади. Бу усул бошқача усууллар (чизмага солиб кўрсатиш, жадвал чизиб кўрсатиш, тенасига ёзиш ва бошқалар) га иисбатан энг қудай усул саналади. Лекин чизиқлар гап бўлакларининг ички хусусиятларини кўрсата олмайди (масалан, тўлдирувчининг турлари, аниқловчининг турлари, ҳолнинг маъло турлари каби). Шунинг учун бу усуудан фойдаланганда ҳар бир гап бўлагининг ички таснифини унинг тенасига ёзиб кўрсатиш билан изоҳни тўлдириши мумкин.

Масалан:

в -ли тўлд. в- ли тўлд.

1. Иисон илм ва меҳнат билан баҳтли бўлади. сиф.ан эга қар.ан, ҳоли -в-сиз тўлд.

Ғайратли болалар мактаб боғида мева тердилар. тердилар.

Гап бўлаклари бўйича таҳлилни ҳар бир гап бўлагини тик чизиқлар билан ажратиб, сўзлар воситасида изоҳланиш ҳам мумкин. Бунда ҳам гап бўлакларининг хусусиятларни тўла акс этади.

Масалаи:

Эрталабки	кучли	шамол	мактаб
аниқ-чи,	аниқ-чи,	ага, (от	аниқ-чи
сиф-чи аниқ.	сиф. аниқ.	б-и ифода-	кар. аниқ. (от
(сиф. б-и	(сиф. б-и	ланган)	б-и иф-ган)
иғ-ган)	иғ-ган		
боғидаги	даражатларнинг	меваларини	тўкиб юборди
ҳол, ўрин ҳоли	аниқловчи, қар	тўлдирувчи,	кесим, феъл
(от б-и иф-ган)	аниқ. (от	вос.сиз тўлд.	кесим, мураккаб кесим
	б-и иғ-ган)	(от б-и иғ-ган)	

Энди қуидаги гапни түлиқ синтактик таҳлил қила-
миз:

**Собиржон аканинг катта ўғли ҳунар мактабида ўқий-
ди.**

1. Гапда сўзларниң боғланиши:

а) ўғли ўқийди — эрг. боғланиш, мослашув, эга-кесим
мослиги;

б) Собиржон аканинг ўғли — эрг. боғланиш, мосла-
шув, қаратқичли мослашув;

в) катта ўғли — эрг. боғланиш, битишув, оҳанг орқали;

г) ҳунар мактабида — эрг. боғланиш, мослапшув, қа-
ратқичли мослашув;

д) мактабида ўқийди — эрг. боғланиш, бошқарув -да
қўшимчаси орқали.

2. Содда гап қурилиши бўйича:

а) дарак гап; б) содда ёйиқ гап; в) икки бош бўлакли
гап; г) тўлиқ гап; д) гап бўлакларини аниқлаш:

*Собиржон аканинг катта ўғли ҳунар мактабида
ўқийди.*

Синтактик таҳлил ўтказишда ибора ва ажralмас боғ-
ланмалар (эркин маъноли турғун боғланнислар) орқали
иғодаланган гап бўлаклари ҳақида жиддий ўйлаб иш
тутиш лозим. Ибора ҳам, ажralмас боғланмалар ҳам
сўзга тенг, бир тушунча (маъно) англатади, гапда бир
гап бўлаги вазифасида қўлланади.

Масалан:

1. *Подира ўша воқеани кўнглидан ўтказди.* (Газета-
даи.)

2. *Мулла Норқўзи олдидан келса тишлар, кетидан кел-
са тепар эди.* (А. Қ.).

3. *Тошкент Давлат дорилғунуни талабалари Туркия-
га жўнаб кетдилар.* (Газетадан)

Агар гаплардаги иборалар ва турғун боғланмаларни
ҳисобга олмай, уларнинг таркибидаги сўзларни алоҳида-
алоҳида гап бўлагига ажратиб юборсак, тамоман нотўғ-
ри-қилган бўламиз, бу сўзларнинг кўчма маънода ва мус-
тақил қўлланганини эътиборга олмаган бўламиз. Аслида
тўгри ва кўчма маъноли бундай ибора ва боғланмалар,
одатда биргина сўроққа жавоб бўлиб ўзи боғланган сўз-
га нисбатан яхлит ҳолда муносабатга киришади.

ГАП БЎЛАКЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ ҲАҚИДА

Маълумки, гап бўлаклари бўйича таҳлил бош бўлак-
ларни аниқлашдан бошланади. Эга ва кесим аниқланган-

дач сўнг уларга боғланган бўлаклар — иккичи дараҷали бўлаклар белгиланади. Масалан: Бу тепаликка чиқиши орқада қолган йўлниңг азобидан ҳам ортиқроқ бўлди ганида кесим — ортиқроқ бўлди. Кесимга ким?, нима? сўроқларини бериб, шу сўроққа жавоб бўлувчи бўлаклар аниқланади: бу — чиқиши сўзидир. Демак, чиқиши бўлали эга вазифасида. Чунки ким?, нима? сўроқлари фақат эгага тааллуқлидир. Шундан сўнг кесимга саволлар бериб, кесим гуруҳи, эгага саволлар бериб, эга гуруҳи аниқланади: нимадан ҳам ортиқроқ бўлди? — азобидан ҳам: демак, тўлдирувчи вазифасида, ниманинг азобидан ҳам ортиқроқ бўлди? — орқада қолган йўлниңг, демак, бу бўлак — аниқловчи. Бу гапда кесимга боғланувчи бўлак бешиқа йўқ, қолган иккичи дараҷалии бўлаклар эгага боғланган бўлиб чиқади.

Бу тепаликка чиқиши орқада қолган йўлниңг азобидан ҳам ортиқроқ бўлди.

Нимага чиқиши? — тепаликка, демак бу бўлак — тўлдирувчи, эгага боғланган; қайси тепаликка чиқини? — бу, демак, у аниқловчи: қайси?, қандай?, қанақа? каби сўроқлар аниқловчига, аниқроғи, сифатловчи аниқловчига берилади.

Шундай қилиб, гап бўлакларининг тури, одатда, бирбирига иисбат бериб аниқланади. Чупопчи, эга кесимга, кесим эгага иисбатан тўлдирувчи тўлдиришишга, ҳол холланишишга, аниқловчи аниқланмишга иисбатан тайинланади. Иисбат берилувчи асос бўлмас экан, у ёки бу бўлак ҳақида ганирини мумкни эмас.

Масалан, аниқланмиш бўлмас экан, аниқловчи ҳақида; кесим бўлмас экан, эга ҳақида ганириб бўлмайди. Гап бўлакларининг турини белгилашда синтактикалоқага киришувчи асосларнинг тури, шакли, бир-бирига иисбати, лексик-семантик хусусияти ва уларнинг синтактикалоқага киритувчи воситалар асосга олинади.

Тўғри, ганинг бўлакларига сўроқлар бериш усули билан аниқлаш баъзи жиҳатларидан ўзини оқлай олмайди. Масалан, Биз кетдик бўлмаса, хола. (*A. K.*) гапида биз ҳам, хола ҳам бир хил сўроққа, ким? сўроғига жавоб бўлади, лекин уларнинг биринчиси (биз) ганинг бўлаги — эга, иккичиси эса (хола) ганинг бўлаги ҳисобланмайдиган унсур — ундалмадир. Сўроқлар синтактикалоқага асосида боғланган сўзларнинг биридан иккичисига томон қўйилганда, улар ёрдамида ганинг бўлак-

Марини белгилаш мумкин бўлади. Бунда ундалма ва кириш сўзлар билан гап бўлакларининг чегараси аниқланади, лекин гап бўлакларининг турини белгилашда бу усулдан ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Масалан, *Соғлигимиз* — *бойлигимиз* (*Мақол*) мисолида гапнинг бўлаклари мавжудлигини сўроқлар ёрдамида аниқлаши мумкин, бироқ уларниң қайси бири гапнинг қандай бўллаги эканини сўроқлар воситасида аниқлаб бўлмайди. Чунки бу гандаги бўлакларниң ҳар иккovi бир хил сўроқга — нима? сўроғига жавоб бўлса ҳам, уларниң бири — эга, иккiniчиши — кесимдир.

Гапнинг бўлаклари маҳсус грамматик кўрсаткичларга эга бўлганда, сўроқлар уларниң турини аниқлаш учун ёрдам бериши мумкин. Масалан, гандаги бирор сўз (бўлак) кимни?, иимани? сўроқларидаи бирига жавоб бўлса, тўлдирувчи, воситасиз тўлдирувчи иима қилди?, иима қиласаи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлса, кесим деб кўрсатилади. Лекин бу гап бўлакларининг турини аниқлашдаги соғ амалий усулдир. Назарий изъатдан караганда, гандаги уёки бу сўз (бўлак) шундай сўроқларга жавоб бўлгани учун тўлдирувчи ёки кесим газифасида келётгани ўйқ, балки унинг ўзи тўлдирувчи ёки кесим бўлганидан ишундай сўроқларни талаб килаётпир.

Шундай қилиб, синтактик алоқа, унинг тури гапни бўлакларга ажратишда асосий омилдир.

Гапнинг бўлаклари орасидаги алоқа турли восита-лар билан ифодаланади: сўз шакллари орқали (сейдан сўради), ёрдамчи сўзлар орқали (манина билан тердик), тартиб ва интонация орқали (**ям-яшил далалар** — **далалар ям-яшил**).

Гап бўлакларининг турини аниқлашда кўпинча унинг грамматик шаклига эътибор берамиз. Тўгрп, қаратиқч келишиги шаклидаги сўз аникловчи, тушум келишиги формасидаги сўз эса тўлдирувчи бўлади. Бироқ ўринчайт, чиқини ва жўпалиш келишиклари шаклидаги сўзлар тўлдирувчи ҳам, ҳол ҳам бўлиши мумкин. Бундай вақтда гап бўлакларининг грамматик шакли уларниң турини белгилаш учун асос бўла олмайди. Гап бўлакларининг турини белгилашда синтактик алоқага киришувчи белгиларниң семантик хусусиятлари ҳам ҳисобга олининши керак.

Китоб завқ билан ўқилиши керак (ҳол).

Ноҳтани машина бинай териб олдик (тўлдирувчи).

Бўринида буюк ишлар элон бошланади (203).

Зұлфияда барча инсоний хислаглар бор әди (түлдірүвчи). Мисоллардаги бир хил шаклдаги (келиник шаклдаги) ва күмакчили гап бүлакларининг вазифаси бир хил эмас: бири — түлдірүвчи, бири — ҳол. Бундай фарқ ўша сўзлар (бүлаклар) иштегем семантик-сintaktik хусусиятлардан келиб чиқади ва турлича саволларга жавоб бўлади. Қиёслаб қўрайлик: юқоридаги биринчи гуруҳ мисолининг биринчисида **завқ билан бўлғаги қандайдай?**. қандайдарада? сўроқларига жавоб бўлади, демак, ҳол вазифасида, иккичи гашдаги машина билан бўлғаги эса **ни ма билан?** сўроғига жавоб бўлади — түлдірүвчи.

ГАП БҮЛАКЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТГА КИРИШМАЙДИГИ «БҮЛАК»ДАР ТАҲЛИЛИ

Сintaktik алоқа гап бўлакларининг аесий белгисидир. Бу нарса гапнинг бўлаклари билан ундалма, кириш гаплар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун имкон беради.

Ундалма, кириш сўз ва кириш гашдаги бошқа сўзлар — бўлаклар билан сintaktik алоқага киришмайди. Шунга кўра, улар одатда гапнинг бўлаклари ҳисобланмайди. Амалда кўпгина **абитуриентлар** ундалма ва кириш бўлакларини гап бўлғаги сифатида ҳисобланб, хотиқиладилар.

Агар имтиҳон билетида ундалма, кириш сўз ва кириш гаплар иштирок этган гаплар берилган бўлса, сintaktik таҳлилда уларга қандай ёнданиш керак? Қўйшда мана шу саволга жавоб берамиз.

Ундалма — сўзловчининг нутқи қаратилган, бошқа бир шахс ёки предметни ифодалаган сўз ёки **сўз бирикмасидир**. Ундалма бош келинишдаги от ёки от маъносидаги сўзлар орқали ифодаланиб, гапнинг умумий мазмунини тўлдиради, гапнинг кимга қарашли эканини кўрсатиб туради. Ундалманинг мана шу белгилари уни худди яхши вазифасидаги бўлак (сўз) га ўхнатиб туради.

Мисоллар:

1. Қизим, бўнақа йигитдан соечи бир марта келади! (O. Ёқубов)
2. Ҳой, қизим, қаёқда қолдинг? (A. К.)
3. Мен шошилаётганим йўқ, болам. (M. Ибр.)
4. Собир Умарович, сизнинг жонингиз ҳалқ учун, ватан учун керак (Яшин).

Гаплардаги ундалмалар ўзи қатнашган гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик муносабатга киришмайди-

гаи, сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодаловчи бўлаклар, холос.

Синтактик таҳлилда бундай гаплардаги ундалмаларга қуидагича ёндашилади:

Қизим, бунақа йигитдан совчи бир марта келади. совчи — эга; келади — кесим; бир марта — ҳол; миқдор — даража ҳоли: *бунақа* — аниқловчи, сифатловчи аниқловчи, *йигитдан* — тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи; *қизим* — ундалма.

Шундан сўнг ундалма гап бошида келса, ундан сўнг, гап охирида келса, ундан оддин ва гап ўртасида келса, ҳар иккى томонидан вергул билан ажратилини кўрсатилади.

Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини билдирган сўз **кириш** сўз дейилади. Кириш сўз гапнинг бошида, ичида ёки охирида келишин мумкин. Улар вергул билан ажратилади.

Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига қўшимча мулоҳазасини билдирган гап **кириш гап** дейилади. Кириш гап асосий фикрни тўлдириш, изоҳланиш учун қўлланади. Кириш гаплар вергул, тире ёки қавс билан ажратилади:

1. *Эҳтимол, Розия Сатторни сира ҳам учратмас.* (П. К.)

2. *Мен бу йигитчани (у Сулаймон аканинг ўғли бўлади) яхши танийман.*

Бундай гаплар таҳлилида кириш сўз ёки киритма гап — гап бўлаги сифатида эмас, алоҳида изоҳланади.

Имтиҳон билетида уюшиқ бўлакли гаплар ҳам берилishi мумкин. Бундай гапларни синтактик таҳлил қилишда бир хил вазифада бўлган бўлаклар уюшган ҳам, уюшмаган ҳам бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак. Масалан, бир гапнинг ўзида иккى ва ундан ортиқ кесим ва иккинчи даражали бўлаклар катнашган бўлиши мумкин:

1. **Қўшнинг тинч — сен тинч** (Мақол).

2. **Қўшнинг ҳам, сен ҳам тинч.**

Бу гапларнинг ҳар бирида иккитадан эга катнашган. Биринчи гандаги қўшнинг, сен сўзлари қўнимга талиният эгаси вазифасида, иккинчи гандаги қўшнинг ва сен бўлаклари эса содда гап таркибидаги уюшиқ бўлаклардир.

Биринчи гап — қўшма гап, у иккى мустақил (уюшмаган) кесимга эга: тинч. Иккинчи гап — содда гап, унда кесим битта, фикр маркази ҳам ягона.

Яна мисол:

Серчанг, сершовқин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб

борар эди. Бу гапда аниқловчи (сифатловчи аниқловчи) уюшган. Мана шу уюшиқ аниқловчиларнинг ҳар бирит аниқланмишга боғланиб, санаш оҳанги билан айтилади: *серчанг, сершовқин* сўзлари *кӯчаларда* тўлдирувчининг боғланган, санаш оҳанги билан ўқилади.

Лекин ўзбек тилида сифатловчи-аниқловчилар уюнимаган ҳолда ҳам кетма-кет келиши мумкин. Шунинг учун сифатловчи-аниқловчи кетма-кет келган бўлса, уларни уюшган деб баҳолашга шошмаслик керак.

Масалан:

1. Мактабимиз тўрт қаватли янги бинога жойлашган.

2. Бугун биз янги бадиий фильм кўрдик.

Бундай аниқловчилар уюшиқ аниқловчилар каби тенг ҳукуқли эмас, бири иккинчисига боғлиқ бўлади ва аниқланмишга боғланади, санаш интонацияси ҳам бўлмайди. (Эслатма: Уюшиқ бўлаклар ёзувда вергул билан ажратилади.)

Мазмун аҳамиятини таъкидлаш учун ажратиб айтиладиган гап бўлаги ажратилган иккинчи даражали бўлакдир. Синтактик таҳлилда бундай бўлакларнинг ажратилганилиги изоҳлаб берилиши керак:

1. *Ҳужайранинг ички тузилishiни ўрганиши учун анча мураккаб асобида, мисроскопдан фойдаланилади.*

2. *Аълочи ўқувчиларнинг, Аҳмад ва Маҳмуднинг, номи фарбилан тилга олинади.*

3. *Езда,айниска, июль ойида, ҳаво жудигисиб кетади.*

Ажратилган бўлаклар ёзувда вергул билан чегараларади. Ажратилган бўлаклар ўзи таъкидлаётган бўлакнинг шакли ва вазифасида бўлади, юқоридаги гапда ёзда бўлаки—ҳол, пайт ҳоли бўлса, ажратилган бўлак ҳам (июль ойида) худди шу шакл ва вазифададир.

Ўзбек тилида шундай гаплар борки, улар биргина сўздан иборат бўлиб, турли ҳис-туйғулар ифодаланаётган фикрга модал муносабатлар билдиради. Бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлакларни талаб ҳам этмайди, уларда бирор бўлакнинг «яширигани» ҳам сезилмайди. Улар олдин айтиб ўтилган фикрга экспрессив — модал муносабатларни ифодалайди. Булар сўз-гаплардир.

Сүз — гапларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг интонацияга эга бўлиши ва маълум ситуацияни, контекстни талаб этишидир.

1. Тасдиқ сўз — гап: — *Сиз келасизми?* — *Ха!*
2. Инкор сўз — гап: — *Сиз ҳам шундай ўйлайсизми?* — *Йўқ!*

ҚЎШМА ГАП ВУЙИЧА СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Таҳлил учун берилган гап тузилишига кўра қўшма гап бўлса, унинг қўшма гапнинг қайси турига кириши, шу қўшма гапнинг қисмлари (садда гаплар), ундан сўнг қўшма гап таркибидағи содда гапларнинг ўзаро боғланиш йўли аниқланади.

I. Боғланган қўшма гаплар қўйидагича таҳлил қилинади:

1. Қўшма гап таркибидағи содда гаплар ва уларнинг мазмун жиҳатдан боғланиши.

2. Содда гапларнинг боғланиш йўли, боғловчиларнинг тури.

3. Содда гаплар орасида қўлланган тиниш белгилар.

4. Гап бўлаклари.

Н а м у н а:

Урундан бойлар манфаат тоиди, аммо камбағаллар хонавайрон бўлди.

2) икки содда гап (қисм) бор: *урушдан бойлар манфаат топди, камбағаллар хонавайрон бўлди:* қиёсланг: зидлаш мазмун муносабати бор;

2) содда гап (қисм) лар ўзаро вергул билан ажратилган;

3) гап бўлакларини аниқлаш;

Урушдан бойлар манфаат топди. аммо *камбағаллар хонавайрон бўлди.*

II. Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар қўйидагича таҳлил қилинади:

1. Қўшма гап таркибидағи қисмлар ва уларнинг мазмун жиҳатидан боғланиши. 2. Қисмларнинг боғланиши йўли. 3. Қисмлар орасида қўлланган тиниш белгилари. 4. Гап бўлаклари.

Қаландаров сметани ўқимасдан овозга қўймоқчи бўлган эди, Саида унга мажлис раиси борлигини эслатди. (A. K.)

1) гандаги қисмлар (садда гаплар): 1. *Қаландаров сметани ўқимасдан овозга қўймоқчи бўлган* эди. 2. *Саи-*

да унга мажлис раиси борлигини эслатди қиёслаш мазмунин: 2) оҳаңг орқали боғланган; 3) оҳаңг ёзувда вергул билан ифодаланган; 4) гап бўлакларини аниқлаш:

Каландаров сметани ўқимасдан овозга кўймоқчи билан эди Санда унга мажлис раиси борлиги и эслатди.

III. Эргаш гапли кўшма гаплар қўйидагича таҳлил қилиниади:

1. Бош гап ва эргаш гап.
2. Эргаш гапининг тури.
3. Эргаш гапининг ўрини ва тиниш белгилари.
4. Эргаш гапининг боши гапта боғланини ўйли.
5. Гап бўлаклари.

Агар эргаш гапли кўшма гапининг таркибидаги содда гаплар иккidan ортиқ бўлса, уларнинг ҳар бирни шу тартибда таҳлил қилиниади.

Таҳлил памуаси:

Шунни билоб қўйинеки, дехқонлар бир жойда қотиб қолган раҳбарни ёқтирумайдилар. (С. А.)

1) билиб гап — дехқонлар бир жойда қотиб қолган раҳбарни ёқтирумайдилар; эргаш гап — шунни билоб қўйинеки; 2) тўлдирувчи эргаш гап; 3) эргаш гап гапининг боинида келган, боши гандан вергул билан ажратилган; 4) эргаш гап боши гапга -ки боғловчиси воситаспа боғланган; 5) гап бўлакларини аниқлаш:

Шунни билоб қўйинеки, дехқонлар бир жойда қотиб қолган раҳбарни ёқтирумайдилар.

ТАҲЛИЛДА СОДДА ГАН ВА ҚЎШМА ГАПЛАРИНИ ФАРҚЛАШ ВА ИЗОҲЛАШ ҲАҚИДА

Содда гап билан қўшма гап ўртасидаги асосий фарқ, биринчидан, уларнинг тузилишига кўра бўлса, иккинчидан, уларни ташкил этган қурилиш материалининг турлиигидадир.

Содда гап биргина фикрий бирликдан ташкил топади, қўшма гапда эса бир-бири билан узвий боғланган бир неча фикрий марказ бўлади. Содда гапининг қурилиш материали сўзлар ёки сўз бирикмалари бўлса, қўшма гапининг материали содда гаплардир.

Бирда ортиқ содда гаплар мазмуни та оҳаңг иш-ҳатдан биринчидан қўшма гапни ташкил этганда, шу содда гапларнинг мазмунин ва грамматик мустақиллиги ўзгариши — кўнинча биринчидан содда гап (қисем) мустақил-

лигини йўқотади. Қўшма гап қисмлари (содда гаплар) бир-бири билан боғлангандагина тўла мустақил гап ту-сига киради. Демак, қўшма гап алоҳида содда гаплардан эмас, балки мазмун ва грамматик жиҳатдан бири иккин-чисига боғлиқ қисмлар (содда гаплар) дан ташкил то-пади.

Содда гап билан қўшма гап ўртасидаги энг асосий ва муҳим фарқлардан яна бири шуки, содда гап биргина предикатив (фикрий) марказдан ташкил топади. Қўшма гапда эса бундай марказ камидан иккита бўлади.

Содда гапда бир ёки бирдан ортиқ уюшиқ кесим бир эгага ёки, аксинча, бир неча эга бир кесимга боғланаб, шу гапни ташкил этувчи асосий марказ саналса, қўшма гапда икки ёки ундан ортиқ кесим камидан икки эгага тобе бўлиб, қўшма гапни ташкил этади.

Масалан:

1. *Кишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси тир-тир эсмоқда* (Х. Нўъмон).

2. *Қўнғироқ чалинди ва дарс бошлианди.*

Биринчи гап — содда гап, иккичи гап эса қўшма гап, аникроғи, боғланган қўшма гапдир. Биринчи гапда бир фикр маркази бор, иккичи гапда икки фикр маркази мавжуд, яъни биринчи гапда эга ва кесим биттадан, иккичи гапда иккитадан.

Қўшма гап таркибидаги қисмлар бир-бираiga турли воситалар ёрдамида боғланади. Умуман, қўшма гап қисмлари ўзаро ёрдамчи сўзлар, нисбий сўзлар, сўз формалари, оҳанг ва тартиб каби воситалар ёрдамида биринади. Оҳанг боғланшишининг ҳамма турида иштирок этади.

Қўшма гап қисмларининг мазмун жиҳатдан муносабати, уларнинг тузилиши ва бириниши йўллари хилмажилдир. Шу жиҳатдан қўшма гаплар З турга бўлинади: **боғланган қўшма гаплар, бояловчисиз қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар**. Булар ҳақида бироз кейинроқ тўхталамиз.

Энди юқоридаги ҳар икки гапни синтактик таҳлил қиласиз. 1. *Кишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси тир-тир эсмоқда* (Х. Нўъмон).

1. Дарак гап. 2. Содда гап, икки бош бўлакли гап. 3. Ҳис-ҳаяжонсиз гап. 4. Кириш сўз ва ундалма йўқ. 5. Гап бўлакларини аниқлаш:

Кишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси тир-тир эсмоқда. Ташки тўриниш жиҳатдан бош кели-

шик формасида бўлган қишлоқ ва тонг бўлакларининг белгисиз қаратқич келишиги формасида эканлигига алоҳида эътибор талаб қилинади. Уларнинг шакли ўхшасада, бош келишикдаги сўзлар эмаслигини бажараётган синтактик вазифаси ва сўроқлари кўрсатиб туради: ниманинг устида? — қишлоқнинг устида, ниманинг шабадаси?

Кўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.

1. Дарак гап.
2. Қўшма гап, боғланган қўшма гап.
3. Хис-хаяжонсиз гап.
4. Кириш сўз ва ундалмалар йўқ.
5. Гап бўлакларини аниқлаш;

Кўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.

Дар икки ганини тузилишига кўра бир-бирига солиштириб кўрайлик: иккинчи гапда кесим ҳам, эга ҳам иккитадан. Тўгри, содда гапларда ҳам эга, кесим ва иккичи даражали бўлаклар икки ва ундан ортиқ ҳолда қатнашиб мумкин. Лекин тузилишига кўра содда гап бўлса-да, бир фикрий марказдан изборат бўлса — демак, бундай бўлаклар уюшган бўлаклар бўлиб чиқади. Иккинчи гапда эга ва кесим иккитадан бўлса-да, улар уюшган эмас, балки содда гапларнинг эгаси ва кесимирир, улар алоҳида фикр берувчи қисмлар (сада гаплар) ҳосил қилган.

ТАХЛИДА ҚУИМА ГАПНИНГ ТУРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ИЗОҲЛАШ

Боғланган қўшма гапларнинг ҳам, эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам қисмлари ўзаро боғловчи ёрдамида ва боғловчиларсиз бирикади.

Қўшма гап таркибидаги қисмлар ёрдамчисиз боғланганда, уларнинг боғловчисиз қўшма гап ёки эргаш гапли қўшма гап эканлигини ажратиш анча қийинлашади, чунки боғловчиларсиз бириккан эргашган қўшма гаплар тузилиш жиҳатидан боғланган қўшма гапларга ўхшаб кетади. Лекин унинг шаклини мазмуни билан узвий ҳолда олиб қарасак, эргаш гапли қўшма гап эканлиги аниқ сезилади.

Боғланган қўшма гап таркибидаги қисмлар ўзаро тенг боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги -да, -у (-ю) юкламалари воситасида боғланади. Унинг қисмлари бир-биридан оҳанг билан ажralиб туради, лекин бу оҳанг боғловчисиз қўшма гаплардаги ва эргаш гапли қўшма гаплардаги оҳангдан фарқланади. Масалал:

Дарвоза тарақлаб очилди-ю, қүшдек учиб раиса кирди. (Ү. Ү.) 2. Шу чөк баланд «ура» овози эшишилди ва қишилокқа кириб келдеётгап аскарларидиң күрниси. (А. К.)

Әргаш гапли қүшма гапларда ҳар бир содда гап мазмунан писбий мустакилдир. Ү содда гаплар бош гап ёки әргаш гап бўлишидан қатъи назар, бир-бирига мазмунан боғланади, бир-бирини изоҳлайди, аниқлайди. Әргаш гап бош гапга эргашади, бош гап эса мустакилдай кўринса-да, әргаш гап томонидан изоҳланади. Масалан:

1. *Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўткала ма (Навоий).*

2. *Онахон гап бошлигаганда, шовқин яна тинди (А. Мухтор).*

Олдинги ва кейинги мисолларни таҳлил қилишда шу қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабати, боғланиши йўллари ва воситаларига алоҳиди диққат қилиши зарур: қўшма гапнинг турлари мана шу асосда белгиланади.

Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлади, фикр ифодалаш нуқтаи назаридан ҳам мустақилликка эга бўлади.

Әргаш гапли қўшма гаплар ичидағи содда гаплардан бири — бош гап мана шундай мустақилликни сақлаган бўлак ҳисобланади, иккинчиси—әргаш гапда эса бундай белги кучензланган бўлиб, унда бош гапни тўлдириш, аниқлаш, изоҳлаш белгилари кучли бўлади. Әргаш гаплар бош гапни турли жиҳатдан характерлайди:

Дарвоза тарақлаб очилди-ю, қүшдек учиб раиса кирди. (Ү. Ү.)

Қўшма гап қисмлари тенг хуқуқли, лекин ҳар иккى қисм бириниб, қўзланган фикрни аниқлаштирган, қисмлар боғловчи (-ю юкламаси) воситасида боғланган.

Қиёслайлик:

Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўткала ма (Навоий).

1. Дарак гап. 2. Қўчима гап, әргаш гапли қўшма гап. 3. Шарт форма (-са) орқали боғланган. 4. Ундалма, кирини сўзлар йўқ. 5. Гап бўлакларини аниқлани:

Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўткала ма (Навоий). Шундай қисмиб, әргаш гапли қўшма гап қисмлари тобеланини (эргашиш) йўли билан боғланади: бир қисми (бош гап) тузилиши, шаклланиши

жиҳатидан мустақил содда гапга ўхшаш бўлади ва синтактик жиҳатдан бошқа бир қисмни (эрғаш гапни) ёки бир неча қисмни ўзига тобе қиласди. Эргаш гапли қўшима гап таркибидаги қисмлар ўзаро тобеловчилар — эргаштирувчи боғловчилар, сўз формалари ва нисбий сўзлар воситасида бирикади.

Содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз, фақат оҳанг билангина бирикаб, боғловчисиз қўшима гапни ташкил қиласди.

Боғловчисиз қўшима гап қисмлари боғловчили қўшима гап қисмларига нисбатан анча зич боғланади. Улар мустақил содда гаплар эмас.

Боғловчисиз қўшима гаплардаги қисмлар (сада гаплар) бир-биридан санаш оҳангига ўхшаш тугалланмаган оҳанг билан ажралиб туради. Бу оҳанг сабаб, чогишириш, шарт маъно қирраларини, воқеаларнинг кетма-кет ёки бир вақтда юзага келишини кўрсатади. Боғловчисиз қўшима гапларнинг синтактик жиҳатидан таҳлили қўйидагича амалга оширилади:

Масалан: *Тоғиниг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан* (*Мақол*).

1. Дарак гап. 2. Қўшима гап, боғловчисиз боғланган қўшима гап. 3. Қисмлари тугалланмаган оҳанг билан ажратилади: оҳанг воситасида боғланган. 4. Ундалма, кириш сўз ва киритма гаплар йўқ. 5. Гап бўлакларини аниқлаш:

Тоғиниг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан.

Боғловчисиз қўшима гапларнинг қисмлари, шу қисмларнинг мазмупи ва оҳангига кўра, вергул, икки нуқта ва тирелар билан ажратиб кўрсатилади. Таҳлил жараёнида тиниш белгиларининг вазифаси ҳам кўрсатилиши керак. Қўшима гапнинг қисмлари орасида сабаб мазмун муносабати бўлса, икки нуқта қўйилади: *Тонг яқинлашиб қолди, онда-сонда хўрзозларнинг қичқириғи эшишила бошлади*. (*С. З.*)

Воқеаларнинг кетма-кет ёки бир вақтда юзага келиши ифодаланса, қисмлар орасига тире қўйилади: *Сув келди — нур келди*. (*Мақол*)

Чогишириш, қиёслаш маънолари ифодаланса, вертул қўйилади: *Тоғиниг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан*. (*Мақол*)

Демак, боғловчисиз қўшима гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмуний муносабати оғзаки нутқда оҳанг орқали, ёзувда тиниш белгилари орқали ифодаланиади.

ИНШО ҚАНДАЙ ЕЗИЛАДИ?

Үқувчиларда ақлий ғаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришда оғзаки ва ёзма нутқ катта роль ўйнайды. Ёшларнинг нутқ маданиятини юксалтиришда ўқитувчилар жамоасининг, айниқса, тил ва адабиёт ўқитувчилари нинг роли катта. Тил ва адабиёт ўқитувчилари болаларнинг бадиий асарларни мунидазам ўқиб, уларга бўлган ўз муносабатларини ёзиб боришларига раҳбарлик қилидилар. Чунки бадиий адабиёт ёшларнинг лугат бойлигини оширади, уларни бадиий асар устида фикрлашга, асарни чуқур муҳоммада қилишга, халқ тилининг битмас-туганмас бойлигидан фойдалана олишга ўргатади. Тил ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини ривожлантиришда ишо алоҳида аҳамиятга эга.

Ўрта мактабни тамомлаган ёшларнинг олий ўқув юртларига кириш учун ёзган иншоларини ўқир эканмиз, уларнинг фикрлаш доираси торлиги, ўз фикрини мустақил, равон баён қила олмаслиги, бадиий асарни чуқур муҳоммада қила билмаслиги, она тили грамматикаси қонун-қоидаларини билмаслиги, мукаммал режа туза олмаслиги каби қатор камчиликларга дуч келамиз.

ИНШО ТУРЛАРИ

Юқори синфларда ёзиладиган иншолар шартли равиша уч гурухга бўлинади: 1. Адабий мавзудаги иншо. 2. Адабий-ижодий иншо. 3. Эркин мавзудаги иншо. Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида мана шу уч гурух бўйича иншо мавзулари тавсия этилади.

АДАБИЙ МАВЗУДАГИ ИНШО

Аввало, ўн бир йиллик маълумотга эга бўлган ёшлар мавзу, ғоя каби тушунчаларни тўлиқ ўзлаштирган бўлишлари керак. Ғоя адабий асар мазмунини ифода этувчи умумлашган образли фикрdir. Мавзу асарда ифодаланган воқеа-ҳодисадан иборат.

Адабий мавзудаги иншоларнинг ҳам бир неча турлари мавжуд:

1. Бадиий асардаги етакчи бир образга тавсиф (масалан, «Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Анвар образига тавсиф»).
2. Бир гуруҳ образларга тавсиф («Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги меҳнаткашлар образига тавсиф»).
3. Қиёсий тавсиф («Йўлчи ва Мирзакаримбай образларига қиёсий тавсиф», «Бой ила хизматчи» драмасидаги Фофир ва «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи образлари-

га тавсиф», «Бой ила хизматчи» драмасидаги Гоғир ва Холмат образларига қиёсий тавсиф»).

4. Ёзувчи ижодий фаолиятини, унинг ижодидаги етакчи ғояни таҳлил қилувчи иншолар («Алишер Навоий — буюк хамсанавис», «Фурқат — маърифатпарвар шоир», «Ойбек — атоқли насрнавис»).

5. Адабий асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлариниң таҳлил қилувчи иншолар («Бобур лирикасида муҳаббат, дўстлик, ватанпарварлик ва илмга эътиқод ғояларининг куйланиши», «А. Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» ҳикоясида ватанпарварлик ғоясининг ифодаланиши»).

Ўрта мактабни тугатган ёшлар бадиий образларнинг ўзига хос тақрорланмас хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш малакасига эга бўлишлари керак. Кўп ҳоллардаabituriyentlar бадиий образларнинг ижтимоий моҳияти-гагина эътибор бериб, асарни жўн таҳлил қиласидилар. Асарнинг, образнинг ўзига хос хусусиятлари, портрет, тил, ёзувчининг образ, манзара яратишдаги маҳорати каби масалалар ўқувчи эътиборидан четда қолади. Натижада Гоғир ва Йўлчи, Жамила ва Гулнор, Мирзакаримбой ва Солиҳбой, Ёрмат ва Холмат каби образлар ўртасида фарқ сезилмай, очилмай қолади.

АДАБИЙ-ИЖОДИЙ ИШЛО

Иншонинг бу тури ёшларда ижодий ишга, адабиёт ва санъатга ҳавас уйғотишда катта аҳамиятга эга. Адабий-ижодий иншоларга синфдан, мактабдан ташқари мустақил ўқилган асарлар асос қилиб олинади. Адабий-ижодий иншолар турига қўйидаги мавзуларни киритиш мумкин: «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан олган таассуротларим», «Абдулла Орипов — мен севгани шоир», «Нима учун мен Эркин Воҳидов шеъриятини севаман?», «Ўзбек насрининг ўгу кунлардаги камоли» ва бошқалар.

Адабий-ижодий турдаги иншолар муваффақиятини таъминлайдиган омиллардан бириabituriyentning қизиқиши доирасига мавзунинг мос келишидир. Бу мавзуда ишо ёзишabituriyentdan адабиёт ҳақида катта билим, айниқса, бадиий адабиётга нисбатан юксак ҳавас талаб қиласиди. Бунинг учун у бадиий асарлар билан бир қаторда, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда яратилган асарлардан ҳам хабардор бўлиши керак. Адабий-ижодий мавзуларда кўпроқ машқ қилиш ёшлар бадиий тафаккурининг такомилида, уларни адабий ижодга жалб

қилишда, «қўлга қалам олиб ишлашга» ўргатишида мұхим роль ўйнайды.

ҲАЕТИЙ КУЗАТИШЛАР АСОСИДАГИ ИНШОЛАР

Иншо турларидан яна бири ҳаётий кузатишлар асосидаги иншолардир. Мактаб фаолиятида ҳаётий кузатишлар асосидаги иншолар кўпроқ эркин мавзудаги ёки публицистик мавзудаги иншолар деб юритилади. Бундай мавзуда иншолар ёзнига алоҳига аҳамият бериш керак. Чунки улар дастур характеристидаги адабий иншоларга ишебатан анта мустақиллекини, қундалик матбуотдан хабардорликни, кенг билим савиясини талаб қиласди. Лекин ўрта мактабларнинг ююри спиғ ўқувчиларини эркин фикрлашга, мустақил ёзнига ўргатувчи иншонини бу турига жуда кам эътибор берилади. Бу ўзбек адабиёти ва тили фани учун ажратилган соатлар микдорининг камлиги билан изоҳланади.

Олий ўқув юртига кириши имтиҳонларида кўпроқ учинчи мавзу сифатида ижтимоий-ахлоқий, фуқаролик масалаларни ёритишга бағишиланган публицистик характеристидаги мавзулар берилади. Эркин мавзуда ёзиладиган иншоларда, биринчи навбатда, бадпийлик, ёзма нутқининг равонлиги, образлилик талаб қилинади. Иншонинг бундай турига буюк ёзувчилар ва давлат арбобларининг ҳикматли сўзлари, гўзал шеърлардан келтирилган характеристли парчалар мавзу қилиб олиниши мумкин. Масалан: «Инсон — бу магрур жаранглайди» (М. Горький), «Ўзбекистон — Ватаним маним» (А. Орипов), «Ҳеч ким, ҳеч нарса унуптимайди», «Тинчлик — инсонларнинг асрий орзуси» кабилар.

ИНШО УСТИДА ИШЛАШ

Олий ўқув юртларининг тайёрлов бўлимларида бадиий асарни ўрганиш ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади. Ўқитувчи ҳамма вақт тингловчилар нутқини кузатиб бориши, сўзларни, халқ ибораларини қўллашда йўл кўйиладиган камчиликларни тузатиши, улар нутқини ўрнисиз ишлатилган сўзлардан, шева элементларидан тозалаб бориши зарур. Бадиий асарни ўқиши, таҳлил қилиш жараёнида образли ифодаларга алоҳига аҳамият берини керак, чунки тингловчи иншониниң яконли, образли, таъсирчан бўлишида бадиий асар халқи тувишчи роль ўйнайди.

Асар тили, бадиий хусусиятлари устида ишлапда

портрет, манзара, персонажлар нутқига катта эътибор бериш зарур. Ҳақиқатан ҳам, портрет, манзара, персонажлар нутқи жонли кишилар образини яратишида катта имкониятлар яратади. Бундай масалаларни таҳлил қилиш тингловчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириши билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Тайёрлов бўлимларининг тингловчилари фақат бадиий асарни ўқиши билангина чекланмасликлари керак. Улар бадиий асарлар юзасидан эълон қилинган илмий китоблар, мақолалар билан ҳам таниш бўлишлари лозим. Ўқувчиликлар илмий асарлар, дарслик ва қўлланмаларни ўқинётганларидаги қўйидаги масалаларга алоҳида аҳамият беришлари керак:

1. Бадиий асар ҳақидаги шахсий фикри билан илмий асар муаллифи фикр-мулоҳазалари ўртасидаги умумий ва фарқли томонларни аниқлаш ҳамда бадиий асарни баҳолашда ким ҳақлиги тўғрисида фикр юритиш керак.

2. Илмий асар, қўлланма ва китобдан олган зарур фикрларни адабиёт дафтарига ёки маҳсус дафтарга ёзиб бориш керак.

3. Ўқилган илмий асарнинг номини, муаллифини, нашр қилинган вақти ва жойини, жуда ёқсан фикрларни ёзиб бориш ва ишо ёзиш вақтида ундан кўчирма спфатида фойдаланишга одатланиш керак.

4. Ишо ёзиш вақтида ўқилган китобга қараш, ундан кўчпирб олиш тўғрисида асло ўйламаслик лозим, акс ҳолда ишо ўзининг асосий қийматини йўқотади.

Ишо ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда, уларни ақлий меҳнатга ўргатишида, бадиий ижодга интилиш уйғотишида, ҳикоя, очерк, шеърлар яратишига интилишининг вужудга келишида ниҳоятда катта роль ўйнайди. Адабий мавзудаги иншолар ўқувчиларни санъатдаги гўзалликни ҳис қилишга, бадиий асарни син-чиклаб ўқишига ва ундан эстетик завқ олишга ўргатади.

Ўқувчиларни ишога тайёрлашдаги омиллардан бирин ўқитувчининг баёнидир. Ўқитувчи ўқувчиларни дарс давомида маърузани ёзиб боришга ўргатиши лозим. Чунки, ўқитувчи бирор мавзу устида гапирав экан, мавзуни асослашга, асосий қисмларни қўшимча адабиётлардан карактерли парчалар келтирган ҳолда, аниқ, равон ёритиб беришга, тегишли хуносалар чиқаришга алоҳида аҳамият беради. Бунинг учун ўқитувчи дарсга ниҳоятда пухта тайёргарлик кўриши, мавзунинг режасини доскага ёзиб қўйиши ёки айтиб туриши ва режа асосида маъруза

қилини, ўқувчиларнинг савиясига тўғри келадиган қўшимча адабиётлар тавсия қилиши керак. Уларни фатъат иншодагина эмас, дарсда ҳам режа асосида оғзаки жавоб беришга ўргатиш керак.

Иккинчидан, ўқувчилар уйда ўқитувчи маъruzаси, дарслик ва қўшимча адабиётлар асосида алоҳида конспект тузадилар ва ўқитувчига топширадилар. Ўқитувчи бундай конспектларни эътиборсиз қолдириши асло мумкин эмас, аксипча, назорат қилиб бориши, уларнинг ютуқ ва камчиликларини мунтазам равишида кўрсатиб туриши керак. Ўқитувчининг маъruzасини ёзаб бориш, дарслик ва қўшимча адабиётларни конспектлаштириш, албатта, иншо ёзишга ўргатишда ижобий натижалар беради. Шуни унутмаслик керакки, иншо ёзишдаги бу усул ўқувчиларни, айниқса тайёрлов бўлимлари тингловчиларини талабаликка тайёрлашда, олий ўкув юти семинарларига тайёргарлик кўриш, келгусида ўқитувчи маъruzасини ёзаб бориш, қўшимча илмий адабиётлар устида ишлаш, курс ва диплом ишлари ёзиш каби масъулиятли масалаларга тайёрлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатишдаги асосий омиллардан учинчиси иншо учун китоблардан материал тўплашdir. Иншо мавзуси бўйича ўқувчиларга кўпинча адабиёт, дарслик, маъмуна тавсия қилинади экан, улар мавзуга оид материалларни ўқиб, энг кераклисини, асосий ўринларини танлаб ола билиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу мураккаб иш бўлиб, ўқувчидан кўп ўқишни, ўз устида мустақил ишлашни талаб қиласи. Шундай ўқувчилар борки, улар асар парчаларидан ўринли фойдалана олмайдилар ёки иншода келтирган кўчирмалари айтмоқчи бўлган фикрни исботлашга ҳеч қандай ёрдам бермайди. Бундай камчиликларни бартараф қилиш учун: а) ўқувчиларни бадиий асарни тўлиқ ўқишга ўргатиш; б) маҳсус дафтар тутиб, энг керакли ўринларини қисқа ёзаб боришга одатлантириш; в) келтирилган адабий ёки илмий парчаларни олдин айтилган фикр билан боғлашга, ўз муносабатини билдира олишга ўргатиш зарур.

Иншо учун тўпланган материаллар иншо режаси моддалари билан мантиқан боғланган ҳолда гуруҳлаштирилади. Материални гуруҳлаштириш бевосита иншога режа тузиш билан боғланади.

Тўртингчи асосий масала, иншога режа тузишdir. Режа иншонинг асосини ташкил қиласи. Режа тузишга ўргатиш иншо ёзишга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун ишо режасига алоҳида масъулият билан қараш лозим. Режа содда ва мураккаб бўлади. Мақтабпинг юқори синғларида режанинг ҳар иккала тури ўргатилади, аммо мураккаб режа асосида ишо ёзиш бўйича кўпроқ таълим берилади. Ишо режаси, асосан, З асосий қисмдан иборат бўлади: кириш, асосий қасм ва хулоса. Учала қисм ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, иншонинг тўла мазмунини ўз ичига олади.

Ишо ёзишда мустақиллик катта аҳамиятга эга. Адабий мавзудаги ишо ўқувчини мустақил фикрлашга, бадиий асарни чуқур муҳокама қилишга, асарининг гоясини тўғри тушунишга, сўз санъати — адабиётни ҳис қилишга ўргатади. Шунинг учун ишо ёзиш жараёнидаги ўқувчининг китобдан кўчиришига, дарслидаги парчани ҳикоя қилиб беришига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ўқитувчи ишо мавзуларини, айниқса, уй ишоси мавзуларини қолишга тушиб қолган, андаза тусини олган («Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод образига тавсиф», «Муқимий сатира-ларида маҳаллий амалдорлар образи». «Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасидаги Зайнаб образи» каби) мавзулардан ташқари, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, бадиий асар ҳақидаги ўзининг шахсий муносабатларини билдиришига мажбур қиладиган адабий-ижодий («Ҳофир ва Йўлчи образларининг менда қолдирган таас-суротлари», «А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасидаги Санда образига ёшларнинг муносабати», «Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасини ўқиб...», «Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидан олган таас-суротларим» каби) мавзуларни танлаш ижобий натижалар беради. Албатта, ёзма ишлар силсиласида маълум ўринни образлар тавсифи эгаллаши керак, лекин ишполар силсиласини фақат образлар тавсифи билан чеклаб қўйиш хатодир. Мақтаб дастурига кирган бадиий асарлар тили, бадиий хусусиятлари ёки ёзувчи ва шоирнинг бадиий маҳорати масалаларига багишланган мавзулар ҳам ёшларда мустақил фикрлашни талаб қиласди. Бунинг учун улар мавзуга багишланган асарларни ўқийдилар, ёзувчи ва шоирнинг юксак бадииятини кўрсатувчи адабий парчалар, далиллар танлайдилар, ёзувчининг халқ оғзаки ижодига, ўзидан олдин ўтган бадиий сўз санъаткорларига муносабати каби масалалар устида мустақил фикр юритадилар. Дастреб бундай мустақил ишлар ўқитувчи кутганидек ижобий натижка бермаслиги мумкин. Лекин бун-

дай иш ўқитувчи раҳбарлигига мунтазам олиб борилгандахина, тингловчилар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўз вақтида кўрсатилиб, тўғри йўл-йўриқлар белгилаб борилгандахина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Иншо ёзишга ўргатишида ўқитувчининг нутқи катта аҳамиятга эга, яъни ўқитувчи нутқи равон, силлиқ, информали, шева элементларидан холи бўлиши керак.

Ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатишининг муҳим омилларидан яна бири бадиий асар матни устида ишланидир. Ўқитувчи ўқувчиларниң мустақил ишлашлари учун маълум мавзу бўйича режа тузиз келади. Мавзу, режа доснага ёзиб қўйилади ёки ўқувчиларга айтиб турилгандан кейин ўқитувчи режанинг ҳар бир моддасини асар матнидан келтирилган парчалар асосида изоҳлаб беради. Ўқитувчи маърузаси изчил, ашиқ, бадиий асардан келтирилган парчалар мақсадга мувофиқ бўлмаса, иншо муваффақиятли чиқмайди. Ўқитувчи режа моддаларини асослаш учун бадиий асардан мисоллар топтиради, уларни адабиёт дафтарига жадвал қилиб ёздиради ва иншо ёзишда бу адабий парчалардан фойдаланиш тоширилади. Ўқувчиларни мустақил ишлатиш учун иншо ёзиш вақтида бадиий асар матнидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатишида она тили дарси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Она тили дарси ўз олдига ўқувчиларни саводхон қилиш, уларни эркип фикрлашга, фикрини равон, образли қилиб ифодалашга ўргатишни вазифасини ҳам қўяди. Ўқувчилар лугат бойлигининг мукаммаллашувида, нутқининг ифодали бўлишида синоним сўзлардан, ҳалқ ибораларидан, мақоллардан, ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланишга ўргатишида она тили фани катта роль ўйнайди.

Ўқувчиларни иншо устида ишлапга ўргатиш бутув педагогик жараённинг энг мураккаб қисмини ташкил этади. Бу ишнинг муваффақиятли бориши учун иншо ёзишга тайёргарлик, унинг таҳлили ва ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар устида ишлашини мунтазам равишда олиб бориш лозим. Иншо ёзиш учун зарур бўлган умумий фикр-мулоҳаза ва далилний материаллардан ташқари, ўқувчининг иншо ёзиш малакасини қандай эгаллагани ҳам маълум даражада аҳамиятлидир. Шу нуқтани назардан ўқитувчиининг адабий мавзуга багишланган, чукур тайёргарлик натижаси ҳисобланган маъруза — оғза-

ки иштиси үқувчи учун қатта намунадир. Режани асосли ёритиш, ўз фикрини үқувчиларга ўтказиш ва унинг тўғрилигини исботлаш, айтилган фикр-мулоҳазалардан мантиқий холосалар чиқариш каби мураккаб масалаларни үқувчилар ўқитувчи нутқи орқали ўрганаётган. Бунинг учун, биринчи навбатда, үқувчиларни ўқитувчи маъсуда си бўйича конспект тузишга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

КОНСПЕКТ

Конспект лотинча «conspiculus» сўзидан олингап бўлиб, асар ёки маъруза мазмунини қисқача ёзиш демакдир. Конспект тузиш ўқилган асарни чуқур ўзлаштириш учун хизмат қиласди, конспект тузувчидан ўрганаётган масала юзасидан фаол фикрлашни талаб қиласди. Инсон ўқиган ва чуқур ўзлаштирган масалаларни ҳамма вақт хотирасида тўлиқ сақлаб қолиши мумкин эмас, вақт ўтиши билан кўп нарса хотирасидан кўтарилади. Шунинг учун ҳам ўқилган асарни конспектлаштириш, шу билан бирга, хотирани тарбиялаш инсон маънавий ҳаётида катта аҳамиятга эга. Оддий ўқишида фақат кўз хотираси иштирок этади, баъзилар эшитганинни хотирада узоқ сақлаб қолиш мақсадида овоз чиқариб ёки ярим овоз билан, яъни эшитиб ўқийдилар. Лекин бу усуслар ўқигапларини узоқ вақт хотирада сақлаб қолиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Хотирани тарбиялашда конспектлаштириш катта роль ўйнайди. Конспект тўғри, мақсадга мувофиқ тузилгандагина ўз олдига қўйилган вазифапи тўла бажаради. Конспектнинг яна аҳамияти шундаки, кейинчалик ўз конспектини кўриб чиқиш билан аввал ўқилган асарни тўла хотирага келтириш мумкин. Бунинг учун чуқур ўйлаб тузилган конспект қисқа бўлиши, шу билан бирга, ўқилаётган асарнинг тоявий мазмуни ва фазилатларини ўз ичига олиши керак. Конспект асар устида ишлашнинг режа, тезис тузиши, асардан кўчирма олиш каби турларини ўз ичига олади. Ўйлаб тузилган пухта режасиз яхши конспект ёзиш мумкин эмас. Конспектни анча кенгайтирилган тезисга тенглаштириш мумкин. Шу билан бирга, конспект асарнинг энг характерли ўринларидан олингап кўчирмаларни ҳам ўз ичига олади.

Үқувчиларни бадиий ва илмий асарлар бўйича конспект тузишга ўргатиш ишто ёзишга тайёргарликнинг ажралмас қисмидир. Конспект тузиш ўқувчиidan катта

малака талаб қилувчи ижодий жараён бўлиб, унинг мантиқий фикрларш қобилиятини ривожлантиради. Конспект тузиш жараёнида ўқувчи режа моддаларини исботловчи адабий парчалар танлайди ва тузилган конспект режа моддалари асосида гуруҳлаштирилади. Айниқса, илмий мақолаларни, бадиий асарларни конспектлаштиришга ўргатиш ва иншо ёзиш вақтида бу конспектдан фойдаланиш иншонинг мукаммал чиқишини таъминловчи омиллардан биридир. Конспектлаштириш ўқув материалларини мукаммал ўзлаштиришда, узоқ вақт эсда саклаб қолишида ҳам катта аҳамиятга эга. Китоблардан парчалар олганда қўйидагиларга эътибор бериш керак: олинган парча тугал фикрни ифодалаган бўлиши, қайси манбадан олинганлиги кўрсатилиши керак. Парчани бирор илмий асадардан, мақоладан кўчириб олишдан мақсад ўз фикрини бирор эътиборли мутахассиснинг сўзлари билан исботлашдан иборат. Олинган кўчирма ниҳоятда катта бўлмаслиги, қисқартириб олинган вақтда тушириб қолдирган жойларга уч нуқта қўйиш, кўчирмаларни қўштириноқ ичига олиш ва парча олинган манбани кўрсатиб ўтиш зарур. Китобларни, мақолаларни ва асар матнини конспектлаштириш жараёнида ўқувчи биринчи даражали (асосий) далилларни ажратса олиш малакасини ҳосил қиласди ва ўқитувчи маъruzасини конспектлаштириш учун замин яратади. Асарни конспектлаштириш ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда, унда китоб устида ишлаш малакасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

ТЕЗИС

Иншо ёзиш малакасини мустаҳкамлашда тезис ҳам катта аҳамиятга эга. Тезис тузишга ўргатиш IX синфдан бошланади. Иншо ёзишга ўргатишнинг бу босқичи бадиий асар ёки матнининг мазмунини жуда қисқа ва энг асосий фикрларни қоғозга туширишга ўргатиш вазифасини ўз олдига қўяди. Тезис тузиш иншо ёзиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Тезис режа ва конспектдан анча фарқ қиласди. Режа ўрганилаётган асарда илгари сурилган тадрижий масалалар рўйхатини ўз ичига олади, лекин унда асарнинг асосий мазмуни, масалалар моҳияти очилмайди. Тезис эса асарнинг асосий мазмуни, ўртага ташланган масалалар моҳиятини, асар муаллифининг мантиқий хуолосаларини қисқа ва лўнда ифодалайди. Тезис тузиш жа-

раёнида ўқувчи асардаги әнг муҳим гояни ажратиб олишга, ўз фикриниң қисқа, аниқ ифодалашга ўрганади. Тезис тузиш ўқувчининг маънавий тақомилида, китоб устида мустақил ишлаш малакасининг ҳосил бўлишида, мантиқий фикрлаш, ўз фикрини аниқ, лўнда ва ифодали баён қилиш кўникмасининг шаклланиши ва ривожланшида муҳим воситадир. Тезис тузиш оғзаки ва ёзма нутқ маданиятининг юксалишига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Тезис тузишдан олдин асар катта эътибор билан ўқиб чиқилади. Асар гоясини тўла тушуниб етгач, уларни тадрижий моддалар асосида ифодалаб чиқиш керак.

Тезис — иншода ёзилиши керак бўлган фикр-мулоҳазанинг қисқача ифодаси. Иншо муаллифи тезисда қўйилган фикрни иш ёзиш жараёнида асар матнидан парчалар (цитаталар) келтирган ҳолда исботлайди, ривожлантиради, мунозарали қарашларни ўртага ташлайди. Режада бўлгани каби тезисда ҳам қўйилган фикрлар бир-бири билан мантиқан боғланган бўлади.

Тезисга хос белги-хусусиятлар:

- а) тезис асар, мақола ёки парчанинг асосий мазмунини қамраб олиши;
- б) конспектга нисбатан апча қисқа бўлиши;
- в) унда асар муаллифининг фикри ниҳоятда аниқ ифодалангап бўлиши;
- г) тезисдаги фикрлар бир-бири билан мантиқан боғланган бўлиши керак.

Тезиснинг конспектдан яна фарқли томони шундаки, асарни биринчи бор ўқищаёқ конспектлаштириш мумкин. Тезисни бир ўқиш давомида тузиб бўлмайди. Асар ўқиб чиқилгандан кейин биринчи ва иккинчи даражали далилларни аниқлаш ҳамда иншо мавзуи талаби асосида уни тезислаштириш керак бўлади.

КЎЧИРМА

Кўчирма китоб устида ишлашнинг ўзига хос шаклидир. Ўрганилаётган асарнинг әнг керакли ўринлари цитата шаклида мумкин қадар аниқ, сўзма-сўз кўчириб олинини ёки ўқувчининг ўз сўзлари билан ёзиб олининиши кўчирма ҳисобланади. Кўчирма олиш учун аввал асарни тугал ўқиб чиқиш шарт эмас, асарни ўқиш жараёнида әнг керакли ўринлари кўчирма қилинади. Ҳаддан ташқари кўп кўчирма олишдан сақланиш керак. Иншо учун

Энг зарур нарчалар күчирма сифатида бадий асар матнидан, илмий-танқидий асарлардан олиниши мумкин. Иншода меъёридан ортиқ күчирмалардан фойдаланиш иншонинг савиясини оширмайди, аксинча, пасайтиради.

Юқорида кўрсатилган машқлар иншо ёзишга тайёрлашида катта аҳамиятга эга.

ИНШО РЕЖАСИ УСТИДА ИШЛАШ

Иншо ёзишга киришишдан олдин, албатта, режа тузиш талаб қилинади. Иншо режасини тузиш пастки синфларда ҳам, юқори синфларда ҳам, шунингдек, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари иншолари учун ҳам мажбурийдир.

Режа, биринчидан, ўқувчи ёки абитуриент мавзунинг гоявий ва бадий йўналишини қай даражада тушуниб етганлигини кўрсатади, иккинчидан, мавзуни қисмларга, моддаларга тўғри бўлиш асарни чуқур ва асосли таҳлил қилиш имконини беради.

Режа мавзунинг асосий томонларини очиши билан бирга, ишнинг умумий ҳажмини, қисмлар мутаносиблигини белгилайди, таҳлил қилинаётган масаланинг бирор муҳим томонини эътибордан четда қолдирмаслик имконини беради ва иншо муаллифининг фикр-мулоҳазаларини тартибга солади. Режа ўқувчи таффакурининг йўналишидир, чунки иншо ёзиш жараёнида ўқувчи режада кўрсатилган ҳамма моддаларга тартиб билан тўхталишга ва масалага ўз муносабатини билдиришга мажбур бўлади.

Ниҳоят, мукаммал ва ўйлаб тузилган режа иншо ёзишда, ўқувчининг фикрлашида тартибсизликка, бир фикрни тугатмасдан иккинчи фикрга сакраб ўтишига йўл қўймайди. Режа моддаларининг бир-бири билан мантиқан bogliq ҳолда ёритилиши мавзунинг яхлитлигини, бир бутунлигини таъминлади.

Мактабларимизда кенг қўлланадиган, кўп йиллик тажрибада синалган ва ишо ёзишда ўқувчи учун анча қулайлик тұғдирадиган режа уч асосий қисмдан — кириш, асосий қисм, холосадан иборат бўлиб, бу қисмлар рим рақамлари билан белгиланади.

Режанинг кириш қисмida мавзунинг қўйилиши, мақсади, долзарблиги, қайси мақсадда бу мавзу танлангани, мавзуни ёритишда хизмат қилувчи воситалар ҳақида ўқувчи маълумот беради. Бу қисм араб рақамлари билан белгиланувчи 1—2 моддани ўз ичига олиши мумкин.

Асосий қисм иншонинг асосини ташкил қилиб, уни исботловчи қисм деб ҳам юритилади. Бу қисм, албатта, бир неча араб рақамлари ва алфавит тартибидаги ҳарфлар билан белгиланувчи катта ва кичик моддаларни ўз ичига олади. Бунда ўқувчи ўзининг фикр-мулоҳазаларини, тезисларини аниқ асар мисолида, ундан келтирилган парчалар, танқидчилар, адабиётшунослар асарларидан кўчирмалар асосида исботлайди. Бу қисм иншонинг ҳажман ва мантиқан асосини ташкил қиласди.

Хулоса қисмида кириш ва асосий қисмлардан келиб чиқадиган мантиқий якунлар ўз ифодасини топади. Бу қисм ҳам 1—2 моддадан иборат бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда иншо режасининг бундай қисмларга бўлинишини андаза режа сифатида танқид қиласдилар. Лекин бундай қисмлар асосида режа тузиш мантиқан жуда тўғри, ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ишга солишда катта имкониятлар яратади.

Режа фақат мантиқий изчил фикрлаш мактаби бўлибтинга қолмай, сўз устида ишлани лабораторияси ҳамдир. Режада тингловчи ўз фикрларини, тушунчаларини қиска, ифодали, аниқ шаклда бера билишга ўрганиши керак. Албатта, бу осонликча амалга ошмайди, бунинг учунabitуриентнинг иншо ва унинг режасини тез-тез муҳокама қилиб туриш яхши натижка беради.

Намуна сифатида «Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён» романидаги Анвар образига тавсиф» мавзуудаги иншо режасини келтирамиз:

I. Кириш:

1. А. Қодирий — ўзбек романчилик мактабининг асосчиси.

2. «Мехробдан чаён» — ўзбек халқининг бой ҳаётий анъанааларга эга эканини ҳаққоний тасвирловчи асар.

II. Асосий қисм:

1. Анвар — романнинг бош қаҳрамони.

2. Анвар ҳақиқий ўзбек фарзандидир.

3. Анвар феълига хос фазилатлар:

а) тўғрилик ва самимийлик;

б) вафодорлик ва инсонпарварлик;

в) инсоний ғуур ва камтарлик.

4. Адид томонидан Анвардаги шоиртабиатлилик хусусиятининг ифодаланиши.

5. Асар зиддиятининг кескинлашуви билан Анварга хос янги томонларнинг очилиши:

а) покиза муҳаббатнинг ҳимоя қилиниши;

б) хонлик тузумидаги адолатсизликка нисбатан нағратнинг намоён бўлиши;

в) журъат ва жасоратнинг равшанлашуви.

III. Хулоса:

1. «Меҳробдан чаён»нинг ўзбек насрий адабиёти ривожида тутган ўрни.

2. А. Қодирий анъанасининг ёзувчилар томонидан давом эттирилиши.

Баъзи ўқувчилар режа моддаларини асардан олинган парчалар орқали ифодалашни афзал кўрадилар. Айрим ҳолларда деярли ҳамма моддаларни бадиий парчалар орқали ифодалайдилар. Натижада, асардан келиб чиқадиган мантиқий ва бадиий умумлашмалар асардан келтирилган парчалар соясида қолиб кетади.

Албатта, режа моддаларини ифодалашда ҳам бадиий парчалардан меъёрида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мисол сифатида «Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод образига тавсиф» мавзудаги ишо режасини диққатингизга ҳавола қиласиз:

I. Кириш:

1. Алишер Навоий — сўз мулкининг сultonни.

2. Навоий «Хамса»си ҳақида қисқача маълумот.

3. «Фарҳод ва Ширин» — инсоний ғазилатларни мадҳэтувчи достон.

II. Асосий қисм:

1. Фарҳод — достоннинг марказий қаҳрамони.

2. Фарҳода мукаммал инсоний ғазилатларнинг мужассамлашуви.

3. «Жаҳонда қолмади ул етмаган илм».

4. Фарҳод — моҳир ҳунарманд йигит.

5. Ҳақиқий ошиқлик Фарҳоднинг ғазилатларидан-дир.

6. «Ҳунарни асрарон неткумдур охир».

III. Хулоса:

1. «Фарҳод ва Ширин» достонининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни.

2. Достон сўз санъатининг гўзал намунасидир.

Мактаб тажрибасида З қисмга бўлинмай, тўғридан тўғри араб рақамлари (1, 2, 3, 4, 5,...) билан белгилана-диган режа тури ҳам мавжуд. Бундай режа кўпроқ публицистик характердаги эркин мавзуларда, ўқувчиларнинг ҳаётий кузатипларига багишлиланган иншоларда қўлланилади.

Қўйида биз мумтоз шоирларимиз Муқимий ва Фур-

қатнинг ижодий йўналишини белгиловчи иншо режаларига диққатингизни жалб қиласиз:

Муқимийнинг «Танобчилар» сатирасида маҳаллий амалдорлар кирдикорларининг фош этилиши.

Иншонинг режаси:

I. Кириш:

1. Муқимий — ўзбек демократик адабиётининг таниқли вакили.

2. Муқимий — атоқли сатирик шоир.

II. Асосий қисм:

1. Муқимий сатирик асарларининг мавзуи.

2. «Танобчилар» сатираси — чуқур ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган асар.

3. Султон Алихўжа ва Ҳакимжонлар — асарнинг бош қаҳрамонлари.

4. Асарда танобчилар портретининг чизилиши:

а) «Бирлари мўлтонинамо ҳийлагар»;

б) «Бирларидур қунда пиху гавда хар».

5. Айрим диний ақидалар — Султон Алихўжанинг қабиҳ қилмишлари учун ниқоб.

6. Ҳакимжон — ниҳоятда золим амалдор.

7. Амалдорлар ўртасидаги шахсий манфаатдорлик асосида қурилган сохта дўстликнинг ифодаланиши.

8. Сатирада меҳнаткаш ҳалқ ҳаётининг ҳақоний тасвирлапиши.

III. Хулоса:

1. Муқимий сатирик асарларининг ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни.

2. Муқимийнинг бадиий маҳорати.

Иншо учун режа тузилиб, муҳокама қилингандан сўнг ҳам иншо ёзишни бошлайвериш мумкин эмас. Бунинг учун режанинг ҳар бир қисмини қандай кенгайтириш, бир моддадан кейинги моддага қандай ўтиш, режа қисмлари ўртасида узвий, мантиқий боғланиш ҳақида ўйлашимиз керак. Энди режани бутун бир иншога айлантириш учун режанинг ҳар бир қисмiga асардан энг зарур ва характерли материал танлаш керак. Юқорида келтирилган «Муқимийнинг «Танобчилар» сатирасида маҳаллий амалдорлар кирдикорларининг фош этилиши» мавзуи учун тузилган иншо режасининг кириш қисмидаги: «Муқимий — ўзбек демократик адабиётининг таниқли вакили» ва «Муқимий — атоқли сатирик шоир» моддаларини дарслик ҳамда Муқимий ижодига бағишлилган бир қатор қўшимча илмий мақолалар билан.

лан чуқур танишган ҳолда ёритиш мумкин. Бу ўринда абитуриентнинг дикқат-эътибори Муқимий сатирик асарларининг ўзбек демократик адабиётида тутган ўрни масаласига қаратилган бўлиши керак. Асосий қисмнинг биринчи «Муқимий сатирик асарларининг мавзуи» моддаси кириш қисмининг иккинчи моддаси билан узвий равишда боғланиб кетади. Бу моддада Муқимийнинг уч асосий мавзуда яратилган асарлари: маҳаллий амалдорлар ва чор чиновникларини фош этувчи асарлари; чор капиталистлари ва маҳаллий бойларни танқид қиливчи асарлари; баъзи бир шариат, дин вакиллари кирдикорларини очиб ташловчи асарлари ҳақида қисқача фикр юритилади. Шундан кейинги асосий масала Муқимийнинг «Танобчилар» сатирасида маҳаллий амалдорлар — Султон Алихўжа ва Ҳакимжонларнинг ички ва ташқи дунёсини очишга қаратилган режадаги 2—7-моддаларни таҳлил қилишга киришилади. Бунинг учун абитуриент «Танобчилар» сатираси матнини бир неча бор ўқиб чиқиши, ундан режа моддаларига мос келадиган адабий парчалар, асар қаҳрамонларининг нутқидан уларнинг ўзларини фош этувчи характерли сўзлар танланиши керак. Бу ўринда абитуриент Муқимийнинг асар қаҳрамонларини ўзига хос хусусиятлари билан тасвирлаш маҳоратига алоҳида эътибор берини лозим. Султон Алихўжа ва Ҳакимжон бир хил тоифа эксплуататорларга мансуб бўлишига қарамай, меҳнаткаш дехқонларни қон қақшатишда, порахўрликда иккаласи икки хил йўлдан боради. Калтак, дўй-шўписа, ҳақорат, сўкиш Ҳакимжоннинг асосий қуроли бўлса, Султон Алихўжа соддадил ҳалқни қўрқитади, алдайди, сўнгги чақаларини ҳам тортиб олишга ҳаракат қиласди.

Режаканинг 8-моддаси шоирнинг меҳнаткаш дехқонлар ҳаётини ҳаққоний тасвирлаш масаласига, меҳнаткашларнинг бундай амалдорларга нисбатан чексиз нафратини ифодалаш масаласига бағишланган. Бу ўринда шоирнинг жабрланувчи дехқонлар номидан чиқарган қўйидаги ҳукмини келтириш мақсадга мувофиқдир:

Зулм била эллигу юзни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Доғи булар яхшию, бизлар ёмон,
Эл тамизидан ҳазар эт, алъамон.

Ўзбек демократик адабиётига хос бўлган етакчи хусу-

сият ҳалқ лаънатига, қаҳр-ғазабига дучор бўлган мугом-бир, пораҳўр, товламачи, мақтанчоқ амалдорлар, чор ҳукуматининг содиқ малайлари Султон Алихўжа ва Ҳакимжонларнинг Муқимий ижодида бадий тип дара-жасига кўтарилишидир. Иншода бу масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Иншонинг хулоса қисмида Муқимий сатирасининг ўзбек адабиёти тараққиётидаги тутган ўрни, унинг маҳоратидан замондош шоирлар ўрганганликлари, янги шароритда Завқий, Аваз Ўтар, Анбар отин, Ҳамза каби шоирлар у бошлаган ижодий-эстетик принципларни давом эттирганликлари ҳамда тараққиётнинг юксак босқичига кўтартганликлари ҳақида фикр юритилади. Хулоса қисмининг иккинчи — «Муқимиининг бадий маҳорати» моддасида шоирнинг образ яратишдаги ўзига хослиги, образларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор бериши, шоирнинг асар яратишдаги ўзига хос услуби, яъни китобхонни оддий қузатувчидан золим амалдорлар устидан адолат билан ҳукм чиқарувчи даражасига кўтаришига алоҳида аҳамият берилиши керак. Маълумки, Муқимий буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижод чашмасидан баҳраманд бўлди. Навоий ўзининг «Ҳайратул-аброр» достонида золим амалдорларнинг қишилоқларга дабдаба билан чиқишлиари, деҳқонлардан солиқ йиғиш баҳонаси билан зулмни авжга чиқаришлиари, ўзбошимчалик, бузғончилик билан шуғулланишини кескин ғош қилган, уларга нисбатан ўзининг нафратини очиқ баёни этган эди:

Зулм этиб ул косибу деҳқонга ҳам,
Косибу деҳқон неки, султонга ҳам.

Қайси вилоятгаки азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.

Кентнинг арбоби бир-икки авом,
Зулмда бир хожа, алар паҳлавон.

Бир-бiri бирла бўлушиб, ўйла, дўст,
Ким кишиким кўрса, дегай мағзу пўст.

«Танобчилар» сатирасида Султон Алихўжа ҳамда Ҳакимжонларнинг разил қиёфаларипи, улар ўртасидаги шахсий, иқтисодий манфаатдорлик асосига қурилган сохта дўстликни тасвирловчи қўйидаги:

Султон Алихўжа, Ҳакимжон иков,
Бири хотун, бириси бўлди куёв.
Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё хаёл айлаки, қилмай нифоқ.
Ош есалар, ўртада сарсон илик,
Хўжа — чироқ ёғи, Ҳакимжон — пилик.
Бир-бирисига солишурлар ўрин,
Эртау кеч ўшишиб оғиз-бурун...

мисраларини яратишда Муқимийга Алишер Навоий маҳоратининг таъсирини сезиш мумкин. Шунга қарамай, Муқимий янги шароитда — Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейинги даврда ўзбек адабиётида сатирик турни юксак тараққиёт босқичига кўтарганлиги иншонинг хулоса қисмида алоҳида таъкидланиши керак.

ФУРҚАТ — МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР

Иншонинг режаси:

I. Кириш:

1. Фурқат — ўзбек демократик адабиётининг етакчи намояндаси.

1. Фурқат маърифатпарварлигини вужудга келтирган омиллар.

II. Асосий қисм:

1. Фурқат — маърифат ва маданият таргиботчisi.

2. Илм — «қўзларнинг нури, кўнгулларнинг сурори».

3. «Гимназия» шеърининг таҳлили:

а) «Кириб алқисса ҳикматхона ичра,

Ҳама илмини кўрдук телегроми»;

б) шоир янги ўкув тизимидағи тартиб-интизом ва ва таълим-тарбия ҳақида;

в) «Мударрислар ягона илму фанда,

Этар мансух Афлотунни номи»;

г) шоирниң ўтмиш хонлик тузумига бўлган муносабати.

4. «Виставка хусусида» шеърининг таҳлили:

а) Виставка — ўзбек маданияти, илм-ғани тараққиётida янги восита;

б) шеърнинг композицион тузилиши;

в) шеърда фан ютуқларининг тараннум этилиши;

г) шеърда рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ифодаланиши.

III. Хулоса:

1. Фурқат маътирифатпарварлигининг ўзбек маданияти тараққиётида тутган ўрни.

2. Фурқат — новатор шоир.

Баъзи ўқувчилар иншо режасининг уч яхлит қисмга бўлинишига ниҳоятда эътиборсизлик билан қарайдилар. Уларнинг назарида режа тузиш оддий ва осон иш бўлиб туюлади. Аслида эса ўқувчи мавзу мўйича катта маълумотга эга бўлганидан кейингина муваффақиятли режа тузиши мумкин. Муваффақиятли тузилган режа иншинг мукаммал чиқишини таъминлайди. Демак, режа иншо ёзишнинг асосиши ташкил қиласиди. Иншо муаллифи режа моддаларининг ҳажман мутаносиблигига ва уларнинг мантиқий яхлитлигига алоҳида эътибор бериш керак, яъни режадаги асосий исботловчи қисм икшо умумий ҳажмининг 75 фойзини ташкил қилиши лозим.

Иншо учун тузилган режалар қуийдаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Режа ўқувчининг мавзуни қай даражада тўлиқ тушунганини кўрсатувчи ва унинг фикр-мулоҳазаларини тартибга солувчи муҳим восита бўлиши керак.

2. Режа мавзуни тўла ўз ичига олиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўла ифодалashi керак.

3. Режа иншонинг дастлабки варианти бўлиб, унинг моддаларида тартиб, мантиқий уйғунлик ва қисмлари ҳажм жиҳатидан мутаносиб бўлиши керак.

4. Режанинг энг ишончли З қисмли (кириш, асосий қисм ва хулоса) гравиантига асосланиш керак.

5. Режа услубий, орфографик ва график-техник хатолардан холи бўлиши, режа моддалари атоб гаплар орқали ифодалангандан бўлиши керак.

Ўқувчилар иншоларининг савияси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Баъзи иншоларда ёшларнинг жонли образи, уларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад сари интилишлари, ота-оналарининг ҳаётбахш ватанпарварлик анъаналярига содиқлиги намоён бўлмоқда. Бундай далиллар, айниқса, олий ўқув юртларига кириш учун ёзган ижодий иншоларда ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

Лекин шунга қарамай, абитуриентлар иншоларини ўқир эканмиз, жиддий камчиликларга дуч келамиз. Уларнинг ишларидағи иккинчи даражали камчиликлардан ташқари, бир-бири билан узвий боғланган уч хил камчилик мавжуд.

Кўп абитуриентлар танлаган мавзунинг нозик ва энг

зарур томонларини англаб етмайдилар, натижада, улар мавзуни ниҳоятда юзаки таҳлил қиласидилар. Бундай камчилик иккинчи хил камчиликка, яъни далилларни ёки кўплаб парчаларни, кўчирмаларни ўринсиз қўллашга олиб келади. Айтмоқчи бўлган фикр асардан олинган ўринсиз парчалар, персонажлар, уст-устига уйиб ташланган далиллар соясида қолиб кетади. Бундай иншоларда бадиий асар таҳлилига нисбатан баён асосий ўринни эгаллади.

Юқоридаги камчиликлар, айниқса, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш доирасининг торлиги учинчи камчиликни юзага келтиради: ўқувчи иншоси қуруқ, дабдабали, сийқаси чиққан жумлалардангина ташкил топади.

Ўзбек адабиёти курси ёшларнинг дунёқарашини ойдинлаштиришда ажойиб база вазифасини ўтайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари инсоният жамиятининг тараққиёт босқичларини бадиий акс эттиришга багишланган. Баъзи абитуриентларнинг ўзбек адабиётидаги Фоғир, Йўлчи, Жамила, Гулнор, Зайнаб каби образларга багишланган иншоларини ўқир эканмиз, ўқувчиларнинг бу образларнинг ички дунёсини очишда ҳис-туйғуни ифодаловчи сўзларга анча камбағал эканликларини кўрамиз. Мактабларда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғусини ифодалашга багишланган сўзлар ва уларнинг маъноси ҳақида кўпроқ маълумот бериш зарур, яъни образлар ҳақида қанчалик сўз бойлигига эга бўлсалар, иншо ҳам, образларнинг характерли хусусиятлари ҳам шунчалик бой, пухта, пишиқ қилиб яратилади. Демак, бу масала ўқувчиларни сўз бойликлари билан бевосита болгайди.

Адабий мавзудаги иншо синфда ўрганилган асарни таҳлил этиш дарси билан бевосита болгланади. Шунинг учун абитуриент адабий асарни чуқур таҳлил этиши ва чуқур ўрганиши, асарнинг бадиий хусусиятлари ҳақида кенг маълумотга эга бўлиши зарур. Ўқувчилар ҳам ўқитувчи каби асарни ҳар томонлама ўрганишга, чуқур таҳлил этишга, асар устида мустақил ишлашга ўрганишлари лозим, хусусан, ўқувчилар ўз фикрларини мустақил равишда ифода этишга одатланишлари керак.

Адабиёт дарслари билан болгланадиган иншонинг мавзуи ҳар хил бўлади. Масалан, персонаж ёки образларга тавсиф бериш мавзулари. Бундай тавсифлар тимсол ёки персонаж характерининг бир томонини очишга ёки

тўла очишга қаратилади. Масалан: «Шокир отанинг ҳаёти», «Ойбекнинг «Қутлуг қон» романида Йўлчи образи» ва бошқалар.

Иккинчи хил мавзулар таржимаи ҳол материалларидан фойдаланиш йўли билан очилади. Масалан: «Ҳамзанинг қаҳрамонона ҳаёти», «Садриддин Айпийнинг ҳаётидаги қандай воқеалар бизни ўзига жалб этади?»

Учинчи хил мавзулар асарнинг ғоявий аҳамиятини ёки ёзувчининг ижодини очишга қаратилган бўлади. Масалан: «Ойбекнинг поэмалари» каби.

Баъзан Абдулла Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» ёки Ҳамзанинг шеърларини ўқувчиларнинг мустақил таҳлил қилишлари учун топшириш ҳам мумкин. Бундай асарларни ўқувчилар мустақил таҳлил қилишлари, асарнинг бадиий хусусиятларини очишлари лозим бўлади.

Бу хилдаги мавзулардан ташқари, ўқитувчи-ларга «Нима учун мен Солиҳ маҳдумдан нафратланаман?», «Абдураҳмон домла—даҳшатли шахс», «Ҳамид Олимжон — мен севган шоир», «Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён» романидан олган таассуротларим», «Қалбга роҳат багишлайди Эркин Воҳидов лирикаси» каби иншо мавзуларини тавсия этиш мумкин.

Иншо ёзишда сийқаси чиққан мавзуларни тавсия қилмаслик керак, ўқувчиларнинг китобга бўлган муҳаббатларини апиқлашда янги-янги мавзуларни тавсия қиласвериш лозим. Масалан: «Қутлуг қон» романидаги «менинг энг яхши кўрган саҳифам». Бундай мавзулардаги иншо ўқувчиларнинг эстетик қарашларини тарбиялайди.

Иншонинг яна бир тури санъат тўғрисидаги иншодир. Маълумки, адабиёт санъатнинг бир туридир. Санъат тўғрисидаги иншо ҳам хилма-хил хусусиятга эга бўлади. Бундай иншолар санъат, тарих, адабиёт музейларига ўқувчиларнинг экспозициялари билан bogланади ёки рассомлик ҳақида безакли цикл-маъзура эшишини ҳам яхши натижга беради. Санъат ҳақидаги китобларни ўқиш иншо ёзиш учун энг фойдали манбадир. Айни замонда, ёзувчилик билан мусиқанинг, ёзувчилик билан рассомликнииг ўзаро боғлиқлиги ҳақида иншо ёзиш гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, «Алишер Навоий ва мусиқа», «Ҳамза ва мусиқа», «Мусиқа ва кино — менинг энг севимли санъатим», «Мен яхши кўрган мусиқа асари», «Нима учун ўзбек халқи Аброр Ҳидоятовни яхши кўради?» каби мавзулар юзасидан эркин равишда иншо ёзиш мумкин.

ИНШОЛАРДА УЧРАЙДИГАН ХАТОЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Олий мактабни қайта қуриш унинг бўсағасидан — кўп сонли абитуриентлар орасидан саноқли талабаларни ташлаб, саралаб олишдан бошланади. «Олий ва ўрта маҳсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» да бу ҳақда шундай дейилган: «Қадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида олий ўқув юртларида ўқишга энг яхши тайёргарлик кўрган... йигит ва қизларни ташлаб олишга алоҳида эътибор бериш зарур... Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари доимо такомиллашибирисин, ташлов йўли билан ташлаш холисона бўлиши оширилсин». Олий мактабларга лаёқатли, билимли ёшлиарни холисона саралаб олиш ишида эса адабиёт ва тил фанлари бўйича ёшларнинг билимларини тўлиқ памойиш қилувчи, уларнинг зарур саводхонлик даражасини аниқлаб берувчи иншо бўйича имтиҳон катта аҳамиятга эга.

Иншолар қуйидаги тоифаларга бўлинади: 1) ижодий фикрлар ва тўйгуларга бой, бадиият ва савод жиҳатидан мақтовга лойиқ иншолар; 2) мазмуни ва саводи яхши иншолар; 3) дарслик материали асосида, лекин саводли ёзилган иншолар; 4) ижодийлик, мустақилликка ҳаракат қилинган, лекин имло хатоларига, услубий ғализликларга йўл қўйилган иншолар ва 5) саводсиз, паст савияда ёзилган иншолар. Иншоларнинг аксар қисмини жўн ёзилган, «З» га баҳоланадиган ўртамиёна иншолар ташкил қиласди. Бундай иншолар ўзбек адабиёти билан дарслик ёки телекран асарлари орқалигина таниш, китобсевмас абитуриентлар томонидан фақат имтиҳондан йиқилмай, «З» олиб бўлса ҳам ўтиб олиш учунгина ёзилади. Адабий материалнинг таҳлили фикрлаш савиясининг пастлиги билан бирга, она тили қонун-қоидаларини яхши билмаслик, сўзларнинг ёзилишига, жумлаларнинг тузилишига эътиборсизлик уларга хос хусусиятдир.

Иншо ёзиш борасида абитуриентлар орасида кенг тарқалган яна бир иллат — иншони ўзи мустақил ёза олишига кўзи етмайдиган абитуриентларнинг тайёр шпаргалкалардан, айниқса, фотонусхадаги иншо шпаргалкаларидан фойдаланишидир. Ҳар йилнинг бошида матбуотда иншоларнинг мавзулари эълон қилингач, уларнинг шпаргалкалари ҳам тайёрланади, аввалгилари яна кўпайтирилади. Бу шпаргалкалардан абитуриентлар йиллар мобайнида фойдаланадилар. Масалан: «Пахта—ризқ-рўзимиз, касб-коримиз...» деб бошланадиган ва дех-

қоннинг йилнинг тўрт фаслидаги меҳнати тасвирланадиган иншо ёки:

Само тўла юлдузлар
Нур таратиб порлайди.
Шулардан бир мени
Ўз бағрига чорлайди...

тўртлиги билан бошланадиган «Мен севган адаб» мавзусидаги иншолар бундан 10 йиллар илгари тайёрланниб кўпайтирилган ва ҳанузгача абитуриентлар улардан фойдаланиб келадилар. Давр ўзгаряпти, кўпгина ижтимоий масалаларга қараш ўзгарди, лекин айрим абитуриентлар буни ҳис қилмай, эски, қачонлардир ёзилган шпаргалкаларга суюнишда давом этаптилар. Ҳозир «Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони бўйича бир эмас, 4 хил; Ҳамзанинг шеърий асарлари, «Бой ила хизматчи» драмаси, Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи бўйича бир неча вариант, шунингдек, Fafur Гулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ижодлари бўйича тайёрланган қатор нусхадаги шпаргалкалар қўлма-қўл юриди. Ҳолбуки, бу хил шпаргалка (айниқса, фотонусхадаги) иншолар ниҳоятда жўн ёзилган, савод даражаси, фикрлап савияси паст. Имло хатолари, чалкаш ишлатилган ишорат белгилари уларда кўплаб учрайди.

Кейинги пайларда қабул имтиҳонлари давомида иншолардаги яна бир қусур кўзга ташланяпти: абитуриентлар тавсия қилинган мавзуни билмасликлари ёки тушуниб етмасликлари сабабли бошқа йўналиш, бошқа мавзуга тегишли, лекин номланиши ўхшаш иншоларни ёзib бермоқдалар. Масалан: «Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмасида синфий курашнинг ифодаланиши» мавзуси учун ёзилган иншода драманинг мазмуни ҳикоя қилиб берилган. «Яхшилик — улуғ фазилат» сарлавҳаси остида «Дўстлик туфайли қудратли ва бахтиёрмиз» мавзусидаги иншо берилган. Бу каби англашилмовчиликлар сўзнинг маъносини: тавсия қилинаётган мавзунинг мазмунини тушуниб етмаслик, мавзуга масъулиятсилик билан ёндашиш оқибатида келиб чиқяпти. Бу эса иншоларда мавзу ва мазмун бирлигининг бузилиши демакдир.

Ижодий ёзилган, мустақил фикрларга бой, мазмунли иншолар ҳам талағина. Лекин, афсуски, уларда саводнинг оқсанши ҳам тез-тез учраб туради. Ижодийлик ва саводхонлик ҳамма вақт ҳам ҳамоҳанг бўлавермайди.

Мазмунан чиройли, мавзуни чуқур таҳлил қилиш асосида ёзилган иншоларда турли орфографик, пунктуацион ва услубий хатолар учрар экан, иншони юқори баҳолаш мушкул.

Иншоларда баҳо қўйишда унинг адабий материални қай даражада акс эттиргани, адабий материалнинг таҳлили савияси ва ундан чиқарилган хулосага қарашиб билан бирга, иншонинг саводли ёзилиш савияси алоҳида эътиборга олинади. Кўп ҳолларда абитуриентлар иншонинг мазмун ва бадиий-эстетик томонига аҳамият беришади-ю, лекин саводсиз ёзилгани сабабли бу иншо ижобий баҳоланмайди. Саводли бўлиш учун эса ўз она тилимизнинг бойлигини, грамматик ва имло қоидаларини яхши билиш зарур. Иншо — ижодий иш, лекин айни пайтда у абитетуриентнинг билим даражасини кўрсатади. Одатда, кўп ўқийдиган, бадиий адабиётни яхши биладиган, қундалик матбуот материалларини мунтазам ўқиб борадиган ўқувчиларнинг фикрлаш савияси ҳам, сўз бойлиги ҳам рангбаранг ва салмоқли бўлади. Бундай ўқувчилар иншо ёзаётганда ҳадеб бир хил қолипдаги жумлаларни такрорлай бермайдилар, сўзлар ва бошқа ифода воситаларини топиб, маънодаги нозик фарқларни ҳис қилиб, ўз ўрнида ишлатадилар; сўзларни тўғри ёзиб, тиниш белгиларини ҳам тушуниб қўллайдилар. Иншонинг саводли ёзилиши учун: 1) сўзларни тўғри таплаш; 2) уларни гапда ўз ўрнида жойлаштира билиш; 3) сўзларни тўғри ёзиш; 4) тиниш белгиларини билиб қўллаш талаб қилинади. Саводлилик, билимдонликдан дарак берувчи бу шартларга бепарво бўлиш, зарур имло қоидаларини билмаслик натижасида иншоларда орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларга йўл қўйилади.

ОРФОГРАФИК ХАТОЛАР

Иншоларда йўл қўйилган орфографик хатолар, уларнинг миқдори ва табиати ўқувчининг саводхонлик даражасини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Орфографик хатоларга сўзларни, қўшимчаларни ёзишда, бош ҳарфларнинг имлосида, сўзларни қатордан қаторга кўчиришда, бўғинни нотўғри белгилашда, сўзларни қўшиб, ярим қўшиб ва ажратиб ёзишда учрайдиган хатолар киради. Орфографик хатоларнинг келиб чиқиши сабаблари кўп ва турлича:

1. Ёзувда ўхшаш шаклга эга ҳарфлар ва улар орқали ифодаланадиган товушларни фарқламаслик.

2. Адабий талаффуз ва шева талаффузини қориштириши.

3. Имлоси қийин ҳарф ва белгиларнинг қўлланишини билмаслик.

4. Бош ва кичик ҳарфларнинг қўлланиш ўринларини ажратмаслик.

5. Ўзакка қўшимча қўшилиши билан содир бўладиган товуш ўзгаришларига эътиборсизлик.

6. Сўзларни қўшиб, ярим қўшиб ва ажратиб ёзишда тегишли имло қоидаларини яхни билмаслик.

Хатоларнииг ҳар бир кўринишини алоҳида қараб чиқамиз.

1. Талаффузи ва ифодаланиш шакли бир-бирига яқин товушларни ажратса олмаслик натижасида келиб чиқувчи орфографик хатолар бир қарашда арзимайдиган, кичик хатоларга ўхшаб кўринса ҳам, бундай хатолар ишполарнинг паст баҳоланишига маълум даражада сабаб бўлаётгани ачинарли ҳолдир.

у ва ў, к ва қ, а ва о, х ва ҳ ҳарфларининг имлоси кўп ҳолларда пухта ўзлаштирилмаган бўлади, абитетурингентлар буниинг сабабини турлича изоҳлайдилар. Масалан: у ва ў ҳарфларини ёзувда фарқламайдиган ўқувчилар, қайси шевадан бўлишларидан қатъи назар, бу ҳарфларнинг ўқилишини ҳам чалкаштирадилар. Ҳолбуки, бу икки товуши лабланиш хусусиятига кўра бир хил бўлса ҳам, пайдо бўлиш хусусиятига (тилнинг оғиз бўшилигида танглайга томон кўтарилишига) кўра бир-биридан фарқланади: у — тор унли, ў эса ўрта-кенг унлидир. Шу хусусият уларнинг талаффузидаги сезиларли фарқни ҳам келтириб чиқаради. Бу икки товушни фарқламайдиган ўқувчилар таркибида у товуни қўлланадиган: уч, туп, буюқ, қутлуғ, бутун, умид, учқун, мумкин каби сўзларнинг ва таркибида ў товуши келадиган: кўнгил, бўлим, ўқи, ўт, ўрим, бўйсун, қўшиқ, сўлим каби сўзларнинг талаффузи ва имлоси устида қунт билан машқ қилиб бориплари лозим бўлади.

қ ва қ ҳарфларини имлода чалкаштиришлар: 1) бу икки ҳарфнинг шаклий ўхшашлиги; 2) шеванинг таъсири (баъзи Хоразм шевалари талаффузида бу икки товуш фарқланмайди) сабали рўй беради: камбағал, қаҳрамон, нақл, қуҷ-қудрат, нақадар, қаср, қисм сўзларини қамбағал, қаҳрамон, нақл, қуҷ-қудрат, нақадар,

қаср, кисм тарзида ёзишлар учраб туради. Бу ҳолда ҳам мақур икки товушнинг жарангизлиги, фақат пайдо бўлиш ўрнига кўра фарқланиши (к — саёз тил орқа, товуши, қ — чуқур тил орқа товуши эканлиги)ни пазарда тутиб, уларнинг имлоси ва талаффузи хусусиятлари устида қайта-қайта машқ қилиш, «Имло лугати»дан шу икки ҳарф қатнашган сўзларнинг ёзилишини ўзлаштириш тавсия қилинади.

Иншоларда **а ва о** ҳарфларининг имлосида ҳам чалкашликлар талайгина учрайди. Бунда айрим ўқувчиларнинг бу икки ҳарфпинг ёзилишига эътибор бермай, кейинги ҳарфга бир хил қўшиб ёзишлари, айрим шева вакиллари нутқида **о** товушининг йўқлиги каби сабабларни кўрсатиш мумкин. Иншоларда **а ва о** ҳарфларининг шаклан ўхшаш ёзилиши инишони текшириш ва баҳолашда баъзан қийинчиликлар, англашилмовчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Лекин саводли ёзилган иншоларда ҳам бу икки ҳарфпинг фарқланмаслиги патижасида *афо ўрнига воғо, ассоло ўрнига освобо ёки аеволо, Фарҳод ўрнига Форҳод, ҳалок ўрнига ҳолок, бағишила ўрнига боғишила ёзиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Мана шу хил хатога йўл қўймаслик учун бу иккала унлиниң ўзига хос томонларини билиб олиш зарур: а — тил олди, кенг унли товуш; о — тил орқа, кенг унли товуш, а товуши қалам, ҳалқ, қатор, ғалати, қаттиқ, ғалаба, қадр каби сўзларда қаттиқ айтиладиган, о га яқин талаффуз қилинадиган; галма-гал, ясама, ватан, асар каби сўзларда эса юмшоқ айтиладиган товушдир, о товушининг талаффузида а дан фарқли равишда маълум дарражада лабланишга мойиллик бор, бу қатор шаҳар шевалари нутқида, шунингдек, адабий нутқда ҳам сезилади. Масалан, ота, она, доим, замон, қозониш, намойиш каби сўзларнинг айтилишига эътибор беринг. Мана шундай сўзларнинг талаффузи ва имлоси устида мунтазам машқ қилиш, айниқса, бу икки ҳарфни ёзувда равшан фарқлаш (график шаклларини) бўйича ҳаракат ўз самарасини беради.*

Иншоларда энг кўп учрайдиган орфографик хато **ҳ** ва **ҳ** ҳарфларини фарқламасликдир. Бунга сабаб: 1) иккала ҳарфпинг шаклий ўхшашлиги; 2) иккала ҳарф орқали ифодаланадиган товушларнинг айрим шеваларда, масалан, Тошкентда бир хил талаффуз қилинишидир. Кўп жиҳатдан бу икки товуш бир хил: иккови жарангиз, иккови сиргалувчи ундош товушлар. Фарқ фақат

уларнинг пайдо бўлиш ўрнида: **ҳ** — чуқур тил орқа то-
вудиши, **ҳ** — эса яна ҳам ичкарироқда — бўғизда пайдо
бўлади. Кўпчилик абитуриентлар бу хатодан қандай
қутулиш, **ҳ** ва **ҳ** ҳарфларини ёзувда қандай фарқлаш
йўлларини сўрайдилар. Бизнингча, бу икки ҳарф тар-
кибида қатнашадиган сўзларнинг ёзилишини «Имло
лугати»дан турли ёзув машқлари орқали ўзлаштириш,
иншоларда учрайдиган бу хил сўзларнинг энг зарур-
ларини ёд олиш, кўп ўқиш ва ўқиганда ҳам шу хил сўз-
ларнинг имлосига алоҳида эътибор бериб ўқиши лозим
бўлади.

Бу ерда эса таркибида **ҳ** ва **ҳ** ёзиладиган, иншоларда
кўи қўлланадиган сўзларнинг ёзилишини диққатингиз-
га ҳавола қиласиз: **ҳ** ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар:
*хабар, ҳавф, ҳаёл, ҳаржат, ҳалқ, ҳалоскор, ҳиёнат, ҳиз-
мат, ҳислат, ҳусусият, ҳулқ-атвор, ҳушмуомала, ахлоқ,*
мутахассис, саҳоват, ғамхўр, баҳтиёр; **Ҳ** ҳарфи билан
ёзиладиган сўзлар: ҳавас, ҳаёт, ҳажвий, ҳайрат, ҳалол,
ҳамдард, ҳамжиҳатлик, ҳамоҳанг, ҳарақат, ҳасад, ҳатто,
ҳаяжон, ҳақиқатан, ҳаққоний, ҳеч, ҳикоянавис, ҳимоя,
ҳиссиёт, ҳозиржавоб, ҳокимият, ҳосил, ҳужжат, ҳужум,
ҳуррият, ҳуқуқ, меҳрибон, мұхтож, аҳамият, қаҳрамон,
муҳаббат.

2. Адабий талаффуз ва шева талаффузини қоришти-
риш сабабли келиб чиқадиган хатолар. Хатоларнинг бу
тури адабий талаффузга етарли эътибор бермаслик ёки
у билан яхши танинг бўлмаслик оқибатида келиб чиқади.
Ўзбек тилининг адабий талаффуз (орфоэпик) мезонлари-
га кўра қадр, фахр, зеҳн, қисм, ақл, илм сўзлари тарки-
бидаги ёнма-ён келган икки ундош товуш ўртасида бир
и унлиси орттириб айтилса ҳам (*қадир, фахир, зеҳин,*
қисим, ақил, илм каби), ёзувда бу сўзлар аслига мувофиқ
ёзилади. Аксинча, талаффузда и, у унли товушларнинг
тушиб қолиши (*ёки қисқариши*) туфайли груҳ, грифтор,
осойишта. қобилят, аҳамлт, тузм, киши, бринчи деб айтил-
са ҳам, бу сўзлар гуруҳ, гирифтор, осойишта, қобилят,
аҳамият, тузум, биринчи, киши тарзида ёзилади. Айниқ-
са, абитуриентлар мутафаккир, гаассурот, муваббақият,
мужассам, мурожаат, мукаммал, бадиий, ташаккур каби
иккита бир хил ҳарф ёнма-ён келадиган сўзларнинг,
талаффузда иккинчи бўғиндаги у унлиси и тарзида ай-
тиладиган тушунди, ютуқ, тузум, учун каби сўзларнинг
имлосида «қоқиладилар». Бу хатоларнинг ҳаммаси кам
мутолаа қилишнинг, китобсевмасликнинг оқибатидир. Бу

камчиликни йўқотиш учун ўқувчиларга «Имло лугати» га тез-тез мурожаат қилиб, «қийин» сўзларга доир кичик ҳажмдаги диктантлар ёзиб туришларини, шунингдек, сўзларнинг ёзилишига диққат қилган ҳолда кўп ўқишлиарини тавсия қиласиз.

3. Иншолардаги хатоларнинг бу тури «имлоси қийин» ҳарф ва белгиларнинг қўлланишига оидdir. Ўзбек алфавитида **е**, **ё**, **ю**, я графемалари мавжуд бўлиб, улар ёлашган унлиларни ифодалайди, яъни ҳар бир графема бир и товуши билан бирга **а**, **о**, **у**, э унли товушларидан бирини ҳам ифодалайди.

Мактабда **е** йэ товушларини, ё **ю** товушларини, **ю** товушларини ва **я** я товушларини билдириши тушунтирилади, албатта. Бу графемаларнинг сўз бошида ва сўз таркибида қўлланиш хусусиятлари ўзига хос, масалан: **е** графемаси сўз бошида, сўз таркибида унли товушлардан ва **ъ**, **ъ** белгиларидан сўнг келганда, иккита товушни (йэ) билдиради, иккни ундош оралигида келганда эса бир э товушни ифодалайди: **лекин**, **мен**, **ўзбек**, **кел**, **кет** каби. Абитуриентларнинг бир қисми графемаларнинг ҳар бири икки товушни билдиришини, уларнинг ўзига хос қўлланиш хусусиятларини ўзлаштирамаганилиги учун иншода шундай хатоларга йўл қўяди: «*Йўлчи юлдуз*»ни «*Йўлчи юлдуз*», «*вояга етади*»ни «*вояга этапди*», «*яқин*» сўзини «*яқин*», «*йўлбошли*» сўзини «*юлбошли*», «*енгиллаштируди*» сўзини «*янгиллаштируди*» тарзида ёзишлари учрайди. Иншоларда, айниқса, е ни й билан алмаштириш тез-тез учраб туради: *етти ўрнида ўетти*, *йўқ ўрнида юқ деб ёзадилар*. Бундай хатолар ҳам, одатда, саводи паст, кам ўқийдиган ёшларимизнинг иншоларида кўринади. Уларни бартараф қилишнинг энг самарали йўли сўзларнинг имлосига эътибор бериб кўп ўқиш, кўчириб ёзиш машқлари билан мунтазам шуғулланишдир.

Хатоларнинг бир қисми **ъ** ва **ъ** белгиларини тўгри қўллашни яхши билмаслик оқибатида келиб чиқяпти. **ъ** белгиси аксар ҳолларда тушиб қоляпти: **маъқул**, **беманини**, **аъён**, **мўъжиза**, **мўътабар**, **суръат** сўзлари **мақул** **беманини**, **аён**, **мўжиза**, **мўтабар**, **сурат** тарзида ёзиляпти. Кўпинча **ъ** ва **ъ** белгиларининг сўзниг таркибида борлигини ўқувчи билади-ю, қайси ҳарфдан кейин келишини билмайди: «*съезд*» сўзини «*сеъзд*», «*феъл*» ни «*фъел*», «*пьеса*»ни, «*пельса*», «*масъулият*» ни «*маъсулият*» тарзида нотўгри ёзиш учрайди. Баъзан эса **ъ**, **ъ** белгиларининг

ортиқча қўлланишига ҳам дуч келиш мумкин: *жаъсур, баъзол, Октябрда, наътижада* каби.

Шу ўринда яна бир нарсани ҳам тилга олишга тўғри келади: ўқувчиларнинг талайгиша қисми сўзларни бўғинга ажратиши қоидаларини яхши билмаслик оқибатида сўзларни қатордан қаторга кўчиришда бўғинга нотўғри ажратадилар ёки бўғин кўчириш қоидаларига (ёлғиз ҳарфни кўчирмаслик ёки биринчи қаторда қолдирмаслик, бир товушни ифодаловчи иғ ҳарфий бирикмасининг имлоси каби қоидаларга) жиддий аҳамият бермайдилар.

4. Бош ҳарфларнинг имлоси билан боғлиқ хатолар ҳам иншоларда кўп учрайдиган орфографик хатолар доирасига киради. Бунинг сабаблари сифатида абитетиентнинг: 1) бош ҳарфларнинг имлосига доир қоидаларни; 2) гапларни чегаралашни яхши билмаслиги каби ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Амалдаги «Имло қоидалари»нинг 64-§ ида атоқли отларнинг ёзувда бош ҳарфлар билан бошланиши айтилгач, эслатма берилади: «Атоқли отлардан ясалган илмий тушунча ва сиёсий оқимни кўрсатувчи сўзлар, шунингдек, турдош отга айланган ва жамлики билдирувчи... атоқли отлар кичик ҳарф билан ёзилади: *фарҳодлар, ҷалоловлар* каби». Демак, «Зайнаб ва Омон» поэмаси бўйича иншо ёзаётган ўқувчи шоирнинг мана бу сатрларини поэмадан парча сифатида иншода келтирас экан, юқоридаги қоиданинг эслагмасини ёдда тутиши лозим бўлади: «Бир севгиким, жон берур танга, зайнабу омонларга хос».. .

Шунингдек, олий давлат мансаблари, олий фахрий увонни билдирувчи номлар, муҳим тарихий воқеа ва ҳужжатларнинг номлари қандай ёзилишини билиш ҳам саводхонликни кўрсатиб туради: *Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон Президенти, Ватан уруши*.

Бадиий асарларнинг номлари, шунингдек, бадиий асарлардан айнан келтирилган парчалардаги гаплар кўчирма гаплар сифатида қўштириоққа олинади ва бош ҳарф билан бошланади: «Фарҳод ва Ширин» достони, «Қутлуғ қон» романи; «Тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлмоқ яхшидир»; «Кичкина, нимжон бўлсанг ҳам осмонни кўтарадиган қувватинг, гайратинг бор экан» каби.

Иншоларнинг режасида қавсли рақам ёки қавсли ҳарф билан ажратилган моддаларда гапнинг биринчи сўзи атоқли от бўлмаса, кичик ҳарф билан бошланади:

II. Асосий қисм:

1. Фарҳод образига тавсиф:

1) Фарҳоднинг ёшлик йиллари;

2) унинг ёшиликдан илмга чанқоқлиги;

3) меҳнатсеварлик, олижаноблик ва мардлик — Фарҳодга хос юксак фазилатлар.

«Имло қоидалари»нинг 63-ғига кўра ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади. Лекин гап тузишнинг ҳам ўз қонуни-қоидалари бор. Дуч келган ерда фикрини узиб, гап тузавериш тўгри бўлмайди, чунки ҳар қандай гап мантиқий якуни ва оҳангига кўра грамматик жиҳатдан яхлит бир бутунликни ташкил қиласди. Ҳолбуки, иншоларда бу қоидага риоя қилимаслик, гапларни исталган шаклда тузиш ва ёзиш ҳоллари ҳам учраб туради. Гапни услубан равон, мазмунан пишиқ, грамматик жиҳатдан тўғри тузини ҳақида кейинроқ тўхтайди. Ҳозир эса гапларнинг бош ҳарф билан бошланишига ва гапларни тўғри тузишга эътиборсизлик билан қарааш ҳолларига мисоллар келтирамиз: «*меҳнаткаши ҳалқни севувчи, эъзозловчи, ҳалқ ташвишини ўз ташвиши деб билувчи Фарҳод, (?) ҳамиша ўз ҳалқига хизмат қилишга интилади. Ва ҳалқ (?) манбаатини ўз мағфатидан устун қўяди*» (матндаги бошқа хатоларни бу ерда кўрсатмадик).

Ниҳоят, инсони текшириш, баҳолашда турли қўпгилсиз апглашимовчиликлар келиб чиқмаслиги учун абитурентларга матнда бош ҳарфларни кичик ҳарфларга писбатан шаклан фарқланиб турадиган қўринишида ёзишларини маслаҳат берамиз.

5. Ўзакка қўшимчалар қўшиши шатижасида рўй берадиган товуш ўзгаришларига боғлиқ орфографик хатолар. Ўзбек тилида, одатда, қўшимчалар ўзакка бирин-кетин қўшилади ва бунда ҳамма вақт ҳам товуш ўзгаришлари содир бўлавермайди: *пахтазор, далаларимизда, одамларга, айтдингми?* каби. Лекин ўзакка қўшимча қўшилиши билан ўзакда, ё қўшимчада, ёки икки қўшимчанинг уланишида рўй берадиган товуш ўзгаришлари ҳам бор ва бу ҳол ўша сўзлар шаклларининг ёзилишида ҳам акс этади. Бундай товуш ўзгаришларидан иншоларда энг кўп учрайдиганларидан шуларни кўрсатиш мумкин:

1) охири а товуши билан тугаган феъл ўзакларига от ёки сифат ясовчи-қ ёки ҳаракат номи қўрсаткичи -в қўшимчалари қўпилганди, ўзак охиридаги а товуши о га ўтади ва шундай ёзилади: *бўя — бўёқ, тара — та-*

роқ, қувна — қувноқ, тарқа — тарқоқ, сина — синөө, қурша — қуршов, тұла — тұлов, сұра—сұров каби.

2) охирі *к* ва *қ* товушлари билан тугайдиган ўзак-ларга әгалик қўшимчалари қўшилганда, *к* товуши *ғ* га, *қ* товуши *ғ* га ўтади ва шундай ёзилади: *безак* — *безаги*, *дўстлик* — *дўстлигимиз*, *эртақ* — *эртагинг*, *истак* — *истагим*, *байроқ* — *байроғимиз*, *варақ* — *вараги*, *борлиқ* — *борлигинг* каби. Бироқ бу қоиданинг истисно томонлари ҳам бор: *кўк*, *үфқ*, *фарқ*, *цирқ*, *завқ*, *халқ* каби бир бўгинли ва *иштирок*, *иттифоқ*, *иштиёқ* каби қўп бўғинли сўзларга әгалик қўшимчалари қўшилганда бундай товуш ўзгариши бўлмайди ва улар шундай ёзилади: *сенинг иштирокинг*, *болалиқ завқи*, *унинг ҳуқуқи* каби.

3) *ўрин*, *кўнгил*, *огиз*, *ўғил*, *бўйин* каби сўзларга әгалик қўшимчалари қўшилганда, талаффузда иккинчи бўғиндаги *и* унлиси тушиб қолади ва шундай ёзилади: *ўрин*—*ўрним*, *кўнгил*—*кўнглинг*, *огиз*—*огзи*, *ўғил*—*ўглим*, *бўйин* — *бўйинг* каби.

4) жўналиш келишигйининг қўшимчаси -га охирі *к* билан тугаган сўзларга *-ка* тарзида, *ғ* ёки *қ* билан тугаган сўзларга *-қа* тарзида қўшилади. Бунда ўзак охиридаги *ғ* товуши *қ* га ўтади: *боғ*—*боққа*, *тоғ*—*тоққа*, *узоқ*—*узоққа*, *йироқ*—*йироққа*, *юрак*—*юракка*, *тилак*—*тилакка* каби.

5) иншони саводли ёзиш учун абитуриентдан кўрса-тилган қоидаларни пухта билиш талаб қилинади, чунки бу хил товуш ўзгаришлари ёзма нутқда тез-тез учраб туради.

6) Иншолардаги орфографик хатоларнинг сезиларли қисми қўшма ва жуфт сўзларнинг имлосига доирдир.

Ўзбек орфографиясида қўшма сўзларни қўшиб ёки ажратиб ёзиш масаласи ҳали узил-кесил ҳал қилинмаган. Мавжуд лугатлarda қўшма сўзларнинг берилишида ҳам тўла бир хиллик йўқ. Лекин иншо ёзувчи абитуриентлар.

1) қўшма соплар ва қўніма феъллар (феълларнинг етакчи-кўмакчи тарзидағи боғланишлари ҳам) ажратиб ёзилишини: *йигирма бир*, *бир юз тўйғсон олти*, *бориб кел*, *ёза ол* каби;

2) қўшма отларнинг қўшиб ёзилишини: *белбог*, *йилнома*, *зинапоя*, *девпечак*, *йўлбошли*, *тенгқур*, *ўқариқ*, *бойўғли*, *асалари* каби;

3) иккинчи қисми -(а)-р қўшимчаси билан келган қўшма сўзлар қўшиб ёзилишини: *ўринбосар*, *эркес-сар*, *тезучар*, *ҳаётсевар* каби;

4) таркибида *боп*, *аро*, *умум*, *бутун*, *хуш*, *кам*, *нома*, хона сўзларидан бири бўлган қўшма сўзларнинг қўшиб ёзилишини (*хушмуомала*, *умумхалқ*, *камқувват*, *мурожаатнома*, *халқаро*, *оммабон каби*) билишлари гарур. Қўшма сифатларнинг ёзилишида бир хиллик йўқ, лекин *сарвқомат*, *сидқидил*, *ишбилармон*, *қимматбаҳо*, *жабрдийда*, *раҳмдил*, *баландпарвоз*, *соҳибжамол*, *ширинсухан* каби қўшма сифатларнинг қўшиб ёзилишини; оқ *кўнгил*, *садда дил*, *соф дил*, *дов юрак*, *дев қомат*, *кумуш ранг*, *иш ёқмас*, *кулча юз*, *ним пушти*, *тўқ қизил*, *тим қора*, *олов қалб*, *очиқ қўл*, *оч қўк*, *паст бўй*, оқ соч каби қўшма сифатларниғ ажратиб ёзилишини билиш абитуриент учун фойдали. Бундан ташқари, таркибида *бор*, *ҳеч*, *ҳамма*, *баъзи* сўзлари қатнашган қўшма сўзларнинг ажратиб ёзилишини ёдда тутиш ҳам қийин бўлмайди: *бир неча*, *баъзи бир*, *ҳеч ким*, *ҳар қачон*, *ҳамма вақт*, *ҳеч нарса*, *бир оз* ва ш.к. Бироқ бирпас, бирмунча, биратўла сўзлари қўшиб ёзилади¹.

Жуфт ва такрор сўзлар дефис (чизиқча) билан ёзилади. Агар жуфт сўзлар -у, -ю юкламалари билан бирга қўллансанса, чизиқча қўйилмайди: *тун-кун*, *ўғил-қиз*, *оқ-қора*, *ота-она*; лекин бу сўзларни *туну кун*, *ўғилю қиз*, *оқу қора*, *отаю она* шаклида ҳам ёзиш мумкин. Бундай ҳолларда -у, -ю юкламаси «ва» boglovchisiga мазмунан тенг келиши керак. Юкламалардан -чи, -а, -я, -э, -ку, -да, -у, -ю ҳам ўзи қўшилган сўзлардан дефис билан ажратилади: *у-чи*, *шу-я*, *айтдим-ку*, *берди-да*, *бошлианди-ю* каби.

Иншо ёзишда абитуриентларнинг дефисга унча эътибор бермасликлари кузатилади. Ҳолбуки, дефис қўйилмаса ёки нотўгри қўйилса, у сўзнинг нотўгри ёзилишига, яъни бир орфографик хатога сабаб бўлади (дефисни тиниш белгиси бўлмиш тиредан фарқлаш лозим). Йил ва ой, кунларини кўрсатувчи араб рақамлари ёки рим рақамларидан сўнг ортиқча қўлланган дефис ҳам (1991-йил, V-боб каби) имло хатоси ҳисобланади.

¹ Қўшма сифатларнинг имлосида проф. А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар» (Тошкент, 1963) китобида берилган лугатга асосланадик.

ПУНКТУАЦИОН (ИШОРАТ) ХАТОЛАРИ

Ишорат хатолари тиниш белгиларини ёзувда нотўғри қўллаш ёки лозим ўринларда қўлламай кетиш сабабли йўл қўйиладиган хатолардир. Тиниш белгиларининг ёзувдаги аҳамияти катта. Уларни онгли равишда, ўз ўрнида қўллаш ишонинг мазмундорлигини, фикрнинг равшан ифодаланишини таъминлайди.

Ўзбек ёзуvida биз мурожаат қиладиган тиниш белгилари ўнта бўлиб, уларга нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!), кўп нуқта (...), тире (—), қўштирноқ (»), икки нуқта (:) кабилар киради.

Санаб ўтилган ҳар бир тиниш белгисининг ёзувда ўз вазифаси, ўз ўрни бор: нуқта, сўроқ ва ундов белгилари матнда турли мазмундаги гапларни ажратиш, чегара-лаш, хитоб, таажжуб каби туйғуларни ифодалаш учун хизмат қиласди. Ёзувда энг кўп қўлланадиган тиниш белгиси вергул бўлиб, у содда гапларда уюшиқ бўлаклар, ажратилган бўлаклар, кириш бўлаклар, ундалмаларни; қўшма гапларнинг таркибидаги содда гапларни ажратиш учун хизмат қиласди. Иншолардан вергул нотўғри қўйилган ҳолларга мисоллар келтирамиз: 1.«Бахт ҳақида кўйлар экан, шоирнинг ватанпарварлик туйғулари қайнаб-тошади» (эргашган қўшма гап таркибидаги пайт эргаш гап ва бош гап ўртасидаги вергул тушиб қолган).

2. «Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида инсонпарварлик, самимий севги, қаҳрамонлик каби юксак гояларни илгари сурди. Билим, ҳунар ва санъатни юқори кўтариб, илмнинг ютуқларини башариятга бағишлишга чақирди». Бу матнда яхлит бир фикр ифодаланяпти: ҳамма юксак гояларни илгари сурган ҳам, билим, ҳунар ва санъатни юқори кўтарган ҳам, илм ютуқларини башариятга бағишлишга чақирган ҳам бир шахс Алишер Навоий. Шундай бўлгач, бу яхлит фикрни бўлакламасдац, мураккаблашган бир содда гап тарзида ифодалаш, нуқта ўрнига нуқтали вергулдан фойдаланиш лозим эди. Вергуллар уюшиқ бўлакларни белгилаш учун тўғри қўлланган.

3. «Фарҳод шу билан бирга вафодор ошиқ ҳамдир. Навоий бу достонларда жумладан «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам хотин-қизалар образларига катта эътибор беради». Бу гапларда *шу билан бирга, жумладан* кириш бўлаклари гапнинг бошқа бўлакларидан иккى томонлама вергул билан ажратилиши лозим эди.

4. «Сен билан бир умр мен ҳам галма-гал,
Мудом шивирлайман бобо, дехқоним,
«Сен омон бўлгин».

Эркин мавзуда ёзилган иншодаги бу шеърий сатрлар абитуриентнинг «ижоди»дан. Бу шеърий парчада (мазмун сийқалигини эътиборга олмай турдиган) «бободеҳқон» сўзи вергул орқали нотўғри ажратилган. «Галма-гал» ва «мудом» сўзларининг ёнма-ён келиши мантиқан тўғри эмас. Кўчирма гап бу ерда «Бободеҳқоним, сен омон бўлгин». Демак, кўрсатилган шеърий парча ишорат белгиларининг қўлланиши жиҳатдан шундай ёзилиши керак эди:

«Сен билан бир умр мен ҳам галма-гал
Мудом шивирлайман: «Бободеҳқоним,
сен омон бўлгин».

Абитуриентлар кўчирма гапларнинг муаллиф гапи билан муносабати, бунда қўлланадиган тиниш белгилари, кўчирма гапларнинг қўштириноқ ичида қачон бош ҳарф билан ва қачон кичик ҳарф билан бошланишини, одатда, яхши ажратолмайдилар. Матнда икки нуқтадан кейин қўптириноқ ичида бериладиган мустақил кўчирма гап ёки кўчирманинг биринчи сўзи доим бош ҳарф билан бошланади: «Она: «Ақлу идрокни қонга ғарқ қилиб бўлмайди!» — деб хитоб қилди». Ёки: атоқли ёзувчи М. Горький шундай деган: «Ҳаётнинг энг зўр хурсандчилиги ўзингни кишиларга керакли ва яқин ҳис этишdir». Лекин қўштириноқ ичида кўп нуқтадан сўнг гапнинг бир қисмигина берилса ёки бадиий матндан олинган, гапга тенг бўлмаган кўчирмалар берилса, уларнинг биринчи сўзи атоқли от бўлмаган ҳолларда кичик ҳарф билан ёзилади. Масалан: «Ўзбек адабиётида баҳт, озодлик мавзусини атрофлича ишлаган, поэзияда «баҳт фалсафаси» ни яратган шоирлардан бири Ҳамид Олимжондир. У «...асрларнинг қайғусини қарғаб, шодлик, баҳт куйини чалган» шоирдир.».

Тире ҳам иншода нисбатан кўп қўлланадиган тинилл белгиларидан биридир. У ажратилган бўлакларни, уюшиқ бўлаклардан кейин келган умумлаштирувчи сўзни, боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни ажратиш учун қўлланади. Иншоларда, айниқса, боғлавмаларсиз келган от-кесимларни эгадан ажратиш учун тире кўп қўйилади: «Ҳ.Олимжон — баҳт ва шодлик

куйчиси». «Абдулла Қаҳҳор — моҳир ҳикоянавис» (тире эга ва от кесим орасида қўйилган).

Иншонинг сарлавҳасидан кейин, «режа» сўз-тапидан сўнг ва режанинг ўзида тиниш белгиларининг қандай қўйилиши кўпчилик абитуриентларни қизиқтиради. Бизнинг фикримизча, иншонинг сарлавҳасидан **сўнг** нуқта қўйилишига ҳожат йўқ. Нуқта матнда гапларни бир-биридан чегаралаш учун қўйилади, шундай әкан, сарлавҳадан сўнг нуқтанинг қўйилиши ортиқча. «Режа» сўзидан сўнг икки нуқта қўйилиши тўғри бўлади. 1) «режа» сўзи фақат сарлавҳа эмас, у иншони ёзиш режаси, йўналиши қандай масалаларни қамраб олишини билдирувчи қисмлар ва бандлардан иборат; 2) бу қисмлар ва бандларни баён қилиш учун эса «режа» сарлавҳасидан сўнг икки нуқта мантиқан зарур. Адабий-ижодий мавзуларда ёзилган иншоларнинг режалари билан эркин мавзуларда ёзилган иншоларнинг режалари бир-биридан фарқланганидек, уларда қўйиладиган тиниш белгилари ҳам бир-биридан фарқланади. Режаларда тиниш белгилари қандай қўйилишини берилган памуналарда кўриш мумкин.

Иншоларнинг бадиий-эстетик томонини яхшилаш мақсадида абитуриентлар иншоларга эпиграф ҳам ёзадилар. Эпиграф одатда, бошқа бирон мапбадан олинадиган ҳикматли гап, шеърий парча, монологдан олинган қисм тарзида бўлгани учун қўштириноқлар орасида режадан сўнг берилади. Эпиграф олинган манба ва муаллиф кейинги қаторда қавсга олинмасдан кўрсатиласди. Қавс бу ўринда ортиқча.

УСЛУБИЙ (СТИЛИСТИК) ХАТОЛАР

Бу хил хатоларга: 1) сўзларни тўғри танлай билмаслик; 2) гап таркибида сўзларни ўз ўринда қўлламаслик; 3) келишик қўшимчаларини алмаштириб қўллаш; 4) фикрларнинг мантиқий багланishiга эътиборсизлик каби хатолар киради. Шуларни қўриб чиқайлик:

1. Фикрнинг равон ва кўркам ифодаланиши ҳар бир сўзни тўғри танлай билиш, худди шу ўринга керакли сўзни топа билишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Сўзнинг сўздан фарқи борлигини, ҳатто синоним сўзлар ҳам козик маъно қирралари билан бир-биридан фарқланишини ёдда тутиш керак. Сўзга эътиборсиз, сўзга камбағал ўкувчиларнинг иншосида айни бир сўз кетма-кет келган

жумлаларда, ўхшаш ифодалар эса бутун иншо давомида такрорланавериши шундан. Масалан: «Пахта халқ учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ундан жуда кўп нарсалар олинади». Бу гапларнинг биринчисида «нарса» сўзи ўринида «хом ашё», «моддий бойлик» каби тил воситаларидан бирини олиш, иккинчи гапни эса «Ундан халқ хўжалиги учун жуда керакли буюмлар (истеъмол моллари ёки маҳсулот) ишлаб чиқарилади» деб ўзгартириш услугбий ғализликни, фикр ифодасидаги тўмтоқликни ўйқотган бўлар әди.

2. Танланган сўзлардан гапни тўғри тузиш, гап бўлакларини фикр мақсадига мувофиқ жойлаштириш ҳам матн устида масъулият билан ишлашни талаб қиласди. Бу ўринда сўз заргарларидан бири Абдулла Қодирийнинг «Йўсиниз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди» деган сўзларини эслайлик. Пала-партиш тузилган гап фикрнинг саёзлиги белгиси бўлиб, нима дейилмоқчилигини тушуниб етишни мушкуллаштиради. Абитуриентларнинг иншоларига мурожаат қиласди:

1) «Ватанимизга керакли нарсани «оқ олтин»ни келгусида тонналаб пахта етиштиришларига тилакдошмиз». Бу гапдан бирон фикр англаш қийин, чунки: «нарсани» сўзи ортиқча, лекин унда зарур эга (биз), қаратқич аниқловчи (пахтакорларимизнинг) ва яна бир аниқловчи (тонналарнинг миқдорини билдирувчи сўз) етишмайди. Агар шу нуқсонларни бартараф қилсак, юқоридаги гапни қуйидагича қайта тузиш мумкин: «Биз ватанимизга керакли «оқ олтин»дан келгусида пахтакорларимизнинг миллион тонналаб ҳосил етиштиришларига тилакдошмиз».

2) «Фарҳод ва Ширин» достонидаadolатли ҳукмдор Меҳинбону ва унинг жияни Ширин образларидир. Мантиқан нотўғри, мужмал тузилган бу жумла қуйидагича йўсинда бир оз ўзгартирилса, гапдан кузатилган мақсад тушунарли бўлади: «Фарҳод ва Ширин» достонидаadolатли ҳукмдор Меҳинбону ва унинг жияни Ширин образлари берилган» ёки «... яратилган».

3) «Бундан кўриниб турибдики, Фарҳоднинг мустақил иродали, вафодор йигитлиги, золим Хисравнинг эса маънавий пучлиги». Бу гапда «мустақил» сўзи нотўғри танланган, унинг ўринида «мустаҳкам» сўзи ишлатилиши ўринли бўлади; бундан ташқари, гапнинг бўлаклари нотўғри жойлаштирилган. Бу гап: «Бундан Фарҳоднинг

мустақкам иродали, вафодор йигитлиги ва золим Хисравнинг маънавий пучлиги кўриниб турибди» деб қайта тузилиши лозим.

4) «Ширин Фарҳод каби инсонпарвар, мустақкам иродали ва садоқатли қиздир». Бу гапда ўқувчининг айтмоқчи бўлган фикри чиқмай қолган. Агар бу гап «Ширин Фарҳоддек инсонпарвар, мустақкам иродали ва садоқатлидир» ёки «Ширин инсонпарварлик, мустақкам иродалилик ва садоқатлилиқда Фарҳоддан қолишмайди» деб тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Абитуриентлар ўз фикрларини қоғозга туширишда баъзан яна бир нуқсонга йўл қўядилар: хат бошидан бошланган биринчи ганда фикрнинг ким ҳақидалигини билдирувчи бўлак — эга ифодаланади, лекин кейинги гапларда эга, айрим ҳолларда бошқа бўлаклар ҳам «тушиб қолади» ва фикрнинг тўмтоқ чиқиб қолишига сабаб бўлади: «Меҳинбону Ширин билан биргаликда мамлакатни сув билан таъминлаш мақсадида уларни (кимларни?) канал қазишга чорлайди. Канал ишида жасорат билан меҳнат қилаётган баҳодир бир йигитни кўради (ким кўради?)

5) Ган тузишда, гап бўлакларини бир-бирига боғлашда келипник қўшимчаларининг аҳамияти катта. Гап бўлакларини бир-бирига боғлашда келишикларнинг ҳар бири ўзига хос вазифани бажаради, шунинг учун келипник қўшимчаларини алмаштириб, пала-партиш қўллаш мазмунга путур етказади, гапнинг грамматик жиҳатдан нотўғри тузилишига олиб келади. Айниқса, қаратқич ва тушум келишикларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш иншоларда жуда кўп учрайди. Жонли сўзлашувда бу икки келишикнинг бир хил талаффуз қилиниши (-ни тарзида) ёзма нутққа ҳам таъсир қилади. Бундай мисоллар иншоларда ҳам тез-тез учрайди: «Достонда шоир образни шу томонига алоҳида эътибор беради». «Образнинг шу томонига» бўлиши, яъни «образ» сўзи тушум эмас, қаратқич келишиги шаклида бўлиши керак эди. Тушум келишигидаги сўз, одатда, феъл кесимига боғланади, қаратқич келишигидаги сўз эса әгалик қўшимчасини олган сўзни ўзига қаратиб келади. Бу мисолимизда «образнинг» қаратқич аниқловчи, «шу томони» — қаралмиш. «Техника далада қўл меҳнатининг енгиллаштирум оқда» мисолида эса аксинча, «меҳнат» сўзи тушум келишиги қўшимчасини олган ҳолда «енгиллаштирум оқда» феълига боғланиши тўғри келади.

Айрим шева вакиллар бошқа келишикларни ҳам, ма-салан, жўналиш ва ўрин-пайт келишикларини ҳам чал-каптирадилар. Иншо ўзбек адабий тилида ёзилади, шунинг учун унда шева таъсирига хос йўл қўйилган хатолар ҳам ҳисобга олинади. Масалан: «А. Қаҳҳор ада-биётимизга наср устаси сифатида танилди» мисолида «адабиётимиз» сўзи ўрин-пайт келишигининг қўшимча-си билан келганда тўғри бўлар эди.

Она тилисини, унинг қоидаларини пухта биладиган ўқувчилар эса иншонинг қораламаси устида қунт билан ишлаб, мазмунли ва саводли иншо ёзиб, муваффақиятга эришадилар.

6. Матн устида ишлаш ниҳоятда катта масъулият талаб қиласи. Иншо матнини мантиқан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган гаплардан иборат хат бошиларга ажратишда абдитуриент эҳтиёткорлик билан ёнда-шиши, иншонинг мавзуси ва мазмунидаги бирликнинг бошдан-оёқ изчил сақланишига эътибор бериб бориши лозим. Агар иншо мустақил ва ижодий ёзилган бўлса, иншонинг қораламаси бундан яққол далолат бериб тура-ди: матнни хат бошиларга ажратиш, гапларнинг тўғри, услубан силлиқ тузилиши устида ишлаш, сўз ва бошқа тил воситаларини танлаш каби жараёнлар иншонинг қораламасига бир қарашдаёқ кўринади. Афсуски, айрим иншоларнинг «қоралама»ларида ўчирилган ёки тузатил-ган сўзни ҳам топиш қийин бўлади. Бу эса, табиий, ўша иншонинг қандайдир тайёр манбадан кўчирилганидан далолат беради.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мум-кини, яхши иншо ёзиш учун мавзунинг асосидаги ада-биғ-бадний материални пухта ўрганиб чиқиши, уни мус-тақил таҳлил қилиб, чиройли ижодий иш ёзиб бериш-пинг ўзи киғоя қилмайди. Иншода она тилимизнинг бойлиги, фикр ифодалашдаги кенг имкониятлари ҳам акс этган бўлиши, айни пайтда, ишшо ниҳоятда саводли ёзилган, қўйол орфографик ва бошқа хил хатолардан холи бўлиши лозим.

Абитурентларга методик ёрдам сифатида мустақил фикрлашга, бадний асар ҳақида ўзининг шахсий муноса-батларини билдиришга мажбур этувчи ТошДД тайёрлов бўлими тингловчиларининг адабий-ижодий мавзуларда ёзилган баъзи бпр иншоларидан намуналар берамиз.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ «МЕХРОБДАН ЧАЕН»

романидан олган таассуротлар

Иншонинг режаси:

1. Абдулла Қодирий — ўзбек романчилик мактабининг асосчиси.
2. Ўзбек халқи тарихий ўтмишининг «Мехробдан чаён» романида ифодаланиши.
3. Анвар ва Раънолар — романнинг бош қаҳрамонлари.
4. Анвар — пок муҳаббат әгаси, халқпарвар, инсонпарвар йигит.
5. Раъно — ўқимишли, дид-фаросатли қиз.
6. Раъно — жасур ва хон зулмига қарши исёнкор қиз.
7. Романин яратишда ёзувчининг бадиий маҳорати.
8. «Мехробдан чаён» романининг менда қолдирган таассуротлари.

«Абдулла Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услугуда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчиси, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди».

E. Э. Бертельс

Ўзбек адабиётининг таниқли вакилларидан бири уста насривис ёзувчимиз Абдулла Қодирийдир. У мураккаб ҳаётий ва ижодий йўлни босиб ўтди. Ёзувчи «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларини ҳамда «Обид кетмон» қиссасини яратган. Бу жиҳатдан шу ўринда атоқли адабимиз Абдулла Қаҳҳорнинг Абдулла Қодирий тўғрисида айтган қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдиқ. «Абдулла Қодирий... янги давр адабиёти.. Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам баркамол асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адидир».

А. Қодирий «Мехробдан чаён» романида Қўюн хони — Худоёрхон даврини, тарихимизнинг «энг кир, энг

қора» кунларини акс эттиради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «Меҳробдан чаён» ўзининг ҳамма жиҳатлари билан ўзбек адабиёти тарихида майдонга келган янги воқеа бўлди. Романда А. Қодирий халқ ҳаётини — қуий ва ўрта табақа вакиллари ҳаётини тасвирлайди. Чунки асар қаҳрамонларининг аксарияти оддий халқ кишилари. Улар турмушнинг роҳатидан кўра машаққатини, адолатидан кўра маломатини, чучугидан кўра аччиғини кўпроқ тотиб кўришган.

Мен «Меҳробдан чаён» романини ўқир эканман, халқ кечмишининг реалистик манзарасиши ифодалаган ёзувчи Абдулла Қодирийга тасаннолар айтдим. Чунки биз тарихий ўтмишни, феодализм ва хонлик тузуми қонунлари туфайли азоб чеккан халқ турмушини яхши билсак, ҳозирги ҳаётимизнинг қадрига шунчалик яхши етамиз.

Романин ўқир экансиз, асар саҳифаларидан бош кўтармай қоласиз. Ёзувчи бизни тарих бағрига бошлайди, Анвар ва Раъононинг оташин муҳаббати, уларнинг қалб кечинмалари, ўй-хаёллари билан таниширади. Мен Анвар — Раъно саргузаштининг гоҳ қайғули, гоҳ ёруғ саҳифаларини қайта-қайта ўқир эканман, гўё унча олис бўлмаган ўсмирлик давримга бориб келгандай, инсон ҳаётининг ўша бегубор ва пок дамларидаги дўстларим билан дийдор кўришгандай бўламан. Романдаги ғоят гўзал назокат ва латифлик билан нурга йўғрилиб ёзилган севги саҳифалари эса... менга илк муҳаббатимни, эрта топиб, эрта йўқотган севгилимини эслатади. Шунда мен қалбимнинг энг муқаддас тубида абадий сақланиб қолган ўша қишлоқ қизини кўргандай, унинг ошиқ юрагига малҳам бўлувчи қўнгироқдай сўзларини эшитгандай, ипакдай майин соchlарини силагандай бўламан. Ширин хотира мени олисларга олиб қочади... Лекин юракдаги ҳар гапни очиқ сўзлаш ҳам фазилат эмас. Мен «Меҳробдан чаён» романини яратган буюк инсон олдида, шу роман олдида ҳамиша бош эгаман, ёзувчига қўлимни кўксимга кўйиб таъзим этаман.

Маълумки, романнинг бош қаҳрамонлари Анвар ва Раънолардир. Анвар ёшлигиданоқ қобил, зийрак ва одобли бола бўлиб етишади. У дўстларига самимий муносабатда бўлади, севгисида вафодор, пок муҳаббат эгасидир. Анвар зулм ва ҳақсизликка қарши қучли нафрат билан курашади.

Романдаги Раъно образи жуда қизиқарли, ҳатто ни-

ҳоятда қизиқарли чиққан. Бу қиз гўзал, яхши маълумотли, кўплаб шарқона асарларнинг қаҳрамонларига хос бошқа сифатларга ҳам эга. Раъононинг Анварга бўлган муҳаббати самимий ва покиза. Романинг ўқир эканман, у менинг кўз ўнгимда китоб саҳифалари ичра «гулларнинг раъноси» бўлиб ўсиб-улғаяди. Раъононинг гўзалиги тасвирига, унинг ички оламини очишга, қалб кечинмаларини ифодалашга, лирик ҳис-туйғуларини шоирона тасвирлашга багишлиланган жумлалар романнинг энг севимли саҳифаларидир. Бу саҳифаларни яратишда Абдулла Қодирий ўзининг бутуни санъаткорлик маҳоратини, улкан сўз санъати устаси эканлигини, буюк адаблигини яна бир бор намойиш қилади. Романинг ўқир эканман, Раъони севиб қолдим. Ўзингиз менга холис баҳо бериб айтинг-чи, Раъони севмаслик мумкинми, ахир?

Раъно характеристининг менга ёқиб қолган фазилатларидан яна бири унинг жасурлиги ва қўрқмаслигидир. Раъононинг иродали қиёфаси, хусусан, романдаги «Очиқ хат», «Маъшуқа маҳбаси», «Жасур қиз» бобларида чуқур очиб берилган. Ўрни келганда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, эркак либосини кийиб, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашган, ҳатто ватан ва ҳалқ манфаати йўлида от мишиб, қилич чопган ва қаҳрамонлик кўрсатган аёллар Узбекистон тарихида кўп учрайди.

Анвар ҳал қилувчи найт келганда иккиланиб қолади, нима иш қилишини билмай, муҳаббатнинг дунёвий хислатлари тўғрисида Раънога фалсафа сўқади. Ишқ давоси — ҳажр эмиш. Мана, Анвар фалсафасининг моҳияти.

Хўш, Раъно-чи? Бу вазиятда у қандай иш тутади? Раъно энг аввало Анварга: «... хоннинг ифлос тўшагида ётмайман», — деб кескин жавоб беради. Ўз тақдирини ҳал қилувчи дақиқаларда иккиланган Анварнинг акси ўлароқ, Раъно ўз муҳаббати учун курашади, хонга қарши исён кўтаради, ҳатто Анварни йўлга солиб, уни кураш майдонига қайтаради. Шу жиҳатдан Раъно бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам таҳсинга лойиқ ва ёш қизларимизга ибратдир.

А. Қодирий «Меҳробдан чаён» романини яратиш учун кўп куч-ғайрат, ижодий меҳнатини сарғлади. Маълум маънода «Меҳробдан чаён» романини биз Абдулла Қодирий ижодининг синтези, ёзувчи ижодий фаoliyati-ning қаймоги деб аташга ҳақлимиз. Аввало, ёзувчи ижодига ўзбек мумтоз адабиёти кучли таъсир қилди. Сўнг-

ра буюк адибга маълум даражада араб адабиётида тарихий романчиликнинг асосчиси Журжи Зайдон ижоди орқали немис ёзувчиси В. Скотт таъсир қилди. Немис адабиётшуноси П. Кирхнер бу ҳақда жуда чиройли фикр айтган: «Қодирий тарихий материални асар руҳига сингдиришда ҳикоя, қилишнинг шарқона усули билан В. Скотт мактаби услубини санъаткорона синтез қилган». Абдулла Қодирий ижодининг яна бир йирик тадқиқотчisi, немис олимаси Ниота Тун ёзувчининг бадиий маҳорати устида тўхталиб: «А. Қодирий шаклланиб улгурмаган янги адабий тилни ривожлантиришга катта эътибор берди, янги тасвирий воситалар қидирди, фикрнинг аниқлиги ва сўзларнинг ихчамлиги, соддалигини бундай воситалар учун асосий мезон қилиб олди», — деб ёзган эди.

«Меҳробдан чаён» романининг катта тарбиявий ва тарихий аҳамияти бор. Орадан ўнлаб йиллар ўтди, яна юзлаб йиллар ўтади. Лекин Абдулла Қодирий яратган асарлар жозибаси, юксак инсоний принциплари, шахс эрки учун, ор-номус ва севги ҳуқуқи учун кураши билан кишиларни ҳаяжонга солади. Улар ҳозирги кун одамлари учун ҳам қалбга яқин ва тушунарлидир. «Меҳробдан чаён» романни энг севимли асарларимдан бири сифатида мен учун доимо «ҳаёт дарслиги» бўлиб қолади.

ИУЛЧИННИГ ХАЛҚ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ

Иншонинг режаси:

I. Кириш:

1. Ойбек — уста насрнавис.

2. «Қутлуг қон» романни — 1916 йил халқ озодлик ҳаракатини ҳаққоний акс эттирувчи асар.

II. Асосий қисм:

1. Йўлчи — романнинг бош қаҳрамони.

2. Йўлчи — содда, самимий қишлоқ йигити.

3. Йўлчининг меҳнатга муносабати.

4. Самимий муҳаббат эгаси ва соғ қалб соҳиби бўлишг қишининг энг яхши фазилатидир.

5. Йўлчи — маънавий юксак, иродаси мустаҳкам йигит.

6. Йўлчи — ҳақиқат, адолат талаб:

а) «Ажаб дунё әкан. Ҳар ерда деҳқоннинг иши чатоқ...»;

б) «Токайгача эзиламиз... Шу вақтга давр эшитдим, чидадим, энди-чи? Йўқ!»

7. Йўлчи — халқ озодлик ҳаракатининг раҳбари.

III. Хулоса:

1. «Ҳақиқат букилар, лекин синмас».

2. Йўлчи образининг аҳамияти.

«...Йўлчи халқ учун, юрт учун қон тўқди. Бу қон энг қутлуг, энг муборақ, энг соғ қон... Номус билан, мардлик билан ўлди. У зулм илдизига болта урди... Зулм дарахти қурийди. Йўлчининг қони беҳуда кетмайди, сира беҳуда кетмайди».

(«Қутлуғ қон» романидаги Шокир ота сўзидан)

Ойбек—ўзбек адабиётининг йирик ва таниқли вакилларидан бири. Атоқли насрнавис, «асримиз Навоийси» Ойбек «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас», «Улур ўйл» каби романларнинг, «Нур қидириб», «Болалик» сингари қиссаларнинг муаллифицир. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек адабиётида ўзига хос воқеа бўлди.

Ушбу асарлар ичida «Қутлуғ қон» романни алоҳида ажратлиб туради. «Қутлуғ қон» — ўзбек адабиётининг шоҳ асари, адаб Ойбек ижодининг гултоҗиси.

«Қутлуғ қон» романни 1916 йилги халқ озодлик ҳаракатини ҳаққоний акс эттирувчи асар бўлиб, ўзбек адабиётининг олтин фондидан муносиб ўрин олган. Романда ўзбек меҳнаткашларининг оғир ва жафоли ҳаёти манзараси, уларнинг чор самодержавиесига қарши олиб борган машаққатли курашлари, ана шу кураш давомида меҳнаткашларнинг онги тобора юксалиб борганлиги зўр ҳаяжон ва ёрқин пафос билан, юксак маҳорат билан тасвирланган.

Йўлчи романнинг бош қаҳрамонидир. У содда, самимий қишлоқ йигити, деҳқон боласи. У Сайрам қишлоғидан шаҳарга — тоғаси Мирзакаримбойникига келади. Аммо «жиян» «тога»нинг уйида эртадан кечгача тиним билмай ишласа-да, меҳнати қадрланмайди.

Бой даргоҳида Йўлчи ўзига ўхшаган камбағал қиз Гулнорни севиб қолади. Унинг севгиси ҳам қалбидек пок ва мусаффодир. Соғ қалб соҳиби ва самимий муҳаббат әгаси бўлган Йўлчи тантиниқ ва енгилтак қиз Нурининг «муҳаббати»га, унинг сохта севгисига учмайди. Биз бу ўринда чин инсоний муҳаббат фақатгина олижаноб қалб әгаси бўлган инсонларгагина хос эканлигини яна бир борчукур ҳис этамиз. Йўлчининг иродаси мустаҳкам эканлиги, енгил-елпи ҳавасларга учмаслиги унинг Нурига бўлган муносабатида яққол намоён бўлади.

Атрофдаги воқеалар, меҳнаткаш халқ тортаётган чексиз фам-аламлар, тоғаси Мирзакаримбойнинг унга ўхшаган хизматкорларга бўлган муносабати энди Йўлчи характерида бурилиш ясади, ҳаёт қонуниятларини чуқурроқ ўйлашга мажбур қиласди. У ҳаётда ўсиб, оқ-қорани бирбиридан ажратиб, дўст билан душман ким эканлигини таний бошлайди. Шу даражага борган Йўлчи: «Токайгача эзиламиз... Шу вақтга давр эшиздим, чидадим, энди-чи? Иўқ!» — сўзларини айтишга журъат қиласди. Бу ҳол — Йўлчининг аста-секин мазлум халқининг йўлбошчисига айланиши романда жуда ишонарли ва ҳаққоний тасвирланган.

Йўлчи Ташкент меҳнаткашларининг 1916 йилги озодлик қўёзғолонида фаол иштирок этади. У халққа мурожаат қилиб дейди:

«— Халойиқ! Бўш келманглар, оёқни тираш керак, муштни кўрсатиш керак... Токайгача қон ютамиз, токайгача чўккалаймиз? Овозимизни баланд қўяйлик. Ё ҳақ, ё ўлим!»

«Ё ҳақ, ё ўлим!» учун бўлган бу жангда Йўлчи ҳалок бўлади. Лекин Йўлчининг ўлими, у тўккан қутлуғ ва муборак қон беҳуда кетмади. «Ҳақиқат букилар, лекин синмас» деган буюк сўзлар яна бир карра исботланди.

Йўлчи образининг жуда катта аҳамияти бор. Бу образ бизга халқимизнинг ўз озодлиги, ўз эрки, ўз мустақиллиги учун қандай кураш олиб борганлигини, бу кураш давомида неча-неча жасур ўғлонлар жон олиб, жон берганлигини ўргатади. Қалбимизда Йўлчига ўхшаган озодлик курашчиларини ўлдирган мустамлакачиларга нисбатан чексиз нафрат туйғулариши жўш урдиради. Вужудимизни, бутун борлиғимизни ватанга, халққа нисбатан чексиз муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари қамраб олади. Халқ ва ватан озодлиги йўлида тўкилган қонлар беҳуда кетмаганига, бу қонлар оққан жойда озодлик чечакларига

барқ уриб, яшнаб ўсаётганлигидан беҳад қувонамиз. Зероки, бугунги кунда Йўлчи мустақиллигимиз учун курашда биз билан бир сафда туриб, порлоқ келажак сари шахдам қадам ташлаб бормоқда.

БОБУР ЛИРИКАСИДА МУҲАББАТ, ДЎСТЛИК ВА ИЛМГА ЭЪТИҚОД ФОЯЛАРИНИНГ КУЙЛАНИШИ

Ишонинг режаси:

I. Кириш:

Бобур — лирик шоир.

II. Асосий қисм:

1. Бобур лирикасининг мавзуи ҳақида қисқача маълумот.

2. Бобур — ҳаёт, севги ва шодлик куйчиси.

3. Бобур лирикасида ёр мадҳияси.

4. Бобур лирикасида дўстликнинг улуғланиши.

5. Ватан иштиёқи — Бобур рубоийларининг асосий мавзуи.

6. Бобур рубоийларида илм әгаллашга бўлган чақирикнинг ифодаланиши.

III. Хулоса:

Бобур лирикасининг аҳамияти.

«Бобур лирикасининг тили Навоийницидан содда, Навоийнинг ижод техникасидан оддий ва бу оддийлик ўқувчиларни кўпроқ ўзига жалб қиласди».

(A. Самойлович)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек мумтоз адабиётиниг таниқли намсияндларидан бири, атоқли шоир ва давлат арбобидир. Бобур юксак дидли, нозик мушоҳадали лирик шоирdir. Ўзбек га форс-тожик тилларини мукаммал әгаллаган Бобур ижодининг дастлабки давридан то умрининг охиригача ўзбек тилида асарлар яратди. У лирик асарларини тўплаб, икки девон тузган.

Бобур ўз она тилига бўлган муҳаббатини камтарлик билан қуйидагича қайд этади:

Эрурмаи турк ошиқ, кеш билсан ғорсий қони,
Десам ҳолимни билса, форсийдан дилбарим они.

Бобур лирик турниңг ғазал, рубоий, туоқ, қитъа, фард, маснавиј каби жаңрларида ижод қилди. Үнинг лирик асарлари ичида ғазал ва рубоийлар асосиј ўринниң эгаллады.

Бобур лирикаси мавзуу жиҳатидан бой ва хилма-хилдир. У ҳаёт шодликларини, севги ва садоқатни, илм-маърифатни күйлайди. Бобур лирикасида ватанин соғинини, ҳижрон ва ғурбат дарди, галабалар нашидаси ва мағлубият алами, «тақдир» дан нолиш ва ағсус-надомат оҳанглари ҳам мавжуд бўлиб, бу үнинг ҳаётдаги муваффақиятсизликлари ва ўз она-юртидан узокда яшashi билан ҳам боғлиқ эди. Мураккаб ва зиддиятли ҳаёт ҳамда кураш йўлини босиб ўтган, турли хил ғазилатларга эга бўлган шоир Бобурнинг ўзи бу лириканинг марказий қаҳрамонидир.

Инсон кечинмаларининг хилма-хил томонларини қамраб олиши, ҳаётнинг турли масалаларини тасвирлаши билан Бобур лирикаси бошқа шоирларнидан фарқ қиласди. Бобур ҳаёт, севги ва шодлик күйчисидир. Үнинг ғазалларида мавжуд ҳаётни севиш, гўзал табиатдан баҳра олиш, соғ севгини улуғлаш, инсонга муҳаббат каби қайфиятлар ниҳоятда кўтаринки руҳда ифодаланади:

Ез ғасли, ёр васли, дўстларининг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг қайғияти...

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт пла,
Мундин ортиқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг пшрати.

Шоир бу мисраларда «уч иш»ни, яъни «шеър баҳси», «ишқ дарди», «боданинг қайғияти»ни «уч вақт» билан — «еъз ғасли», «ёр васли» ва «дўстларининг суҳбати» орқалиг ўтказишни алоҳида таъкидлайди ва ҳаётнинг ҳакиқий гўзаллигини ҳам шунда кўради.

Бобур севгини ҳаёт га шодликнинг манбаи деб үнсублайди. Ёрнинг кўрки ва ғазилатлари билан оламда ҳеч нарса тенглаша олмайди. Бобур, айниқса, рубоийларида ёрга бўлган муҳаббат, вафо, садоқат каби туйғуларни ниҳоятда нозик дид ва ўткир ҳис билан, юксак бадиий маҳорат билан кўйлади.

Мана, шоирнинг висол ва ҳижрон, ёр гўзаллиги, ошиқнинг руҳий кечинмаларини ифодаловчи муҳаббат мавзудаги бир рубоийси:

Сен гулсену, мен ҳақир булбулдумен,
Сен шуъласену, ул шуълаға қулдумен.

Нисбат йўқтур деб ижтиоб айламаким,
Шаҳмен элга, vale сенга қулдурмен.

Бобур маъшуқани гулга, ўзини эса хор булбулга ўхшатади. Маъшуқани шуълага тенглаштириб, ўзини шуълага қул деб билади. Бу киёс маъшуқа учун ўринисиз кўриниса, элнинг подшоҳи бўлган ошиқ маъшуқага қул бўлишга тайёрдир. Юқоридаги рубоийсида онисиқ шоир ёрни бутун қалби билан севишини таъкидлайди, унга самимий эҳтиром кўрсатади ва камтарлик билан ўзини севги бобида забун ва маъшуқа олдида ожиз деб билади.

Бобур ҳаётни, севги ва шодликни куйлаб, кўпгина хайёмана жўшқин рубоийлар битди. Севимли шоиримиз Мақсад Шайхзода таъбири билан айтганда, «Бобур рубоийнинг мастери бўлди». Қези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек мумтоз адабиётида ҳеч ким Бобурдек гўзал ва ўқишли, бадиий жиҳатдан юксак ва ўтқир мушоҳадали рубоийлар ёзган эмас. Давримизнинг истеъдолди шоири Абдулла Орипов буюк шоир ҳақида қўйида-ти мисраларни бежиз яратган эмас:

Сиз — зобит, дастини чўзган дунёга,
Сиз — шоир, мангу бир аланга ёқсан.
Наинки бандалар Сизнинг сиймога
Не-не салтанатлар кек билан боққан...
Назмий саждагоҳда Сизга ҳойнаҳой,
И момликка ўтгай фақат Алишер.

Бобур лирикасида дўстлик мавзуси алоҳида бир ҳарорат ва ёниқ пафос билан қўйланади. Бу ҳол, айниқса, шоирнинг рубоийларида яққол намоён бўлади. Шоир тубандаги рубоийсида вафога яхшиликни, жафога ёмонликни нисбат беради. Яхши киши ҳаргиз ёмонлик кўрмаслгини, аксинча, ёмон киши жазога маҳкум эканлигини, қилмишига яраша жазо тонаҗагини зўр ишонч билан таъкидлайди:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз.
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур ҳаёти давомида марказлашган буюк давлат вужудга келтириш учун Шайбонийхонга қарши бир неча бор кескин қураш олиб борди. У бу қурашларда маглубиятга учраб, она-ватанни ташлаб кетишга, «Ҳинд сори» юз тутишга мажбур бўлди, умрбод ўзга юртларда қолиб

кетди. Ватан муҳаббати, унга садоқат мавзуини ўзига хос күйлаган буюк мутафаккир шоир Бобур ватан ишқини, ватан ёдини ички ёниш, ўтли согиниш, шу билан бирга, алам билан тасвиirlайди:

Толе йўқи, жонимға балолиғ бўлди,
Хар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобурнинг ватанга муҳаббати, уни қўймаси, мусофирик маشاққатлари қўйидаги рубоийсида ҳам мунг ва алам билан ифодаланади:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу гарифликда шод ўтмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Илм-маърифатни қадрлаган ва унга ҳомийлик қилган Бобур улуғ устоз сифатида қўпгина рубоийларида илм олишга чақиради, илмли бўлишни улуглайди. Шоир фикрича, илм эгалловчи кишилар — толиби илм илмнинг шайдоси, фидойиси бўлмоғи керак, шундагина илмни чуқур ўрганиши мумкин:

Ким ёр анга илм, толиби илм керак,
Ўргангали илм, толиби илм керак.
Мен толиби плму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Бобур ўзининг лирик шеърлари билан ўзбек мумтоз шеъриятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди, жаҳон адабиёти хазинасини ўлмас дурдоналар билан бойитди. Биз Бобур шеърларини синчиклаб ўқир эканмиз, унинг ижодида «ёр» образи янги моҳиятга эга бўлиб, у «диёр» образининг бир синонимига, нисбати ва рамзига айланганини яққол кўрамиз.

Бобур шеърияти орқали унинг юраги, ҳис ва туйғуси, ўй ва орзуси, сукuti ва ҳаяжони бизнинг қалбимизга қўчади, бутун вужудимизни жуибушга, дилларни ларзага солади. Биз Бобур талқинидағолиб ва магур, шод ва қувноқ, умидли ва истиқболли Бобур образи билан бирга, умидсиз ва истиқболсиз, маглуб ва хомуш, аламли ва ҳасратли Бобур образини ҳам учратамиз, бу образининг маънавий қиёфаси ва қалби билан яқиндан танишамиз,

шоҳ ва шоир Бобурниң фикр-ўйи, ҳис-туйғуси билан дардлашамиз, қалбан унга ҳамроҳ бўламиз.

Ўз асарларида чин инсоний севгини қўйлаган, гўзал ҳаёт ва она-юртни мадҳ этган буюк шоир Бобур китобхонлар даврасида ҳамиша барҳаётдир. Бобур яшаган давр билан бизни тарихнинг беш юз йиллик олис масофаси ажратиб турса-да, шоирниң номи ҳалқимиз қалбидан муносиб ўрин олган. Зероки, Бобурниң шеърияти мағгуликка даҳлдордир.

ДИКТАНТНИ ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК?

Олий ўкув юртларига қабул имтиҳонларида ўзбек тили ва адабиётидан ёзма иш кўп йиллардан бери иншошаклида ўtkазилар эди. Кейинги йилларда абитуриентларга ёзма ишниң диктант шакли ҳам таклиф этиляпти.

1. ДИКТАНТ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ¹

Ўрта мактабларда иншо, баён ёзиш билан бир каторда, диктант ёзишга ҳам катта аҳамият берилади. Иншо ва баён ўқувчиларда ёзма нутқни ўстириш, фикрни равон га мантиқли ифодалаш малакаларини тарбияласа, диктант ўқувчиларниң саводхонлигини синаш ва ўстиришга хизмат қиласади. Диктант ёзиш кўп вақт таълаб қизмаслиги билан ҳам қулай. V—IX синфларда ўтказиладиган диктантлар икки йўналишида бўлиб, улардан таълимий диктантлар ўқув жараёнида, бевосита амалий машғулотларда тез-тез ўтказиб турилади. Таълимий диктантниң шундай турлари бор: 1) таъкидий диктант; 2) изоҳли диктант; 3) сайланма диктант; 4) ижодий диктант; 5) эркин диктант ва 6) лугат диктант. Булардан таъкидий, изоҳли ва сайланма диктант турлари орфография — имло қоидалари устида ишлашни кўзда тутади. Ижодий ва эркин диктант турлари орфографик имловий қондаларни мустаҳкамлаш билан бирга, ёзма нутқ малакасини эгаллаш, таянч сўзлар ва сўзшакллар асосида гаплар ва ихчам матнлар тувишни ўрганиш максадида ёзилади. Лугат диктант имлоси ҳали яхши

¹ Диктант турлари ва синфлар бўйича диктантдан сўзлар сопи ҳақидаги мулоҳазаларимизда И. Расуловниң «Ўқитувчи» нашириётида 1975 йилда чоп әтилган «Диктантлар тўплами» китобидан фойдаландик.

ўзлаштирилмаган ёки имлоси қийин сўзлар, янги атамалар билан яқиндан таништиришини ва уларнинг тўғри ёэилишини мустаҳкамлаш воситасл ҳисобланади. Бу диктантларнинг ҳар бири учун 7—10 дақиқадан 25 дақиқагача вақт ажратилади. Бинобарин, уларни ўтказиш вақтни кўп олмайди. Шунинг учун она тили дарсларида бу хил диктантларни тез-тез ўтказиб туриш ўқувчилар саводхонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Диктантнинг иккинчи йўналишдаги тури текширув (контрол) диктантидир. Текширув диктантлари ўрганилган қоидаларнинг ўқувчи томонидан қанчалик ўзлашганлигини назорат қилиш ёки ўрганиш мақсадида одатда чорақларни ва ўкув йилини якунлаш олдидан ўтказилалиди. Натижалар, ўқувчилар йўл қўйган хатолар синфда, албатта таҳлил қилинади, хатоларни тугатиш, уларга йўл қўймаслик машқлари ўтказилалиди. Шунинг учун текширув диктантини ўтказиш: 1) ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини текширишда; 2) хатоларни қамайтиришда муҳим тадбирдир.

Текширув диктантлари учун яхлит матн ёки терма гаплар таiplаб олиниши мумкин. Лекин кўп ҳолларда ўқитувчилар яхлит матнни афзал кўришади. Бунинг ўзи га хос сабаблари бор, албатта: яхлит матн маълум фикрдан бошланган ва мантиқий якунига етган мазмунга эга бўлади. Қўйи (5—6) спифларда диктант матнини ёздиришдан олдин уни 1—2 ўқувчига ҳикоя қилдириб, мазмунидан тушунилган фикрини сўзлатиш мумкин. Ундан ташқари, яхлит матннинг бадиийлиги, тарбиявий томондан бирон мақсадга қаратилгани ҳисобга олинади; қолаверса, яхлит матн ўқувчилар оигига осон етиб боради. Диктант ёздиришда онглилик муҳим ҳисобланади: ўқувчилар ёзётган сўзлари ва гапларини тушуниб ёзишлари керак.

Матн мазмуни, ундаги сўзлар миқдори ўқувчиларнинг ўшига, билим даражасига мос келадиган бўлиши лозим. Шунинг учун диктант матнларидағи сўзлар миқдори ҳар бир синф учун қуйидагича белгиланган:

синфлар	V	VI	VII	VIII	IX	X
сўзлар миқдори	80—100	100—130	130—150	150—170	170—180	180—200

Диктант матнидаги сўзларни ҳисоблашда сўзлар оралиғи билан ажратилган ҳар бир сўз шакл назарда тутилади. Жуфт сўзлар иккита сўз деё олинади: *аста-секин, отона, борди-келди* каби. Лекин таркибий қисмлари мустақил кўлланмайдиган *бай-бай, оҳ-оҳ-оҳ,вой-бўй, тақ-туқ* каби ундов ва тақлид сўзлар бир сўз шакл тарзида ҳисобланади.

Мактабда текшируз диктантлари ўтказишда матнидаги 2—3 та қийин сўз дарстахтада ёзиб кўрсатилиши мумкин.

ҚАБУЛ ИМТИҲОНИДА ДИКТАНТ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Қабул имтиҳонларида диктант абитуриентларнинг тил билимини, саводхонлик даражасини яққол кўрсатиб турвучи, айни пайтда уни ўтказиш ва текшириш кўп вақт талаб қилмайдиган ёзма иш туридир.

Текширув диктанти қўйидаги тартибга риоя қилган ҳолда ўтказилади:

1. Диктант ёзиш учун 1 соат вақт ажратилади. Бу муддат давомида диктант мавзуси қабул комиссиясидаги тартибга биноан вакил — абитуриент томонидан танланниб, эълон қилинади. Матн ўқитувчининг айтиб туриши асосида абитуриентлар томонидан ёзилади.

2. Диктант матни абитуриентларнинг ёни, «Етуклик гувернорномаси»га эгалликтарини ҳисобга олган ҳолда 200 сўз атрофида ташланади. Матнини мазмунни, гоязниб-бадиий томонни ҳам абитурентларга мос тарзда сиёсий-ижтимоий, одоб-ахлоқ, адабиёт ва санъет мавзуларда сайланади. Ёзсан олий ўқув юрти, унинг таркибидаги факультетларда ўрганилладиган ихтиносликлар бўйича ҳам матн ташланини мумкин. Матнлар, одатда, бадиий асарлардан, рўзнома ва ойномалардан олинади.

3. Диктантга ажратилган 1 соат — 60 дақиқанинг бўшлинишидаги 5 дақиқа ва сўнгидаги 5 дақиқа ташкилий ишларга кетади. Шуни ҳисобга олган ҳолда абитуриентлар 50 дақиқада 200 сўзни, яъни ҳар бир дақиқада ўрта ҳисобда 4 та сўзни ёзишга тайёр бўлишлари лозим. Бунинг учун олий ўқув юртларига кирмоқчи бўлган ёшларга диктант ёзиш бўйича кўп машқ қилишларини, тез ва чиройли ёзиш малакасини әгаллаш учун ёзиш тезликларини синаб туришларини, ҳуснихат бўйича шуғулланиб боришларини маслаҳат берамиз. Диктантда мана шу уч томон: етарли тезликда ёзиш, имло хатоларисиз ёзиш

ва чиройли ёзип мұхим. Бунга эса машқ орқали әришплади.

4. Матнлар хатжилдлар (конвертлар)да бир неча нұсқада имтиҳонға олиб кирилади ва абитуриентларға улардан бирини танлаш тақлиғ әтилади (албатта, хатжилдлар ёпиқ ва муҳрланган бўлади). Абитуриентлардан бири хатжилдлардан бирини танлайди, уни очади ва диктант матни сарлавҳасини ўқийди. Диктант олувчи ўқитувчилар сарлавҳани дарстахтага ёзадилар. Шундан кейин диктант матни абитуриентларга ўқиб эшилтирилади. Мана шу босқичда абитуриентлар матнни яхши тушуниб олишлари учун уни диқкат билан эшишлари жуда зарур. Чунки абитуриент матнни биринчи бор эшигандан, уни ўзига қабул қиласи, қийин сўзларни, қийин гапларни онгида ажратиб боради, шунга яраша ўз кучини чамалайди. Бундан ташқари, диктант ёзишда ўқитувчининг қандай ўкиши, сўз ва гапларни қандай талаффуз қилиши ҳам мұхим. Диктантни ўқийдиган ўқитувчи абитуриентлар учун янги одам. Унинг диктантни ўқиши, товушларни талаффуз этиши усулини абитуриентлар ўзлаштириб, тез фурсатда шунга мослашишлари керак. Диктант матни микрофониса ўқиб эшилтирилади.

5. Диктант матни ўқиб эшилтирилгандан кейин қабул имтиҳонида сиз учун қийин ёки нотаниш сўзлар дарстахтага ёзив борилмайди. Чунки матн ўрта мактабни битириб, қўлида «Етуклик гувоҳномаси» билан олий ўқув юрти останасига келган ўшларнинг билим даражалари, дунёқараашлари, умумий савияларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Қабул имтиҳонини ўтказиш комиссияси матндаги ҳар бир имлоси қийин ҳолатини ҳисобга олган. Ўрта мактаб дастурлари доирасида етук маълумотга эга шахс бу матн асосида диктант ёза олиши мўлжалланган.

Ҳар бир матнда имлоси қийин сўзлар: ъ ва ь белгили сўзлар, е, ё, ю, я ҳарфли сўзлар, қўш ундошли ва қўш унлили сўзлар; ишорат белгилари (тинини белгилари)ни қўллаш қийин ҳисобланган гайлар, уюшиқ бўлакли гаплар, ажратилган бўлакли гаплар, ундов ва кириш бўлакли гаплар, кўчирма гапларнинг у ёки бу кўриниши бўлиши турган гап. Лекин булярнинг ҳаммаси ўрта мактабларда ўтилган, улар бўйича она тили дарсларида машқлар бажарилган. Демак, сиз уларни билишингиз керак.

6. Шундан кейин ўқитувчи диктант ёздиришни бошлайди. Бунинг учун ўқитувчи матндаги ҳар бир гапни

аввал бир марта түлиқ ўқийди, кейин уни қисмларга (сингтагмаларга) бўлиб айтиб туради. Абитуриентлар диктант ёзишини бошлайдилар. Ҳар бир қисм ўртача 3 сўздан иборат бўлади. Ўқитувчи айтиб турганда, мана шу 3—4 сўзни абитуриент хотирада тутиб қолиши ва мияда уни такрорлаб туриб ёзиши керак. Гап тугагандан сўнг ўқитувчи уни яна бир марта бутун ҳолда ўқиб беради ва абитуриентлар ўз ёзганлари билан таққослайдилар. Шундан кейин ўқитувчи янги гапни ўқиб таништиради, кейин қисмларга ажратиб ўқиб турди ва ҳоказо. Демак, диктант гапдан гапгача ўқиб берилади ва ёздирилади. Абитуриентлар буни яхши тушунишлари ва гап охирида тегишли ишорат белгисини қўйиб, янги гапни бош ҳарф билан бошлашлари керак. Диктант ёзиш шу тариқа давом этади. Матндан охирги гап ёзиб бўлингач, ўқитувчи матнни яна бир марта бошидан охиригача ўқиб беради. Абитуриентлар уни ўз ёзганларига солиштирадилар. Ёзилган диктантдаги ишорат белгиларининг қўйилишини яна бир бор текшириб чиқиш учун 2—3 дақиқа вақт берилади. Шундан сўнг абитуриентларнинг диктантлари ўтишириб олинади.

7. Абитуриентларнинг қўпчилиги диктант ёзишда қўйиладиган ишорат (тиниш) белгиларини ўқитувчининг диктант матнини ўқишдаги тўхтаб олишлари (паузаси) билан боғлайдилар. Бу тўғри эмас. Аввало, матн маъно ва грамматик хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда нутқий қисмларга (сингтагмаларга) бўлиб ўқилади. Бу нутқий қисмлар ўзаро бир-биридан енгил тин олиш (бир тўхтаб олиш) билан ажратилади. (Сухандонларнинг матн ўқишларига эътибор беринг). Лекин бу тўхтаб олишларнинг қайси бирида вергул, қайси бирида тире ёки нуқтали вергул қўйиш керак? Буларни грамматик қоидаларни яхши ўзлаштирган абитуриентлар билади ва диктант ёзиш жараёнида матндан гапларнинг маъноси ва тузилишига қараб керакли ишорат белгиларини қўя олишади.

8. Диктант фақат бир марта, яъни бир нусхада ёзилади. Унинг қоралама нусхаси ҳам, оқча кўчирилган нусхаси ҳам бўлмайди. Бундан ташқари, абитуриентлар диктант ёзишда: «Ўз хатоимни ўзим тузатиб қўйсам, ҳеч нима қилмайди», — деб ўйлаб ёзганларини бемалол ўчириб, тузатаверадилар. Ҳолбуки, диктант текшириш қоидаларига кўра ундаги 5 та тузатиш баҳонинг 1 балл пасайтирилишига олиб келади. Агар диктантда 3 та тузатиш бўлса, унга «5» баҳо қўйиб бўлмайди. Чунки бу тузатишлар

сизнинг шу сўзни ёзишда иккиланишияни гиздан, уни тўғри ёзиш қандай бўлишини яхши билмаслигигиздан далолат беради. Шунинг учун диктантни ёзишда ўқитувчининг айтиш маромига мослашиб, тез, тўғри ва чиройли ёзишга ҳаракат қилинг.

9. Математики, абитуриентларнинг эшитиш қобилиятини бир хил деб бўлмайди. Шунинг учун диктант ёзиладиган хонада абитуриентлар сони 30 кишидан ошмайди. Эшитиш қобилияти заифроқ ёшларга олдинги қаторларда ўтиришларини маслаҳат берамиз.

Диктант матнини ўқийдиган ўқитувчи товушларни тиниқ талаффуз этиши, ўзи мансуб бўлган шеванинг таъсирини сездирмаслиги лозим. Ўқитувчи диктант матнини ўқиши қоидаларига қаттиқ риоя қилиши керак. Унинг, айниқса, ўқиши тезлигини ошириши ва, аксинча, меъёрдан ортиқ суст ўқиши ҳам аудиторияни чалғитади. Абитуриентлар айрим сўзларни тушуна олмай, бир-бирларининг ёзганларига қарай бошлайдилар, диққат-эътибор сусаяди, хонадаги тинчлик бузилади. Бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун, одатда, диктант матнини ўқиши учун мактаб ўқитувчилари таклиф этилади.

Шу билан бирга, диктант ёзиш имтиҳонида абитуриентлар ҳам ўзларини жиддий тутишлари, ўқитувчига ўринисиз саволларни беравермасликлари, ҳар бир сўз, ҳар бир гапни қайтариб ўқишини талаб қиласкермасликлари керак. Айрим абитуриентлар кетма-кет савол бераверишлари оқибатида ён-атрофдагиларни ҳам, ўқитувчини ҳам чалғитиб, диктантни кўнгилдагидек ёзишга халақит берадилар. Диктантларнинг ижобий баҳоланишини, диктант ёзишда ҳақиқий ишчанлик муҳити бўлишини истасангиз, бу муҳитни, аввало, ўзингиз яратинг.

ДИКТАНТЛАРДА УЧРАЙДИГАН ХАТОЛАР. ХАТОЛАРНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Диктантларда учрайдиган хатолар икки тоифа бўлади: 1) имловий (орфографик) хатолар ва 2) ишорат хатолари. Чунки диктант тайёр ҳолда тавсия этсладиган матн бўйича ўтказилгани учун унда услубий хатолар бўлмаслиги керак. Бироқ баъзан абитуриент жумлани ёки ундаги бирон сўзни очиқ-равшан эннитмаганлиги, грамматик қоидаларни пухта билмаслиги оқибатида сўзни ёки қўшимчани бошқача ёзиб қўйинши ва бу камчилик куттилмаганда услубий хатони келтириб чиқариши мумкини.

Баъзан эса бирон сўз жумладан тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, «Олимни, айниқса, «Тиб қонунлари» асариг дунёга машҳур қилди». Бу ерда «асари» сўэидан олдин «номли» сўзи тушиб қолган. Лекин керакли, зарур сўз тушиб қолса-ю, унинг гандаги ўрниниabituriyent сезмаса, аҳамият бермаса, услубий хато вужудга келиши мумкин. Шунингдек, қаратқич ва тушум, жўналиш ва ўрин-пайт келишикларининг баъзан фарқланмаслиги натижасида -нинг ва -ни, -та ва -да қўшимчаларини алмаштириб қўллаши ҳоллари учрайди. Масалан: «Бобурни(нг) отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурунинг набираси, Фарғона вилоятини(нг) ҳокими эди. Ёки: «толди кесиб», «биззи қишлоқ», «Акмалди ўпиб». Ҷундай хатолар диктант матнининг мазмунини чалкаштиришга ва мужмалликка олиб борувчи нуқсонлар бўлиб, услубий хатоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Диктантни баҳолашда бу хил услубий хатолар қўпол имловий (орфографик) хатолар қаторида ҳисобга олинади.

Диктантда учрайдиган орфографик хатолар қўйол ва қўйол бўлмаган хатоларга ажратилади. Қўйол имловий хатоларга қўйидагилар киради:

1. Ниҳоятда таниш, кўп учровчи сўзларни хато билан: «Навоий»ни «Навойи», «жаҳон»ни «жоҳон», «халқ»ни «ҳалқ», «ҳисобни «хесон» тарзда ёзиш. Диктантда бундай қўйол хатоларнинг бўлиши абитетиентнинг саводи пастлигини дарҳол ошкор қиласди.

2. Сўзнинг ва гапнинг маъносига эътибор бермасдан, қандай эшитса ва қабул қиласа, шундай ёзиш. Масалан, шоир Камийнинг чиройли тутоғини сўзлари оддий бўлса ҳам бир абитетиент шундай ёзган: «Унум йўқ, бунум йўқ, ўйимда унум йўқ, ишимда унум йўқ, айтишга унум йўқ». Бу тулоқ сўз ўйинига асосланган. Агар абитетиент тутоғининг мазмунига, сўзларнинг маъносига тушуниб ёзганда, бу тулоқ аслига кўра шундай ёзилган бўлар эди: «Уним йўқ, буним йўқ, ўйимда унум йўқ, ишимда унум йўқ, айтишга унум йўқ».

3. ъ ва ъ белгиларни қатнашадиган сўзларнинг имловини билмаслик оқибатида келиб чиқадиган хатоларга («шеър»ни «шъер», «масъул»ни «маъсул», «съезд»ни «сеъзд», «август»ни «августъ») йўл қўйиш.

4. Сўзларни бўғинга тўғри ажратишни билмаслик оқибатида сўзларни қатордан қаторга нотўғри кўчириш ҳоллари: жумҳур-ият, ил-инди, икков-инг, қатнаш-иш, дарах-тлар, а-ҷана, бизни-нг каби. Бу сўзлар қатордан

қаторга шундай кўринишларда кўчирилса, тўғри бўлади: *жум-ҳу-ри-ят, илин-ди, ик-ко-винг, қат-на-шиш, дараҳтлар, анъ-ана, биз-нинг.*

5. е, ё, ю, я ҳарфларининг имлосида янгилишилар ҳам кўп учрайди. Масалан: *намоёнда, имирмоқ, ҳадимай, юқ, буйир, белдиради, калиндар, фольклёр, ялғиз, ёлмогиз ериқ, итиб, ревож, туйик, яакка, ёқотди.* Бу сўзларнинг тўғри ёзилиш шакли эса шундай: *намоянда, емирмоқ, ҳадемай, ўйқ, буюр, билдиради, календарь, фольклор, ёлғиз, ялмогиз, етиб, ривож, туюқ, яакка, ўйқотди.*

6. Жуфт сўзлар, такрорланиб қўлланадиган ундов ва тақлид сўзлар, чизиқча (дефис) билан ажратиб ёзиладиган юкламалар имлосини яхши билмаслик оқибатида ҳам имловий хатолар кўпайиши мумкин. Масалан, мана бу сўзларда чизиқча (дефис) ортиқча: *хом-хаёл, келдими, XX-аср, тун-у кун, зоҳоти-ёқ 25-июнь 1991-йил, курдинг-ми, Олти-ариқ.* Мана бу сўзларда эса чизиқча ўз ўрнида кўйилмаслиги сабабли ҳаго чиққан: *болада (болада), ичар ичмас (ичар-ичмас), сонсаноқсиз (сон-саноқсиз), ямшил (ям-яшил), бўлсада (бўлса-да), паст баланд (паст-баланд), ўқишишсая (ўқишишса-я), айтдимку (айтдим-ку)* каби (қавс ичидаги берилганлари тўғри).

7. Атоқли отларни бош ҳарф билан ёзмаслик. Масалан: *узоқ шарқ, ўлмас, умум европа, мамлакат.*

Юқорида кўрсатилган хатолар қўпол имловий хатолар ҳисобланади. Шу билан бирга, диктантларда қўпол бўлмаган, жузъий имловий хатолар ҳам учраб туради. Булардан:

1) имлоси мужмал, мунозарали ҳолатларга доир хатолар. Масалан: «дов юрак» сўзи «Имло лугати»да ажратиб ёзилган ҳолда берилган. Лекин матбуот ва бадиий ҳадабиёт саҳифаларида бу сўз «довюрак» шаклида; бу қўпол хато ҳисобланмайди, чунки сўзининг «дов» қисми асл кўриниши «дев»дан узоқлашган ва ҳозир мустақил қўллапмайди. Шунингдек, «Имло қоидалари»нинг 58-§ида «От, сифат, сон, олмош ва равишдан олдин кела-диган... «ғайри» қисми ажратиб ёзилади» дейилади. Лекин лугатнинг ўзида «ғайриқонуний» сўзи қўшиб ёзилган¹.

Шунга кўра «ғайритабиий», «ғайрирасмий», «ғайриахлоқий» сўзлари ҳам жуда кўп ҳолларда қўшиб ёзиляпти.

¹ Имло лугати, мактаб ўқувчилари учун қўлланма, 5-нашри, Т., «Ўқитувчи», 1987.

Үқувчи ҳам бу сўзларни шундай қўшиб ёёса, жузъий хато ҳисобланади.

Қўшма сўзларнинг баъзи кўринишлари имлоси, бош ҳарфларнинг ёзилишидаги айрим ҳолатлар ҳам узил-кесли ҳал қилинмаган. Шунинг учун бундай ўринларда йўл қўйилган хатолар ҳам қўпол ҳисобланмайди. (*Она-Ватан ёки Она-ватаён, Ватаён ёки ватаён*)

2. ҳ ва ҳ ҳарфларининг имлосида янгилишишлар: «хуш»ни «ҳуш», «хислат»ни «ҳислат», «хайриҳоҳ»ни «ҳайриҳоҳ», «ҳаво»ни «хаво», «аҳлоқ»ни «аҳлоқ» тарзида ёзиш.

3. Баъзан абитуриент ўқитувчи талаффуз этган сўзни аниқ эшитмаслиги натижасида уни бошқача тушуниб, ўзи тушуниганданча ёзиб қўйиши мумкин. Бу ҳам тасодифий хато. Агар диктантнинг ёзилишидаги умумий савия юқори бўлса, тасодифий хато тарзида уни хато ҳисобламаса ҳам бўлади.

Диктантларда учрайдиган хатоларнинг иккинчи тури тиниш хатолариидир. Қўпчилик абитетуринлар тиниш белгиларнинг қайси бирини қаерда қўллашни яхши билмаганинглари сабабли бу белгиларни ўқитувчининг матнни ёздиришда қаерда тўхтаб олиши (пауза) билан боғлайдилар. Ўқитувчи матндан охири марта ўқиб берадиганда қаерда тўхтаса, ўша ерда, асосан, вергул қўйиб кетаверадилар. Ҳолбуки, фажат вергул эмас, нуқта, ундов, сўроқ белгилари, нуқтали вергул, икки нуқта, тире, кўп нуқта қўйилган жойларни ўқишда ҳам ўқитувчи бир тўхтаб олади. Қолаверса, бу белгиларнинг ҳеч бири қўйилмаганда ҳам ифодали ўқиш талаби билан (мантиқий ургуга қараб) ўқитувчи матнни ўқиётганда тўхтапни мумкин. Табиий сабабларга кўра ҳам ўқитувчи матнни ўқишда тўхтаб, нафасини ростлаб олиши мумкин. Бундан ташқари, қўштириноқ, қавс каби тиниш белгилари борки, уларнинг қўлланишини пауза билан боғлаб бўлмайди.

Тиниш белгилари, асосан, қуйидаги ҳолларда нотўғри қўлланади:

1. Кўчирма гапларнинг ёзилишида: *Геардия, олға!* генерал рация орқали буюрди. Бу гап шундай ёзилиши керак эди: — *Гвардия, олға!* — генерал рация орқали буюрди. Ёки: *Магазинчи радиоузелдан туриб деди Бугун магазинга ноёб моллар келади.* Бу гап шундай ёзилса, хато бўлмас эди: «*Магазинчи радиоузелдан туриб деди: «Бугун магазинга ноёб моллар келади.*».

2. Уюшиқ бўлакли гапларда, айниқса, улар умумлаштирувчи бўлаклар билан келганда. Масалан: «*Бобур ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили тарихчи олим Ҳиндистондаги йирик давлатнинг асосчиси*». Бу гапда тиниш белгилари шундай қўйилиши керак эди: *Бобур — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи, олим. Ҳиндистондаги йирик давлатнинг асосчиси*». Яна мисол: *Қўчалар, уйлар, ҳамма томон ям-яшил кўкат ва япроқларга буркангандай кўринарди (Ҳ. Н.)* — Бу гап шундай ёзилса тўғри бўлади: *Қўчалар, уйлар — ҳамма томон ям-яшил кўкат ва япроқларга буркангандай кўринарди*.

3. Гапнинг ажратилган бўлакларини кўп аби туриентлар фарқламай, тегишли тиниш белгиларини қўймай ёзалилар. Масалан: *Жанговар гвардиячилар жанг майдонида севимли генерал ҳалок бўлган жойда тўпланиб, ёвдан аёвсиз ўч олишга қасамёд қилдилар*. Бу гапда ажратилган бўлак шундай тинини белгилари билан кўрсатилади. *Жанговар гвардиячилар жанг майдонида — севимли генерал ҳалок бўлган жойда тўпланиб, ёвдан аёвсиз ўч олишга қасамёд қилдилар*.

4. Ундалмаларнинг тиниш белгилари билан ажратилмаганига доир хатолар учрайди. Масалан: *Биласанми Икром кўклам шабадаси эсиб қолди. Тўқай масаласини жиддий ўйлашимиз керак раис (С. Аҳм.)* Иккала гапдаги ундалмалар вергул билан ажратилмай хатога йўл қўйилган. Бу гапларда ундалмаларни кўрсатиш учун вергул шундай қўйилади: *Биласанми, Икром, кўклам шабадаси эсиб қолди. Тўқай масаласини жиддий ўйлашимиз керак, раис*.

Тиниш белгиларининг нотўғри қўлланишига мисоллар жуда кўп учрайди. Диктант текшириш қоидаларига кўра ўқитувчи бу хилдаги хатоларни хилларга ажратиб, бир хилдаги **тиниш хатосинигина ҳисобга олади**. Масалан, уюшиқ бўлакларга доир З хато 1 та ҳисобланади, ундалмаларга допр 2 хато 1 та ҳисобланади.

ДИКТАНТЛАРДАГИ ХАТОЛАРНИ ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

1. ИМЛОВИЙ ХАТОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1. Бунинг учун, аввало, «Имло қоидалари»ни яхни билишингиз, яъни саводхонлигингиз пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. «Имло қоидалари»ни синчиклаб ўрга-

ниб, уларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилинг, натијасын өмөн бўлмайди.

2. «Имло луғати»да сўзларнинг қандай ёзилганини қайта-қайта ўқинг ва ўрганинг. Айниқса х ва ҳ ҳарфини, у ва ў ҳарфини фарқламайдиган ёшларга шу ҳарфлар билан ёзиладиган сўзларнинг ёзилиш шаклини хотирада мустаҳкам сақлаш учун уларни қайта-қайта ўқиб, ёдлаб, шу асосда машқулар ўтказиб туришлари яхши ёрдам беради. Шу ўринда мана шу ҳарфлар қатнашган ва сиз билишингиз лозим бўлган сўзларнинг энг зарурларини кўрсатамиш:

х ҳарфи билан	ҳ ҳарфи билан
хабар	ҳавас
хаёл	ҳаво
хазина	ҳадеб
хайриҳоҳ	ҳадя
халоскор	ҳаётбахш
халқаро	ҳажвий
харожат	ҳайбатли
ҳасис	ҳайрон
ҳат-хабар	ҳайҳот
ҳиёбон	ҳаловат
ҳиёнат	ҳаммабоп
хизмат	ҳамма вақт
ҳиллоф	ҳатто
хира	ҳаракат
хислат	ҳаяжон
хушмуомала	ҳақиқат
хуш ёқмас	ҳаққоний
хулқ-ахлоқ	ҳиссиёт
хулоса	ҳокимият
у ҳарфи билан	ў ҳарфи билан
увол	ўгит
увушмоқ	ўзаро
удум	ўзи юрар
у ер-бу ер	ўйламоқ
узуқ-юлуқ	ўкинч
уйдпрма	ўнғай
уламо	ўрганмоқ
уйгун	ўрим-йиғим
улугвор	ўринбосар
умрбод	ўсувлан
унутувчан	ўтказмоқ

уюшмоқ	ўткир
уюпқоқ	ўтмиш
уятчан	ўювчи
үқув	ўқ-ёй
	ўқтин-ўқтин

3. ъ ва ь белгиларининг имлоси бўйича: ъ белгиси ёзувда ҳозирги кунда З вазифани бажаради: 1) рус тилидан ўтган сўзда **е, ё, ю, я** ҳарфларидан олдин келиб, уларнинг тўлиқ икки товуш билан ўқилишини билдиради. Масалан: *съезд, разъезд*; 2) араб-форс тилларидан ўтган сўзларда унли товушни билдирувчи ҳарфлардан кейин келиб, уларнинг чўзиқ ўқилишини билдиради. Масалан: *эълон, маъно, мұғтабар, Раъно*; 3) шу тиллардан ўзлашган сўзларда ундош товушли ҳарфлардан сўнг келиб, уни кейинги унли товушни билдирувчи ҳарфдан ажратади: Масалан: *санъат, масъул, суръат, анъана, нашъа*.

ъ белгиси фақат рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан олинган сўзларда ёзилади. Юмшатиш белгиси 1) **р, л, н, т** товушларини ифодаловчи ҳарфлардан сўнг келиб, бу товушларнинг юмшоқ ўқилишини билдиради: *июнь, лагерь, ансамбль, нефть*; 2) **е, ё, ю, я** ҳарфларидан олдин келиб, уларнинг тўлиқ ўқилишига хизмат қиласди: *пъеса, фельетон, адъютант, судья* каби. Лекин худди шундай ҳолларда — ўзбекча *Матёкуб, Яхё, ҳадя, бунёд, дарё* каби сўзларда бу белги ҳам, ъ белгиси ҳам қўйилмайди.

Юмшатиш белгиси сўзнинг охирида бўлса, бу сўзга қўшимчалари қўшилганда, ъ тушиб қолади. Масалан: *лагерь — лагерда, ансамбль — ансамблар, календарь — календарни* каби.

4. Жумҳуриятимизнинг турли жойларидан Тошкентга олни ўқув юргларидан бирпага ўқишга кириш учун келган абитуриентларнинг оғзаки нутқларида ўз шеваларининг таъсири сезилиб туради. Агар бу таъсир уларнинг диктантларида сезилмаса, матндаги сўзлар адабий тил мезонларига мувофиқ шаклда ёзилган бўлса, жуда яхши. Баъзан абитуриентлар ўз шеваларида сўзларни қандай талаффуз қиласалар, шундай ёзадилар. Ўқитувчи эса ёзма ишларни ёзувда имло қоидаларига амал қиласлан ҳолда текширади. Масалан, абитуриент: *боҳо, курсант, дарстга, Ақмалди укаси, биргадир, эборат, қаторга, тўзишда, ойила деб ёзса, ўқитувчи* бу сўзларни *баҳо, курсанд, дарсда, Ақмалнинг укаси, бригадир, иборат, қаторга, тузишда,*

силә тарзида тузатиб, имловий хатоларни қайд әтади. Шева таъсири нисбатан турғун хусусият бўлиб, мактаб ўқитувчисидан бу хусусда муттасил иш олиб боришни талаб қиласди. Шунинг учун бизabitуриентларга «Имло луғати» билан яқиндан дўст бўлишни, кўп ўқишни, ўқиганда ҳам сўзларнинг ёзиши шаклига эътибор бериб ўқишни тавсия этамиз. Шунда диктант сўзларини ўз шевангиз бўйича әмас, адабий имло шаклига кўра ёзасиз.

5. Қўшма сўзларнинг қўшиб ва ажратиб ёзиладиган турлари ҳақида ушбу китобчанинг «Иншода учрайдиган хатолар» бўлимидаги ҳам гапирилган. Шунинг учун биз фақат ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни кўрсатиб ўтамиз: 1) қўшма сўзларнинг иккинчи қисми **е, ё, ю, я** билан бошланса. Масалан, *иш ёқмас, ер ёнгоқ, тош юрак*; 2) иккинчи қисми -ли билан ясалган қўшма сифатлар; уч қаватли, икки тавақали, қизил юзли; 3) икки отдан тузилган сифатлар: **кул ранг, буғдои ранг, қуш бурун, қўй кўз** ва бошқалар.

2. ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Тиниш белгиларининг қўлланиши гапнинг тузилиши, ундаги бўлакларнинг грамматик муносабатига боғлиқ.

1. Уюшиқ бўлаклар, яъни гапда бир хил саволга жавоб бўлиб, бир хил вазифани бажарувчи бўлаклар орасида вергул қўйилади. Агар уюшиқ бўлаклар билан бирга умумлаштирувчи бўлак ҳам гапда қатнашса, тиниш белгилари умумлаштирувчи бўлакнинг ўрнига қараб танланади. Умумлаштирувчи бўлак уюшиқ бўлаклардан олдин келса, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, кейин уюшиқ бўлаклар ёзилади: Масалан: *Мана ҳар наэ дехқончилик машиналари: тракторлар, чимқирқарлар, ўғитсерарлар келиб қолди. (О.)* Умумлаштирувчи бўлак уюшиқ бўлаклардан кейин келса, ундан олдин тири қўйилади. Масалан: *Шўрванинг эти, мойи, суви — бари сизники бўлади-ку, яна нима дейсиз? (О.)*

2. Гапнинг ажратилган бўлаклари, яъни ўзидан олдинги бўлакнинг мазмунини изоҳлаб, кенгайтирувчи бўлаклар ўша бўлак билан бир хил вазифани бажарадилар, бир хил сўз ўзгартувчи қўшимчаларни оладилар. Гапнинг ажратилган бўлаклари содда қурилиши бўлса, гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан; ёниқ ҳолда бўлса, таъкидланса, тири билан ажратилади. Мисоллар: *Биз, ёшлар олижаноб фазилатларни катталардан ўрганамиз.*

Қўчқоров — дўнг пешона, қирра бурун, полвон тахлиг йигитча — кичкина район газетасига кўз тикиб ўтиради (О.).

3. Сўзловчининг мурожаати, гапнинг мазмуни қартилган шахс ёки нарсани ифодаловчи сўз ундалма дейилади. Ундалма гапнинг қаерида келмасин, гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан ажратилади. Масалан: **Онажонларим, нечук шамол учирди?** (А. К.) Ундалма ундов билан бирга қўлланиб, кучли ҳаяжон ифодаласа, гапнинг бошида ундов белгиси билан ажратилади. Масалан: **Хой қизча! Чаконроқ югур, бўлсанг-чи!**

4. Кириш бўлаклар сўзловчининг гапнинг мазмунига турли муносабатини ифодалайди. Кириш бўлаклар ҳам гапнинг қаерида келмасин, бошқа бўлаклардан вергул билан ажратилади. Масалан: *Ниҳоят, кун гарбга оғди* (М. М.) Гавҳар опам ухлаб қолибди, шекилли (С. З.) Кечак афсуски, Назирани учрага олмадим.

5. Аммо, лекин, бироқ, ва, ёки боғловчиларидан сўнг ҳеч қачон вергул қўйилмайди. Масалан: Ҳаво эрталабдан булут бўлди, лекин ёмғир ёғмади. *Имтиҳонлар тугади ва биз ҳам дам олишга чиқдик.*

6. Боғловчисиз боғланган қўшма гаплардаги гаплар орасига мазмунга қараб вергул, икки нуқта, тире белгиларидач бири қўйилади. Мисоллар: *Доно ўзини айблайди, нодон дўстини айблайди.* (Мақол) Ватанинг тинч — сен тинч. Ҳаво айниб турибди: ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

7. Кўчирма гаплар ўзга шахснинг ҳеч ўзгаришспоз келтирилгай гапидир. Кўчирма гаплар, одатда, муаллиф гапи билан бирга қўлланади. Бунинг 4 хил кўринишни бор бўлиб, уларда тиниш белгиларининг қандай қўйилишига эътибор беринг:

Директор гап бошлиди: «Ўттиз саккиз йилдан бери маориф соҳасида ишлайман» (муаллиф гапи олдин келган).

Ҳали шундай дегин? — деди Тиллабой (муаллиф гапи кейин келган).

Ҳалқимизда: «Ҳалол меҳнат кишини улуғлайди». — деган гап бор (кўчирма гап муаллиф гапнинг орасида келган).

«Қадрдонларим» — деб хат ёзарди Хайри, — Кечикиб хат ёзганим учун мени кечиринглар (муаллиф гапи кўчирма гап орасида келяпти). Диалогик, яъни икки кишининг сұхбати тасвиrlанган нутқда ҳар бир сұхбатдош-

нинг гапи хат бошидан тире билан бошланади. Масалан: *Бир абстракционист рассом оппоқ матонинг остига «Ит ва сўнгак» деб ёэди-да, кўргазмага қўйди. Рассом билан бир томошибин орасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:*

- *Ие, сўнгак қани?*
- *Уни ит еб қўйди.*
- *Ундаи бўлса, ит қани?*

— *У кетди. Ейишга ҳеч нарса қолмагач, бу ерда ниша қилади?*

8. Юқорида кўчирма гапларнинг қўштириноқ ичидаги берилшини кўрдик. Қўштириноқ кўчирма гаплардан бошкча яна қўйидаги ҳолларда ишлатилади¹:

1) асар, ойнома, рўзномаларнинг номлари қўштириноқ ичидаги берилади: *«Тошкент оқшоми» рўзномаси, «Қутлуғ қон» романи, «Гулхан» ойномаси;*

2) атаб қўйилган номлар ҳам қўштириноқ ичига олиниади. Масалан: *«Гунча» кинотеатри, «Оқ олтин» конфети, «Хурмат белгиси» ордени.*

3) кўчма маънода ишлатиладиган сўзлар, сўз биримларни ҳам қўштириноқка олиниади. Масалан: *Фурқат Истамбул шаҳрини кезаркан, у ердаги «мардумни тұнчадек хуррам кўради».* (*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси*)

¹ К. Назаровнинг юқорида кўрсатилган методик қўллапмасининг 33-бетига қараинг.

МУНИДАРИЖА

Ўзбек тили ва адабиётидан дастур	3
Оғзаки ва ёзма саводхонликни ўстириш учун машқлар	28
Кириш имтиҳонларида грамматик таҳлил	61
Иншо қандай ёзилади?	89
Диктант қандай ёзилади?	137

Қодирев М., Долимов У., Аъламова М.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1993

ИБ № 5817

Таҳририят мудири С. Мўминов
Муҳаррир Ҳ. Юсупова
Бадиий муҳаррир Ж. Одилов
Техн. муҳаррир Д. Габдураҳманова
Мусаҳҳид М. Минаҳмедова

Теришга берилди 24.12.92. Босишга рухсат этилди 28.05.93. Формати 84×108 1/32. Тип. көнози. Кегли 10 шпонсиз. Литерат. гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 7,98. Шартли кр-отт. 8,19. Нашр. л. 7,5. Нусха 12000. Буюртма 2640.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 13-212-91.

Ўзбекистон Республикаси давлат Матбуот қўмитасининг Ташполиграф комбинати. Тошкент, Навоий, 30. 1993

Ўзбекистон давлат Матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кӯчаси, 1-й.